ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبکستان ادبیاتی وصنعتی

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ЙИЛ, 4 ДЕКАБР, № 49 (3205) ЖУМА

ОЛИМ МАЪНАВИЙ ИНҚИРОЗДАН ҚУТУЛИШ ЙУЛЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ — 2-БЕТ

ИНСОН ОЛАМДАН УТДИ...

АТОҚЛИ АДИБ РАҲМАТ ФАЙЗИЙ ИЖОДХОНАСИДАН БИР ШИНГИЛ — 4-БЕТ

ТАРИХЧИЛАР БАҲСГА КИРИШАДИЛАР — 3-БЕТ

ЖАҲОН ОСМОНГА УЛУҒБЕК НИГОҲИ БИЛАН ҚАРАЙДИ

ПРОФЕССОР ХАЙРУЛЛА ИСМАТУЛЛА ИНДИАНАДАН ЁЗАДИ... — 5-БЕТ

«МАЖОЗ СУЛУКИ» НИМА? — 8-БЕТ

ДЎППИ МУБОРАК БЎЛСИН!

С. МАҲКАМОВ сурат-лавҳаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИНИНГ МУҚОБИЛ ВАРИАНТЛАРИ

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯМИЗ ЛОЙИҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ БЎЛМИШ БАЙРОҚ, ГЕРБ БИЛАН БИРГА МАДҲИЯГА ҲАМ АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРИЛГАН. ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИ МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН ТАСДИҚ ЭТАДИГАН, ФУҚАРОЛАР ҚАЛБИДАГИ МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ИФОДА ҚИЛАДИГАН ВА УЛАРНИ РУҲАН ЖИПСЛАШТИРАДИГАН ЖУДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛИШИ ЛОЗИМ.

БУГУНГИ ҲАФТАЛИГИМИЗНИНГ ОЛТИНЧИ САҲИФАСИДА МАДҲИЯНИНГ МУҚОБИЛ ВАРИАНТЛАРИ БИЛАН ТАНИШАСИЗ.

МИЛЛИОНЕР БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси республика «Наврўз» хайрия жамғармасининг 1993 йилда «Наврўз-93» ютуқли хайрия лотереяси ўйинини ўтказиш тўғрисидаги таклифини маъқуллади.

Лотерея ўтказишдан тушган даромадлар биринчи навбатда кам даромадли аҳоли қатламларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, миллий ва маънавий қадриятларни, маданий меросни тиклашга ва тарғиб этишга ҳамда «Наврўз» хайрия жамғармаси Низомида кўзда тутилган вазифаларни бажаришга сарфланади.

Ҳар лотерея билетининг баҳоси 25 сўм. Ўйинга жами 250 миллион сўмлик лотерея чиқарилади.

Ютуқларнинг умумий миқдори 100 миллион сўмни ёки чиқарилган жами билетлар қийматининг 40 фоизини ташкил этади.

Айни кунларда лотерея билетлари алоқа корхоналарида, жамғарма банкларида сотилмоқда. Уларни сиз савдо шохобчалари орқали, шунингдек, жамоатчи тарқатувчилар ёрдамида нақд пулга сотиб олишингиз мумкин.

ЛОТЕРЕЯДА ҚУЙИДАГИ ЮТУҚЛАР ЎЙНАЛАДИ:

ЮТУҚЛАР МИҚДОРИ (сўм ҳисобида)	СОНИ
3000000	10
1000000	20
500000	20
100000	150
50000	200
25000	200
10000	200
5000	200
2500	200
1000	200
500	200
100	200
50	30000

Хайрия лотереясининг ютуқлар тиражи 1993 йилнинг 21 март куни ўтказилади. Ютуқларни 1993 йилнинг 30 июнигача олиш мумкин.

Жаноблар! Хайрия лотереяларини сотиб олинг. Эҳтимол, омад навбати сизга келгандир.

БАХШИ

Ислом шоир Назар ўғлига

Бу дунёдан айтинг, кимлар ўтмаган
Чин дулдулга бедов қувиб етмаган.
Ислом ота чертганида созини
Атрофига булбул қўниб, кетмаган.
Булбулларни лол қолдирган бахшийди.

Элни кезиб чечанлигин билдирган,
Қўнғиротда Бойбўрини кулдирган,
Эрам боққа Гўрўғлини обориб,
Ғиркўкига Гулноройни миндирган,
Чечанлигин хўб билдирган бахшийди.

Чорвадорга чиқса қўш най чалдирган,
Зулайҳони мадҳин элга ёйдирган.
Отаёрни шеър боғида етаклаб
Юртимизни қўшиқ, куйдан тўлдирган,
Давраларда дил ёндирган бахшийди.

Ота мерос дўмбирани авайлаб,
Знёдулла йўлга тушди бел боғлаб,
Наҳрипайлик меҳнаткашлар қалбига
Қувонч улаб уни чертиб ҳай-ҳуйлаб,
Гоҳ йиғлатиб, гоҳ кулдирган бахшийди.

Дарё оқиб ўтди, ўтди Пўлканлар,
Эргаш ота, Фозил каби улканлар,
Ислом шоир куйлаганда берилиб
Қойил қолган маҳоратин кўрганлар,
Терма достон мўл қолдирган бахшийди.

Умарқул ПЎЛКАН ўғли

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ ИСЛОМ КАРИМОВ ОЛИЙ ҲАЗРАТЛАРИГА

Жаноб президент!

Ушбу мактубни мен Бирлашган Миллатлар Ташкилоти байрами муносабати билан юборган табрикномангиз учун ташаккур айтиш ниятида ёзмоқдаман.

Тожикистондаги аҳволни ўрганиш мақсадида БМТ вакилларини юбориш тўғрисидаги қароримга муносиб баҳо берганингиздан мамнунман. Аминманки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарихида туб бурилиш чоғи тобора яқинлашмоқда. Айни вақтда мен Бирлашган Миллатлар Ташкилоти янги бошқарувини тузиш қийинчиликсиз, осонликча кечади, демоқчи эмасман. Аксинча, вазиятни теран ҳал этиб, янги мустақил давлатларда юз бераётган ўзгаришларнинг муқаррарлигига ишонаман. Бошқа жойлардагига нисбатан Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиб турибди. Бинобарин, барча давлатларнинг БМТ низомини адо этишга муносабатини умидворлик нишонаси дейиш мумкин.

БМТнинг ўзи учун эса бу кундалик вазифа узлуксиз талабларни илгари сураётгани туфайли бутун инсониятга хизмат қилиш мезонидир. Айни замонда, ташкилотларимизнинг янги муносабатларга муҳтожлиги кечиктириб бўлмайдиган масала бўлиб турибди.

Шунинг учун ҳам мактубингизни ўзимга нисбатан катта илтифот деб биламан, Жаноб Президент, сизга ишончим чексиздир. Шу туйғуларимни қабул қилгайсиз.

Бутрос ҒОЛИЙ,
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби

НАРХ НАЗОРАТ ҚИЛИНСИН

МУҲАРРИРГА мактублар

Биз, пахтакорлар йил бўйи тер тўкиб меҳнат қиламиз. Бу меҳнатларимиз энди-энди мустақиллик шарофати туфайли қадрлана бошлади. Пахтанинг харид нархи оширилди. Бироқ деҳқон ўзи етиштирган пахтанинг чигитидан олинадиган ёғни «ишбилармон»лардан 90 — 100 сўмдан олишга мажбур бўлаяпти. Шелуха ва кунжарани ҳам 100 — 150 баробар қимматига пуллашаяпти. Ишбилармонлар қиммат баҳода сотаётган ёғ нега ҳукумат дўконлари орқали аҳолига берилмайди? Наҳотки, улар ўз чўнтагидан бошқа нарсани ўйлашмаса? Биз жонимизни жабборга бериб тун-кун ишласагу, мўмай даромадни бошқалар топишса. Майли, четдан олиб келишаётган нарсаларига хоҳлаган нархларини қўйишсин. Аммо ўзимизнинг маҳсулотларни белгиланган нархдан юқори баҳода сотишни қатъий назорат қилиш даркор.

И. ҲОЖМАНОВ
Чиноз тумани

ЖОМИЙГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумининг қарори билан Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Шарқнинг буюк алломаси, тафаккур ва назм султони Нуриддин Абдураҳмон Жомий вафотига 500 йил тўлиши муносабати билан илмий анжуман ўтказилди. Бу тадбирни Ўзбекистон Фанлар академиясининг Адабиёт, Қўлёзмалар, Шарқшунослик ва Маданият институтлари биргаликда ташкил этди.

Анжуманни ЎзФА Шарқшунослик институти директори, тарих фанлари доктори А. Ўринбоев кириш сўзи билан очди. Адабиёт институти бўлим бошлиғи, филология фанлари доктори А. Ҳайитметов Жомийнинг дидактик асарлари, уларда муаллиф қарашларининг акс этиши ва бу дидактик қарашларнинг ҳозирги кунимиздаги аҳамияти, филология фанлари номзоди С. Ғаниева Алишер Навоийнинг «Хамсатул-мутаҳаййирин» асари ва унда Жомий шахсиятининг гавдаланиши, Қўлёзмалар институти директори, филология фанлари доктори, ЎзФА мухбир аъзоси А. Қаюмов «Жомий» тахаллусли бир ғазал тарихидан» мавзуларида маърузалар қилдилар. А. Қаюмов «Жомий» тахаллуси билан ёзилган ўзбек тилидаги бир ғазалнинг уч асрлик тараққиёти ҳақида гапирди.

Филология фанлари доктори М. Имомназаровнинг Жомийнинг «Силсилат-уз-заҳаб» асарининг аҳамияти, филология фанлари номзоди Е. Исҳоқовнинг «Жомий ва Маломатия» таълимоти» маърузалари ҳам қизиқиш билан тингланди.

Шарқшунослик институти директори, тарих фанлари доктори А. Ўринбоев «Мажмаъ-ул-муросалат» асарига киритилган Хожа Аҳрор ва Абдураҳмон Жомий ёзишмалари, мактублари ҳақида сўз юритиб, алломаларнинг ўзаро дўстона муносабатда бўлишганини ёритиб берди. Филология фанлари номзодлари О. Усмонов «Хатак (афғон) адиблари Жомий ҳақида» маърузасида афғон адибларининг Жомий асарларини ўрганишлари, Д. Юсупова Хондамир асарлари асосида Жомий яшаган даврдаги маданий ҳаёт, илм аҳлига бўлган муносабат масалаларига тўхталдилар.

Фанимизда Жомий ўз қўли билан кўчирган асарлар мавжудлиги тўғрисида маълумотлар бор. Тарих фанлари номзоди Қ. Мунировнинг шу ҳақда маълумот берди. Алломанинг араб тилида ёзган «Фаваид-уз-знёна» асари тўғрисида Қўлёзмалар институти катта илмий ходими З. Исломов, шу институт катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Ҳ. Мухторова шоирнинг «Ламаот» асари, унинг ёзилиш тарихи ҳақида гапирдилар. «Нафаҳот-ул-унс» асари ҳақида Қўлёзмалар институти докторанти, филология фанлари номзоди Ҳ. Исломий маъруза қилди. У «Нафаҳот-ул-унс»нинг ноёб манба эканлиги, ундаги маълумотлар, асарнинг қўлёзмалари ҳақида муфассал маълумот берди.

Анжуманда бир гуруҳ афғонистонлик олим ва шоирлар иштирок этдилар. Абдул Ҳаким Шаръий Жузжоний форсийзабон шеъриятнинг асосий мактаблари ва уларнинг Жомийга таъсири ҳақида илмий ахборот берди. Ҳиротлик шоир Носир Таҳурий, ўзбекзабон шоир Ашраф Азимий алломага бағишланган шеърларни ўқишди.

Аллома ҳаётига оид тадбирларни ўтказиш республикамизда анъана тусига кирган. Тадбирларнинг амалий натижаси сифатида Қўлёзмалар институтида «Абдураҳмон Жомий» номли тўплам нашрга тайёрланмоқда. Ундан шоир ҳаёти, ижоди, асарларига бағишланган илмий мақолалар жой олган.

З. ИСЛОМОВ

Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон республикаси давлат мукофотлари қўмитасида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари Қўмитаси 1993 йилги Ҳамза номидаги Давлат мукофотини олиш учун танловга қуйидаги номзодлар тақдим этилганини маълум қилади:

АДАБИЁТ СОҲАСИДА

1. **Саъдулла СИЁЕВ** — «Мажнунтолнинг навдаси» насрий китоби.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тақдим этилган.

2. **Азим СУЮН** — «Куйганим — суйганим» шеърий тўплами.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тақдим этилган.

3. **Тўлан НИЗОМ** — «Муқаддас руҳ» шеърий китоби.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этилган.

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА

1. **Абдурашид НУРМУРОДОВ** — «Қонли йўргаклар» китоби.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ёшлар сиёсатига доир Қўмитаси ва Ўзбекистон жумҳурияти Афғон фахрийлари иттифоқи томонидан тақдим этилган.

ТЕАТР СОҲАСИДА

1. **Шуҳрат РИЗАЕВ** — драматург, **Афзал РАФИҚОВ, Элёр НОСИРОВ, Ҳожиакбар НУРМАТОВ, Ҳошим АРСЛОНОВ, Муножот ТЕШАБОЕВА** — бош роллар ижрочилари. Аброр Ҳайдоятов номидаги ўзбек Давлат драма театри саҳнасида қўйилган «Искандар» спектакли.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан тақдим этилган.

2. **Тўра МИРЗО** — драматург, **Баҳодир НАЗАРОВ,** — саҳналаштирувчи режиссёр, **Садриддин САЛИМОВ** — бош рассом, **Омон БЕГАНЧИЕВ, Ҳусан АМИРҚУЛОВ** — Амир Темур роли ижрочилари, **Лола ХОЛИҚОВА** — Бибихоним роли ижрочиси.

Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилояти театри саҳнасида қўйилган «Амир Темур» спектакли.

Қашқадарё вилояти Маданият ишлари бошқармаси ва Қарши шаҳар тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси томонидан тақдим этилган.

МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА

1. **ҲУЖАЕВ Асадулла Ашрабович** (раҳматлик) — меъморчилик-қурилиш комплекси раҳбари, **РОЗАНОВ Евгений Григорьевич** — муаллиф ва муаллифлар гуруҳи раҳбари, **ТУРСУНОВ Фарҳод Юсупбоевич** — муаллиф, **ҲАБИБУЛЛАЕВ Мухтор** — қурувчи, **НАЗАРОВ Музаффар Нуритдинович** — Меъморчилик Комплекси қурилишининг бадиий-технолог жиҳозлаш ва ундан фойдаланиш ишлари мутасаддиси.

Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройи меъморчилик комплекси.

Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси томонидан тақдим этилган.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари Қўмитаси 1993 йилги Ҳамза номидаги Давлат мукофотига тақдим этилган асарлар рўйхатини кенг жамоатчилик муҳокамасига қўймоқда. Бундан мақсад, мазкур асарлар ҳақида матбуотда, телекўрсатув ва радиоэшиттириш орқали, шунингдек, жамоатчилик вакиллари, мутахассислар, китобхонлар ва томошабинларнинг холис ва ҳаққоний фикрларидан хабардор бўлиш ва уларни ҳисобга олишдир. 1993 йилги Ҳамза мукофотлари сони аввалги йиллардагидек 6 та эмас, балки 3 та эканлиги албатта инобатга олиниши зарур. Айни пайтда, қуруқ мақтовлар эмас, балки асарнинг ижобий ёки салбий жиҳатларини ҳалоллик билан кўрсатиб берган адолатли фикрларгина умумий ишимизга ёрдам бериши мумкин.

Шунинг учун ҳам Қўмита муҳокама этиш ва асарни баҳолаш хайрихоҳлик ва юксак талабчанлик руҳида олиб борилади, деб умид қилади. Муҳокамада қатнашадиган барча ташкилот, жамоа вакиллари, мутахассислар, адабиёт, ва санъатимиз муҳлислари ҳамда бошқа ўртоқларга бу муҳим ва олижаноб ишга қўшажак ҳиссалари учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

Ўз таклиф ва мулоҳазаларингизни Қўмита номига қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: ТОШКЕНТ ШАҲРИ-700003, ТУРОБ ТЎЛА КЎЧАСИ 1, 217-ХОНА, тел: 45-72-46, 45-75-25.

Қутлайсиз!

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ёзувчи ва журналист Саъдулла ҲАКИМни халқ знёлилари рўзномаси «Маърифат»га бош муҳаррир қилиб тасдиқлади. Дўстимизни янги вазифа билан табриклаймиз.

«ЎзАС» таҳририяти

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

БОБОЛАР ЎГИТИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ БОЙ ЎТМИШИГА назар ташласангиз, қалбингизни ғурур ва ифтихор туйғуси чулғаб олади. Негаки, жаҳоннинг кўп жойларида одамлар ҳали «ёввойи» ҳолда яшаётган бир пайтда ўзбек халқи давлатлар, шаҳарлар ва маданият яратиб, инсоният тараққиётига муносиб ҳисса қўшган. Халқимиз орасидан етишиб чиққан олимларнинг, шоирларнинг, дин пешволарининг, давлат арбобларининг ва савдо-ҳунармандчилик вакилларининг табаррук номлари тарих саҳифаларига битилган.

Ўзбеклар бағрикенг, сахий, меҳмондўст ва мурувватли халқ сифатида донг чиқариш билан бир қаторда ўз даврида жаҳонни ларзага солган ахмонийлар давлатига, македониялик Искандар Зулқарнайнга, Чингизхонга ва бошқа босқинчиларга қарши мардонавор курашиб, ўзига хос ватанпарварлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганлар. Муҳтасар қилиб айтганда, халқимиз учун кейинги икки ярим минг йилнинг минг йили чет эл босқинчиларига ва уларнинг ҳукмронлигига қарши кураш билан ўтган. Булардан ташқари, ички урушлар, очарчиликлар, зилзилалар ва сув тошқинлари ҳам Ўзбекистонни бир неча бор ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Аммо ҳеч бир куч ўзбек халқини ер юзидан супуриб ташлай олмаган. Ота-боболаримиз ҳар қандай вазиятда ҳам она юртни кўз қорачиғидай сақлашни муқаддас бурч ҳисоблаганлар. Шу мақсадда ҳатто катта шаҳар ва вилоятлар мудофаа деворлари билан қуршаб олинган. Чунончи, бир вақтлар Бухоро вилоятини ўраган девор 350—400 километрга чўзилган. Унинг эни 12—14, баландлиги 8—10 метр бўлган. Тошкент деворн эса Чортоқ тоғлари этакларидан, хусусан, Ғазалкентдан бошланиб ҳозирги Бўстонлиқ ва Чирчиқ шаҳри орқали Қорасув, Назарбек ва Янгийўл районларигача чўзилган, Чиноэда Сирдарёгача бориб тақалган, узунлиги тахминан 200 километрга етган. Тошкент шаҳри ҳам қалин ва баланд девор билан ўралган бўлиб, 12 та дарвозага эга бўлган, атрофи сув тўлдирилган зовур билан тўсилган.

Айрим маълумотларга кўра, одамлар кундузи бир қўлида иш қуроли, иккинчисида жанговар қурол-аслаҳа билан юрганлар, кечаси ёстиқлари тагида пичоқ, ёнларида аслаҳа билан ухлаганлар. Ёшларни жисмонан чиниқтириш ва жанговарлигини ошириш учун муҳим чоралар кўрилган, ҳарбий мусобақалар уюштирилган.

Ватанни ҳимоя қилиш аёлларнинг ҳам муқаддас вазифаси ҳисобланган. Улар чавандозлик, ўқ-ёй отишни, қиличбозликни ва найза санчишни ўзлаштирганлар. Шунга кўра, хотин-қизлар орасидан подшолар, моҳир лашкарбошилар, жангчилар етишиб чиққан. Масалан, ахмонийлар подшоҳи Кир Ўрта Осиёга бостириб кириб подшо Аморганни асирга олади. Унинг Спаретра исмли хотини 300 минг эркакдан ва 200 минг аёлдан иборат қўшин билан душман устидан ғалаба қилиб, эрини асирликдан қутқаради. Ёки бошқа мисол: 1853 йилда рус қўшинлари генерал Перовский бошчилигида Қўқон хонлигига қарашли Оқмачит (ҳозирги Қизил Ўрда) қалъасини қуршаб олади. Бу ерда бор-йўғи 250 киши мудофаада эди. Улар генерал Перовскийнинг таслим бўлиш ҳақидаги таклифини рад этадилар. 22 кунлик жангдан кейин Оқмачит қалъаси кўп сонли ва яхши қуроллаган рус қўшинлари томонидан забт қилинади: ўлдирилганлар ва ярадорлар орасида ўзбек аёллари ҳам бор эди.

1865 йилда генерал Черняев бошчилигидаги рус қўшинлари Тошкентга ҳужум қилганларида ҳам ўзбек аёллари ҳимоячиларни озиқ-овқат билан таъминлашда ва уларнинг руҳини кўтаришда фаол қатнашадилар.

Мустақиллик учун кураш ўлкада рус давлати ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин ҳам давом этади. 1892, 1898 ва 1916 йиллардаги миллий озодлик ҳаракатлари шулар жумласидандир. Бироқ совет даврида юзага келган сиёсий ва иқтисодий сабабларга кўра, ўзбек халқининг сиёсий фаолиятига зарба берилди. Коммунистик партия халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган мустақиллик ва эрксеварлик туйғуларини йўқотиш учун тарихда кўрилмаган чораларни изчиллик ва шафқатсизлик билан амалга оширди. Бу зуғум ва тазйиқларнинг асоратини бугунги кунда—жумҳуриятимиз мустақилликка эришгандан бир йил кейин ҳам сезиш мумкин. Ҳозир матбуот жамият ҳаётида «иккинчи нон» сифатида хизмат қилаётгани эътиборга олинса, унга барча маъмурият раҳбарлари ва жамоа ташкилотлари алоҳида аҳамият беришлари лозим. Айтайлик, айрим раҳбарлар ва ишбилармонлар катта маблағлар сарфлаб оммавий никоҳ ва суннат тўйларини ўтказмоқдалар. Бу яхши. Бироқ улар тўйларни уюштиришга сарфлаган куч-ғайратларини ва маблағларини матбуотни ривожлантириш учун ҳам сарфласалар, жамият тараққиётига салмоқли ҳисса қўшардилар. Негаки, бугунги кунда халқ маънавиятини юксалтириш Ўзбекистон учун сув билан ҳаводек зарур. Бунга эришмоқ учун мустақилликнинг ғоявий таянчи бўлмиш рўзнома ва журналларни кенг кўламда оммалаштиришга қаратилган чораларни зудлик билан амалга ошириш керак. Агар кишилар маънавий жиҳатдан яхши ва пухта озиқланган бўлсалар, ҳар қандай оғир шароитга онгли равишда чидаб, Ватан манфаатларини барча нарса ва шахсий манфаатларидан юқори қўядилар. Шунингдек, жамиятда юксак одоб-ахлоқ шаклланади, ҳукуматнинг қарорлари бажонидил бажарилади, ишлаб чиқариш маҳсулотлари сифати яхшиланиб, бойликка бойлик қўшилади. Жамоаларда виждонлилик, халоллик, меҳнатсеварлик ва ишонч ҳукм суради.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ УМРИ боқий бўлиши учун, халқимиз бугун дуч келаётган қийинчилик ва тўсиқларни бартараф қилиш учун фақат иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки сиёсий фаолият соҳасида ҳам ривожланишни таъминлаш даркор. Шу мақсадда аввало ўз-ўзини англашни ва ватанпарварликни ўстирувчи чораларни кўриш лозим. Мен шуни назарда тутиб қуйидаги таклифларни ўртага ташламоқчиман:

Биринчидан, деҳқонлар республика аҳолисининг қўпчилигини ташкил этиб, халқ хўжалигида салмоқли ўринни эгалласалар-да, маънавий озиқалардан етарли даражада фойдаланмайдилар. Кўпроқ меҳнат ва тирикчилик ташвишлари билан банд бўлиб, сиёсий ҳаётда эса унча фаол эмаслар. Бунга барҳам бериш учун маъмурият вакиллари, сиёсий партиялар ва уюшмалар махсус дастур асосида деҳқонлар ўртасида кенг кўламда иш юритишлари ўринлидир.

Қишлоқларда ўз-ўзини англашни ва миллатпарварликни кучайтириш мақсадида шоирлар, ёзувчилар, олимлар билан учрашувлар ўтказиб туриш лозим. Шунингдек, 1898, 1916 йиллардаги, «Босмачилик» ҳаракатида қатнашган деҳқонларнинг озодлик курашини тасвирловчи бадиий асарлар, кинофильмлар ва спектакллар яратиш, қишлоқларда рўзнома ва журналларни имкони борича кўпроқ тарқатиш даркор. Бу ўта зарур иш масъулияти жамоа хўжалиги раислари ва маъмурият вакиллари зиммасига юклатилса, мактаблар миллатпарварликнинг ўчоғига айлантирилса, фойдадан холи бўлмайди.

Иккинчидан, маълумки, совет турмуш тарзи ўзбек аёлларининг моддий ва маънавий жиҳатдан қашшоқланишига олиб келди. Айниқса, қишлоқ аёлларининг ҳаёти ачинарли ҳолга тушди. Уларнинг нозик қўл-оёқларини қадоқлар қоплади, аёллиқ латофати бой берилди. Аёлларнинг вақти асосан меҳнатда ўтиб, фарзандлар тарбиясига путур етди. Эндиликда хотин-қизларнинг иш соатларини камайтириш мақсадга мувофиқдир. Шундагина уларда бир оз бўлса-да, ўзларини парвариш қилишга ва маънавий озиқалардан фойдаланишга имкон туғилади. Она қанчалик соғлом, тетик ва дунёқараши кенг бўлса, фарзандлари ҳам шу даражада ақлли ва чиройли бўлади. Бинобарин, оналарнинг турмуш тарзи авлодлар тақдирини ҳал қилувчи омилдир.

Учинчидан, замонамиз йигит-қизлари орасида бепарволик касали мавжуд. Уларни бундай қусурлардан тезроқ халос этиш учун мактаблардаги таълим-тарбияни миллий руҳда олиб бориш лозим. Ишни шундай ташкил қилиш керакки, ёшлар ўз она юрти қадр-қимматига етадиган ва зарурат туғилганда, унинг учун жонини фидо қиладиган бўлсин. Менимча, мактабларда ҳарбий машқларга ҳам етарли ўрин бериш жоиз. Шунингдек, каратэ, бокс, самбо, миллий кураш ва бошқа ҳарбий маҳоратни оширувчи спорт турларини кенг йўлга қўйиш керак. Шу жиҳатдан қараганда, мактабларда Амир Темур фаолиятини ўқитиш ва ҳарбий тўгараклар ташкил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, Амир Темур номида ўзбек ҳарбий академияси ва мактабини очишнинг вақти келди.

Тўртинчидан, ўзбек халқининг жипслигини, яхлитлигини сақлаб қолиш ва мавқеини кўтариш учун қўшни республикаларда, чет элларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан алоқаларни яхшилашимиз керак. Биламизки, қўшни республикаларда 3—4 миллион ўзбек ҳаёт кечирмоқда. Шунча аҳолиси бўлган республикаларда эса университетлар, олий ва ўрта ўқув юртлари ишлаб турибди. Бас, шундай экан, Тошкентда кўп миллионли ватандошларимиз учун мўлжалланган махсус бир олий ўқув юрти очилса, савобли иш бўларди. Агар Афғонистон ва бошқа хорижий мамлакатлардаги ватандошларимизнинг фарзандлари ҳам бизда ўқиш истагини билдиришса, талабалар сони янада ошади. Юртимизда қанчадан-қанча хорижий талабалар таълим олаётган бир пайтда биз ўз ватандошларимизга ҳам шундай имконият яратиб берсак, ёмон бўлмасди.

Бешинчидан, совет даврида Ўзбекистонда фан ва маданият ўсганлигини инкор қилиб бўлмайди, бироқ у партия манфаатларига хизмат қилиб, тор йўлдан борди. Оқибатда биз жаҳон майдонига чиқолмай, умуминсоният тараққиётидан бирмунча ортда қолдик. Ўзбекистонда ҳалигача Нобел мукофотини олган бирорта олим йўқ. Ҳолбуки, Америка, Англия ва юксак тараққиётга эришган бошқа давлатлар дунёнинг турли бурчакларидан истеъдодли олим ва мутахассисларни ўзларига таклиф қилиб, уларга зарур шароит яратиб бериб, улкан ютуқларга эришдилар. Биз ҳам шу йўлдан борсак, фан соҳасида жаҳон миқёсига чиқишимиз шубҳасиз.

Олтинчидан, ўзбек сўзининг маъноси ўзига ўзи бек (ҳоким) демакдир. Халқимиз ўз ажойиб номи билан ғурурланишга ва фахрланишга ҳақлидир. Чунки унда миллатимизнинг метиндек иродаси, жасорати, ватанпарварлиги ва эрксеварлиги мужассамлашган. Менимча, бизнинг ўзбек эканлигимиз исм-шарифимизда ҳам ўз ифодасини топиши керак. Шундан келиб чиқиб бизда эркакларнинг исмига бек, аёлларнинг исмига бегим (масалан, Анварбек, Ҳасанбек, Нодирабегим) сўзларини қўшиб ёзиш ҳақида ҳукуматнинг махсус қарори қабул қилинишини истайман.

Ҳозир Россияда қизил империяни тиклаш ҳаракати авж олмоқда. Республикамизда ҳам бундай қора кучлар йўқлигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Бордию, фавқулодда хавф туғилиб ҳамдўстлик қўшинларига таянилса, эски сиртмоққа илиниш ҳеч гап эмас. Шу боис, қандай бўлмасин, мустақилликни сақлашни биринчи вазифа деб билмоғимиз лозим. Сабаби—биз аввало қон тўкмай мустақилликка эришдик, ҳаётимизда катта ўпирилиш ҳам йўқ. Мустақилликни сақлаш учун ота-боболаримизга ўхшаб баҳайбат мудофаа деворлари қураётганимиз ҳам, доимо девор қуршовида яшаётганимиз ҳам, минглаб кишилар ҳалок бўлаётгани ҳам йўқ. Ҳозирги қийинчиликлар фақат нарх-навонинг қимматлигидан иборат, холос. Биз бу ўткинчи ҳолни ақл-заковат билан енгиб ўтишимиз мумкин. Ҳар қандай оғир шароитда ҳам миллатпарварлик қилсак, худои таоло бизга фаровон турмуш ато этишига ишончим комил. Барчамиз бир ёқадан бош чиқарсак, муродмақсадимизга эришамиз.

МИЛЛАТПАРВАРЛИКНИ буюк бобомиз Амир Темурдан ўрганайлик. У шундай деган эди:

«Бизким — мулки Турон, Амири Туркистонмиз, Биз кимлар — миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи, Туркнинг бош бўғинимиз». Шунингдек, Амир Темур ўз авлодларига «Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ вазифангиздир» деб васият қилган эди. Ушбу ўгитлар ўзбек халқи учун дастур бўлмоғи лозим.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

СУОМИДАН САЛОМ!

Сафарнома

Ҳар юртнинг ўз номи,
бор ўз шуҳрати,
Нондай азиз, тансиқ
ҳар элда калом.
Олис йўллар босиб,
чегара ошиб,
Келтирдим элимдан
дўстларга салом!

Шимол юрти — Финляндия аслида «Суоми» деб юритилади, Финляндия — яшил оламга бурканган ўрмонлар ва кўллар мамлакатидир. Бу диёр нафақат сиёсий, бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан ҳам дунё миқёсида ўз мавқеига эга давлатлардан биридир. Бир вақтлари чор Россиясининг мустамлакаси ҳисобланган, 1917 йилда ўз миллий мустақиллигига (финлар шу йил декабр ойида мазкур сананинг 75 йиллигини нишонлайдилар) эришган бу давлат пойтахтида 1975 йилда Европа мамлакатлари, АҚШ ва Канада томонидан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши якунловчи Аҳдномасининг имзоланиши ҳам фикримизнинг далилидир.

Финляндия билан Ўзбекистон ўртасида жуғрофий жиҳатдан катта масофа бор. Аммо дўстлик чегара ва масофа танламайди. Ўзбек ва фин халқлари ўртасида маданият, адабиёт ва санъат алоқаларининг ўз тарихий илдизлари бор. Санъат арбоблари, сўз усталари, кино ва театр намояндалари, меъморларнинг ижодий ҳамкорликлари барқарордир. 1977 йили Хельсинкида очилган Маданият уйи халқлар ўртасида қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш марказига айланди. 1978 йилда Финляндияда Ўзбекистон маданияти кунларининг, 1980 йилда эса Ўзбекистонда Финляндия маданияти кунларининг ўтказилиши ўзбек ва фин халқлари ҳаётида унутилмас воқеа бўлганлигини унинг иштирокчилари ҳамон завқ-шавқ билан эслашади. Финлар юртида бўлиб ўтган ўзбек санъати байрами («Баҳор» ансамблининг концертлари, халқ амалий, тасвирий санъати, болалар ижоди кўргазмалари) дўстлигимизни улуғлаш билан бирга, қардошликни мустаҳкамлашга хизмат қилди. Фин дўстларимиз ўзбек элига ташриф буюрганларида эса бутун ўзбек эли уларни ўз бағрига олиб, инсоний ҳурматини бажо келтирди. Фин ёзувчилари, журналистлари, касаба уюшмаси арболари, сайёҳлар, спортчилар, руҳонийлар, толиба ва ўқувчилар Ўзбекистонга келиб, халқимиз ҳаёти билан танишдилар, эътибор талаб тарихий обидалар, меъморлик ёдгорликларини зиёрат қилиб қайтдилар.

Финляндия республикаси президенти Мауно Койвисто жаноблари бошчилигидаги Финляндия ҳукумати делегациясининг куз кунлари Ўзбекистонимизга расмий ташрифи ўзбек ва фин халқларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Президент М. Койвисто матбуотга берган баёнотида «Финляндия ўз имкониятлари доирасида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга доир режаларни рўёбга чиқаришга қатнашишга тайёрдир, иқтисодий ҳамкорликнинг асослари тўғрисида ҳозиргина имзоланган битимлар ҳам иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган», деб алоҳида таъкидлагани кечагидек ёдимизда.

Финляндия ўзининг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхонасини очишга қарор қилганлиги, президентимиз Ислом Каримов Финляндияга ташриф буюришга таклиф этилганлиги ҳам мамлакатларимиз ўртасида ҳар томонлама савдо, иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, барча соҳалар бўйича ҳамкорликни кенг миқёсда ривожлантиришга умид боғлайди.

Икки давлат халқлари юртбошиларининг дўстона учрашувлари ва унинг ҳаяжонли таассуротлари хаёлдан кўтарилмай, уларнинг бир-бирларига чўзилган қўлларидаги ҳарорат тафти совимай туриб, Ўзбекистон республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси ҳайъати Финляндия республикасида Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш ташаббуси билан чиқди, Ўзбекистон ҳукумати бу хайрли таклифни маъқуллади. Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги байрамига бағишланиб, шу йил 2—12 ноябр кунлари Финляндияда ўтказилган маданият кунлари қатнашчилари таркибида адабиёт ва санъат намояндалари, сухандонлар, ўзбек пазандачилиги вакиллари бор эди.

Ўзбекистон маданияти кунлари Хельсинки шаҳрида фаолият кўрсатаётган Россия маданияти ва фани уйида тантанали суратда очилди. Маросимда ана шу уйнинг директори, Финляндиядаги Россия элчисининг маданият масалалари мутасаддиси — Валерий Корягин, Финляндия ва Россия халқлари дўстлик жамияти раисининг ўринбосари Аско Рясянен ҳамда Ўзбекистон маданияти кунлари делегациясининг раҳбари, халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси ҳайъатининг аъзоси сифатида мен сўзга чиқдим.

Биз фин дўстларимизга мустақил Ўзбекистонимиз рамзлари — Байроғимиз, Тамғамизни кўз-кўз қилдик, тилимиз, тарихимиз, қадриятларимиз ўзимизга қайтиб келганлигини ҳикоя қилиб бердик.

Улар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамбли санъаткорларининг концертини зўр қониқиш билан кутиб олдилар. Машҳур раққосалар Олима Ёқубова, Гулноза Жониева, азира Абдурасулова ижросидаги Шарқ халқлари рақслари, 30 дан ортиқ мамлакатни ўз доираси билан айланиб чиққан моҳир созанда Учқун Алимуҳамедовнинг қўш чилдирмаларда ижро этган куйлари фин томошабинларини мафтун этди.

Фан ва маданият уйида ўзбек чойхонаси очилди. «Бош чойхоначи»миз — Тошкентдаги муҳташам «Наврўз» ошхонаси ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи, уста ошпаз Мирзомурод Усмонов ўз ҳунарини маҳорат билан намойиш этди.

Бундан ташқари, ўзбекистонлик рассомлар Марат Содиқов, Петр Анненковнинг ижодий кўргазмалари тантанали суратда очилиб, муваффақият билан намойиш этилди. Миллий ассоциациямиз бўлим мудири Орифжон Рустамовнинг ўзбек халқининг тарихи, маданияти, республикамизнинг ҳозирги ҳаёти ҳақидаги дилкаш суҳбатлари ҳам тингловчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Маданият кунларининг дастури ранг-баранг ва мундаригжали эди. Биз қаерда ва қайси жамоа билан учрашмайлик, — хоҳ мактаб-лицей, хоҳ қариялар, ногиронлар уйларими, хоҳ транспортчилар клубидами, хоҳ «Ассалом, Финляндия» деб аталган фин телевидениесининг эрталабки кўрсатувидами, хуллас, қаерда бўлмасин бизни самимий кутиб олишди, ўзбек ва фин халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди. Айниқса, Финляндия маориф вазири ўринбосари Яакко Нумминен, Финляндия ва Россия халқлари дўстлиги жамиятининг бош котибаси Мерья Ханнус, Финляндиядаги Россия элчиси Юрий Дерябинлар билан бўлган учрашув ва мулоқотларда ўзаро «Ўзбекистон — Финляндия», «Финляндия — Ўзбекистон» дўстлик ва маданий алоқалар жамиятларини тузишни кун тартибига қўйиш лозимлигини, мазкур таклифга хайриҳоҳ эканликларини, бу масала бўйича ташаббускор гуруҳлар иш бошлашга ҳозир эканликларини маълум қилишди.

Ўзбек ва фин халқлари ўртасидаги дўстлик ўзбек ўқувчилари билан фин болаларига кўчаётганлигини кўриб, чин юракдан суюндик. Тошкентдаги Фурманов номидаги 9-ўрта мактаб билан Хельсинкига яқин Акамян муниципалитетига қарашли бир лицей оралиғида ўзаро шартнома тузилиб, таълим-тарбия хусусида ўзаро кўмаклашишга қарор қилинган. Ана шу шартномага биноан, ўзаро саёҳатлардан ташқари, фин мутахассиси — қўл ҳунар муаллимаси Кирсто Пессо тошкентлик болаларга бир ой мобайнида сабоқ бериб қайтган. Эндиги навбат тошкентлик муаллимага — у финлар элига бориб, ўқувчиларга ўзбек ҳунармандчилигидан — тикиш-бичишдан дарс бериб келиши лозим...

Финляндияда ўзбек адабиётига қизиқиш ғоят катта. Финляндия адабий газета ва журналларида истеъдодли ўзбек шоирлари Муҳаммад Солиҳ, Рауф Парфининг фин тилига таржима қилинган туркум шеърлари эълон этилганини кўриб, ич-ичимдан қувондим. Ўзбек адабиётининг жонкуяр дўсти, иқтидорли адиб Юкка Малленининг таржимонлик фаолияти ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга арзигулик. У қатор ўзбек ёзувчилари, жумладан фантаст адиба Мавлуда Иброҳимованинг сара ҳикояларини фин китобхонларига етказибди. Финляндиянинг йирик нашриёти буюртмасига кўра, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг улуғ шоир ва саркарда Бобур Мирзо ҳақида ёзган «Юлдузли тунлар» романини фин тилига ихлос қўйиб, маҳорат билан ўгирибди.

«Мен ўн кун бу ерда бўлиб, ўзбек элининг инсонпарварлиги ва дўстпарварлигига ишонч ҳосил қилдим, — дейди Юкка биз билан суҳбатда. — Финляндияда Ўзбекистонни яхши билишади, бу элга қизиқиш кайфияти кучли. Сизларга меҳмон бўлар эканман, бу ерда ҳам ўзаро қизиқиш борлигини кўрдим. Мен ҳам Тошкентда ва Хельсинкида дўстлик жамиятини тузиш зарур деб ҳисоблайман».

Ўзбек ва фин адабий алоқаларига доир мисолларни кўплаб келтириш мумкин. 1975 йилда таниқли адиб, фин ёзувчилари уюшмаси раиси ўринбосари Вейо Мери Ўзбекистонга ташриф буюрганидан хабарим бор. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари сифатида истеъдодли қалмкаш дўстимиз билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, нашр ва таржимачилик ишларини тиклаш масалалари хусусида келишиб олган эдик ўшанда. Кўп ўтмай Ўзбекистон ҳақида очерклар туркуми ёзиш ниятида атоқли журналист, жамоат арбоби, Финляндия ишчилар маърифати иттифоқининг бош котиби Олави Хурри юртимизга меҳмон бўлиб келди.

Ўз навбатида Ўзбекистон нашриётлари, республика газета ва журналлари саҳифаларида ҳам фин адабиёти намояндалари асарлари таржимаси ва тарғиботига эътибор нучайди. 1990 йилда «Камалак» нашриёти тамғаси билан фин халқининг машҳур эпоси — «Калевали» илк марта истеъдодли шоир Отаёр таржимасида 100 минг нусхада ўзбек китобхонларига етказилди.

Хельсинки шаҳрини финлар ифтихор билан «Болтиқ денгизининг қизи» деб аташади. Ана шу гўзал шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, ёдгорликлари билан танишар эканмиз, машинамиз салобатли, кўркам иморат олдига келиб тўхтади. Йўлбон бизга бу бино — Финляндиянинг бош саройи эканлигини, ўтган баҳорда Хавфсизлик ва Ҳамкорлик юзасидан Хельсинки якунловчи шартномасига ана шу саройда имзо чекилганлигини айтди. Ана шу саройда мустақил бешта давлат қатори менинг Ўзбекистоним ҳам ЕХҲКга аъзо бўлди. Мазкур саройда, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорликка бағишланган Кенгашда (ЕХҲК)да иштирок этувчи давлатлар олий учрашувида мустақил Ўзбекистон республикасининг ҳам қатнашганлиги, ўша катта анжуманга президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов раислик қилганлиги ёдимга тушди. Шу аснода қалбимда қувонч ва ғурур туйғулари қалқиб кетди. Дарвоқе, бу ўринда Финляндияда И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобига қизиқиш айниқса катта эканлигини алоҳида таъкидлагим келади. Кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортган бу рисола етакчи хорижий тиллар қатори фин ва швед тилларига ҳам (Финляндияда ана шу икки тил давлат тили сифатида эътироф этилган) таржима қилинса нур устига нур бўлур эди.

...Шимол мамлакати — Финляндияда, пойтахти — Хельсинкида қиш. Биз ўзимиз билан мустақил, озод, ҳур ўзбек элининг оташин саломига қўшиб, қалб ҳароратини, Ўзбекистон қуёшининг тафтини, ширмойи обинонини, «Баҳор»нинг турфа гулларини — кўклам нафасини олиб бордик. Фин қизи Сиркка Линсанинг ўз юрак қувончини сиғдиролмай: «Сиз, ўзбек биродарларимиз, ўз ташрифингиз билан осмонимизга офтоб, тупроғимизга баҳорни олиб келдингиз. Қаранг, кўкимиз чарақлаб, кунимиз ҳам илиқлашиб кетди», деганида минг бор ҳақли эди.

Ҳа, фин элида ўзбек шеъри янгради. Ўзбекча калом — «ассалому алайкум» меҳмон бўлди, фин ўчоғида — палов дамланди, чойнакда чой узатилди, раққосаларимиз ипакдай эшилиб, ўз рақслари билан камалакни арғумон этишди, чилдирманинг така-тумидан қўллар чапакка келди, мўйқалам соҳиби ўзбек эли қалбини, гўзал табиатини чизиб, нафосат мухлисларини гўзаллик, эзгулик оламига етаклади.

Биз, бир гуруҳ ўзбекистонликлар, маданиятимиз кунларини ўтказиш сабаб бўлиб, ўзбек ва фин халқлари, мамлакатимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга, сўзимиз, овозимиз, рақсимиз, илҳомимиз, ризқ-рўзимиз билан дўстлик хонадони пойдеворига кичик бир ғишт қўйган бўлсак, қардошлик кўпригининг бир жажжи ёғочига айлансак, «Арғамчига қил қувват», деганларидек, фин халқи дилида ўзбек элига озроқ меҳр уйғотган бўлсак, ўзимизни бахтиёр ҳис этган бўлар эдик.

Кўришгунча, хайр,
гўзал Суоми,
Бағрингда янгради
ўзбек каломи.
Меҳр ришталари
ўзилмасин ҳеч,
Жўшсин юракларда
дўстлик илҳоми!

1—12 ноябр 1992 йил.
Тошкент — Хельсинки

ДУСТОНА УЧРАШУВ
СУРАТДА: Финляндия республикаси президенти Мауно Койвисто ва Ўзбекистон республикаси президенти Ислом Каримов
Р. ЖУМАНИЕЗОВ суратга олган

Табиатдаги биродарларимиз

ТАНТИЛИК ТИМСОЛИ

Унга жони қўйнинг туёғидан-да қаттиқ бўлган, феъли қўлидаги заранг асоси қадар чайир чўпон халқи энг яқин сирдош. Уни сирдошлари жуда яхши тушунишади. Ундан ниҳоятда эҳтиёт бўлиб, уни бир умр эҳтиётлаб яшашади...

Мактаб таътилида бувам раҳматлига эргашиб қариндош чўпонникига меҳмонга борганмиз. Ярим кеча итларнинг безовта ҳуриши, қўй-қўзиларнинг маъраши — шовқин-сурондай уйғониб кетдик. Етоққа бирор соатлардан кейин қайтиб келган чўпон, бувамнинг «Нима гап, тинчликмикан?» деган саволига секингина «Акамиз келган эканлар» деб жавоб қилди.

— Яхши кузатдингларми, ишқилиб?

— Ҳа, насибасини обкетибди.

— Бинойи-бинойи... Барака- барака...

— Бува, ким? Ким келибди...

— ...

Жавоб эртаси куни йўлда — қайтишда бўлган эди, ўшанда: «Қош қорайгандан сўнг унинг номи тутилмайди... Ризқи-муқаррариданзиёдини емайди у ҳам... У бирни олса, эгамнинг ўзи ўн қилиб беради...

Ажаб! Қайдан унга бунчалар ҳурмат? Ёки, ҳурмат деганимиз — ўша қўрқувнинг кенжа боласи эканлиги ростми? Нечун муттасил даҳшат солиб юрувчи, ундабунда хийлагина зарари ҳам тегиб турувчи ушбу жондорга нисбатан нафратдан кўра иззат мўл бу халқда?

Ахир иззат шудирки, етаклаб уйнинг тўрига ўтказадилар (Энди бу хонадонга инс-жинс яқинлашмас).

Иззатдирки, унинг оғзидан бегуноҳ чақалоқларни ўтказиб оларлар (токи, довюрак бўлсин, дард билмай ўссин деб).

Яна не хислатки, унга минган бефарзанд аёл муродга етар (Тишларин тумор қилиб, дол бўйинда асрар).

Уни эл мардлик тимсоли деб билар — йигитларга «Бўридай...» тавсифини қўшиб айтмоқлик ҳамиша шараф.

У омад тимсоли ҳам — «Бўрими, тулки?», «Тонгда туру бўри кўр!»

Тантилик, ҳалоллик ҳам унга тегиш — «Бўри ўз уяси атрофини овламас», «Бўри ўзи яраламаганни емас» (Бўрининг «дала санитари»лиги ёлғон — ҳаром ўлганни у икки дунё емайди) «Агар уясидан оғзини очиб чиқса, олиб қайтади, юмиб чиқса безиён...»

У ҳеч қачон қўлга ўрганмас, яъни «Бўри боласи — эл бўлмас». Томошахоналарда — ҳайвон ўргатувчилар қўлида не-не йиртқичларнинг қўйдай юввош тортиб, лаб ялаб, соҳибига суйкалиб туришларига шоҳидмиз. Бир парча лаҳм ёт дарди ёхуд қўрғошин қуйилган қамчи зарби шерни кучукка, барсни мушукка дўндиради. Ҳайвонот дунёсига подшолигу куч-қудрат шевасига тимсоллик Одамзот имконлари олдида бир пул. Инсон бутун мавжудот устидан ҳукмрон. Бироқ, бу ибора — бўри учун ҳақорат. У ҳали на томоқни, на-да қамчини тан олган. Қўлга тушган бўри ҳамиша очдан ўлган. У садақадан ор қилади — куни етгунча пайт пойлайди...

Ҳамқишлоғим ҳали кўзи очилмаган бўривачани олиб келиб энди туққан қанчиғига солди. Бўри боласи бошқа кучуклар билан бемалол «тил топишиб» элакишиб кетди. Эҳтиёт шарт — занжирда сақладилар. Ҳамсоямнинг нияти халқ мақолини чипакка чиқариш эмас, балки, бир қор босган бўри боласини қўшни қишлоқларга айлантириб фойда орттирмоқ эди, албатта... Аммо, иттифоқо, бўшаб кетган «хоназод» ўз хўжайинининг қўрасидаги бор ушоқ молини «қириб ташлаб» қочиб кетибди.

Бўри озодликда кун кўради.

Балки, ростдан ҳам, унинг тутқунда яшаёлмаслиги одамларда ҳурмат ҳиссини туғдиргандир. Шунинг учун, балки, ўз жигарпоралари — фарзандларига унинг номини қўйишар. Балки бекорга «бўрини йўқласанг, қулоғи кўринади» деб айтишмас. Табиат ҳамма нарсанинг ўрнини билиб яратган...

Хол Муҳаммад ҲАСАН

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ

УЙҒОНИШ ҚУДРАТИ — ФАОЛИЯТДА

ХОЗИРГИ КУНЛАРДА «Қачон уйғонамиз?», «Ғафлатда ётавериштнинг чеки борми?», «Лоқайдлик, бепарволиқдан қутуламизми?» деб ўз-ўзимизга саволлар бериб турибмиз. Собит Мадалиев «Зиёли қачон уйғонади?» сарлавҳали мақоласида ўзини қийнаган дардларини баён этган. Тоҳир Малик унга жавобан «Зиёли азалдан бедор» мақоласида ўзича тасалли берадики, ҳар иккала мақола кишини беихтиёр баҳсга чорлади. Зеро, ҳар икки ёзувчимиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг 1992 йил 21 август сонидаги чиқишларида уйғониш муаммоларини ёритиш мақсадида бир қанча фикрлар, ҳукм-хулосаларни ўртага ташлаганларки, уларга бефарқ қараб бўлмайди. Шахсан ўзим ҳам мана шу сабабдан қўлимга қалам олдим.

Собит Мадалиев ўзбек зиёлилари бугун миллатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритаётган буюк тарихий дақиқаларда ўзининг нимага қобиллигини кўрсата олмаётгани, овози эшитилмаётганидан ташвишланадики, бунга хайриҳоҳлик билдирмасдан иложингиз йўқ. Аммо бу фикрга тўла қўшилиб бўлармикан? Нега деганда, айрим зиёлиларимиз, ижодкорларимиз ўзлигини намоён этишга, овозини баралла эшиттиришга интилаяптилар ва бу интилишлар баъзан салмоқли натижаларга олиб келмоқда. Айтайлик, бир қанча насрий, шеърий, драматик асарларда зўравонликка асосланган коммунистик яккаҳокимлик иллатлари фош этиляптики, бу ҳазилакам гап эмас-ку, ахир! Тўғри, фош этиш даражаси, миқёси, теранлиги тўғрисида баҳслашиш мумкин, бироқ уларда курашчанлик руҳи сезилиб туради-ку! Масалан, Озод Шарафиддинов адабий-бадиий ҳафталигимизнинг 13 октябр сонидаги Асосий қонунимиз лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбатида мазкур лойиҳанинг мавжуд фазилатларини инкор этмаган ҳолда, ғоятда ташвишланиб шундай мулоҳаза юритади: «Ахир, қандай қилиб бозор иқтисодиёти шароитида ер хусусий мулк бўлмаслиги мумкин. Хўш, ердан хусусий мулк сифатида қандай фойдаланиш керак. Бу нарса қонунда акс этиши лозим».

Йўқ, фақат ер эмас, балки моддий, маънавий, маданий бойликларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш соҳалари, жараёнларида хусусийлаштириш таъминланиши алоҳида таъкидланаётирки, бунинг Асосий қонунда акс этишини талаб қилган муҳтарам мунаққидимиз шунчаки уйғоқ эмас, балки фаол шахс ва олим сифатида ўзлигини кўрсатаяпти. Дарвоқе, Озод Шарафиддинов эллигинчи йилларнинг охири, олтмишинчи йилларнинг бошларидаёқ адабиётимизда авж олдирилган офаринбозлик, сирти ялтироқ, ичи қалтироқлик касалига қарши чиқиб, бир қанча мақолалар ёзган, уларни тўплаб 1962 йили «Замон. Қалб. Поэзия» номи билан нашр эттирган ва шу орқали ўзининг бедор ижодкор эканлигини исботлаган эди. Кейинги ўттиз йиллик фаолияти мобайнида олим кўплаб ҳамкасблари, шогирдлари билан биргаликда, бедорлик кайфиятини ифодалаган қатор бадиий асарларни қўллаб-қувватладики, шунинг ўзи расмий мафкура назарида хавфли эди. Ахир, А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» комедиясига, унинг айрим мақолаларидаги ўткир фикрларига хайриҳоҳлик билдиргани учунгина у ҳар хил тарздаги тақиқу тазйиқларга гирифтор этилди-ку! Бинобарин, Собит Мадалиев «ўзбек ёзувчилари ичида ўз қалами билан давлатнинг алдоқчи сиёсатига қарши турганлар бўлмади, катта авлод ижодкорлари орасидан ўзбек солженицинлари, сахаровлари чиқиш нари турсин, ҳатто улар ўз шахсий фикрларини ҳам очиқ-ойдин билдиришолмади, шунинг учун юқоридан дакки ҳам эшитишмади» деганида, бизнингча, бирёқламаликка йўл қўяди.

Етмиш йиллик тарихимизда Солженицин, Сахаров сингари коммунистик яккаҳокимликка тиш-тирноғи билан қарши чиқиб, фидокорона курашган йирик ижодкорлар, арбоблар етишиб чиқмагани рост. Аммо ўзбек зиёлилари ўз шахсий фикрларини ҳам очиқ-ойдин билдиришолмади, шунинг учун юқоридан дакки ҳам эшитишмади, деган даъво тўғри эмас.

Тўғри, улар қамалмадилар, сургун қилинмадилар, бироқ яқин-яқингача бутун жумҳуриятимиз бошқа қардош республикалар билан биргаликда сиёсий-ижтимоий тутқунлик ҳолида сақланиб келинди-ку! Бу шундай «тутқунлик» эдики, компартия яккаҳокимлиги, марксизм-ленинизмга қарши чиқиш тугул жиндай шубҳаланишга йўл қўйилмасди. Яшашга, кеча-кундуз ўлиб-тирилиб фидокорона меҳнат қилишингизга рухсат бериларди-ю, аммо ҳукмрон сиёсатга зид келадиган бирорта фикр, ғоя билан чиқишингиз асло мумкин эмас эди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, ҳар бир фикр, ҳар бир сўз эмас, балки ёзганда тиниш белгилари ҳам қатъий назорат қилинарди.

Тағин шуниси борки, совет ҳокимияти, компартиянинг ана шундай назоратга асосланган сиёсатига оддий фуқаролар тугул ўша даврнинг илғор зиёлилари ҳам ишонардилар. Бу ҳақда, айтайлик, Озод Шарафиддинов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг 1991 йил 21 декабр сонидаги «Тирик сатрлар»нинг қийин қисмати» сарлавҳали мақоласида қуйидагиларни ёзади: «Мен анча жасоратли, ҳақ гапни айтишдан чўчимайдиган бир одам сифатида танилган бўлсам-да, коммунистик мафкуранинг чириклигини англайдиган даражага етмаган эдим ва, табиийки, унга қарши курашиш мумкинлиги етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди».

ЭНДИ А. ҚАҲҲОР АЙТГАН сўзга қулоқ солинг: «Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман!» (А. Қаҳҳор. «Ёшлар билан суҳбат», Тошкент, 1968).

Қаранг-а, атоқли ёзувчимиз партиядан бутунлай воз кечиб, уни инкор қилмаяпти, фақат унинг солдати эмасман, онгли аъзосиман демоқда, холос. Шунга қарамасдан бундай деган адибнинг ўзи, китобга ўша фикрнинг киритилганига йўл қўйган муҳаррир Озод Шарафиддинов, сўзбоши ёзган Матёқуб Қўшжонов ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтга ташланди-ку! Негаки, кўпгина ўзбек совет ёзувчилари ўзларининг компартия солдати эканликлари билан фахрланишларини чуқур мамнуният билан изҳор этаётган пайтда бунга эътироз билдириш ё шубҳаланиш халқ манфаатларига хиёнатдан бошқа нарса эмас, деб ҳисобланарди. Ахир, ҳукмрон партия ва унинг раҳбарлари, арбоблари қандай фикр билдириб, қандай кўрсатмалар, буйруқлар берса, нималарга чорлаб, кимларни қораласа, барчасини бамисоли солдатдек сўзсиз қабул қилиш, бажариш қатъий қонун даражасига кўтарилган эди-ку!

Хўш, ўшандай ижтимоий-сиёсий «об-ҳаво»да ҳақиқатнинг ўзинимас, балки унинг бир қисмини, расмий кўрсатмалар, буйруқлар, қарорлар, шиору чақириқлардан айримларининг тўғрилигига бевосита ёки бавосита шубҳа, эътироз билдиришга интилиш, баҳслашиш ўзига хос жасорат, деб баҳоланиши ҳаёт тақозоси эмасми?!

Негадир буни Собит Мадалиев етарли тушунмагандай мулоҳаза юритадики, оқибатда Тоҳир Малик унга мурожаат этиб, «мақолангизни ўқиган одам ўзбек зиёлилари, хусусан, ёзувчилар ҳамма вақт кўзларини юмиб юрган эканлар-да, деган хулосага келиб қолиши мумкин», деб танбеҳ беради ва ўз даъвосини исботлаш ниятида узоқ, яқин ўтмишда бирқанча ижодкорларимиз бедорлик ҳолатида бўлишганига кўплаб мисоллар келтиради ва уларни шахсан мен ўринли, асосли, деб ўйлайман. Хусусан, Дилафгорнинг: «Аҳбоблар, миллат учун биз шаҳд этолмаймиз ҳануз», «Инсофу ғайрат ўрнига... шому саҳар чойхонада айтиб ҳамиша сафсата... ҳеч иш қилолмаймиз ҳануз», деган сатрларининг ҳозирги кунларга дахлдорлигини яққол кўрсатади. Лекин сукут сақлаш билан сукут сақлашнинг, гапириш билан ваъз айтишнинг фарқи бор: баъзан ризолигинг, баъзан эса ботинингдаги исённи яшириш учун жим юришинг мумкин; гоҳида бедор бўлиб, ҳамма нарсани кўриб билиб, бироқ фаолият кўрсатмасдан четда туришга, аксинча уйғоқлигингни хатти-ҳаракатларинг, изланиш-интилишларинг орқали намоён қилишга мажбурсан: аҳён-аҳёнда ухламайсан-у, аммо бедорлигинг ҳавф туғдиришини сезсанг, бамисоли ухлагандай ҳолатда юраверасан...

Дарвоқе, коса тагида нимкоса бор деганлари бежиз эмаски, Тоҳир Малик ҳам айрим ўринларда масаланинг шу жиҳатини эътибордан четда қолдирган шекилли, Мирзакалон Исмоилийнинг «Кунлардан бир кун Чўлпон одатдагича йиғлаб туриб, менга шу сўзларни айтди: «Миллат хароб бўлди! Унинг энг муқаддас нарсалари, ҳурлиги, шаъни, шарафи қўлдан кетди! Ҳар қадамда юрагимиз қуш ҳадиги билан уради. Энди бизнинг вазифамиз, келажак авлоднинг вазифаси — миллатни шармандаларча қулликдан, ҳақорат ва хўрликдан қутқазиш бўлиши керак», деган сўзларини қуйидагича шарҳлайди: **«Ёзувчи устози Чўлпонни қоралаган бўлиб(?), шу сатрларни ёзади. Чўлпоннинг нидосини бундан бўлак тарзда, уни қораламай, туриб айтиш мумкинмиди? Ёзувчи қамоқдан тирик қайтадими, йўқми — билмаган.** Аммо айрим гапларни айтиб кетишни маъқул кўрган. Ҳайрият, архив деган нарса бор, **Чўлпоннинг йиғлаб айтган гаплари шу тарзда бизга етиб келди»** (таъкидлар менки — Н. Х.).

Сезиш қийин эмаски, биз таъкидлаб келтирган мазкур изоҳ Мирзакалон Исмоилийни оқлашга қаратилган: у Чўлпонни қоралаган бўлиб сўзлагану шу тариқа устозининг йиғлаб гапирган фикрларини бизга етиб келишига кўмаклашган!

Майли, бунга қисман қўшилиб, масалага бошқа жиҳатдан нигоҳ ташлайлик: бордию, адиб қоралаган бўлиб гапирмаса, жим турса, ҳеч нарса билмайман, деб ўзини четга тортса, ўзига ҳам, устозига ҳам енгиллик бўлмасмиди? Тўғри, аввало, зўравонлик билан иш кўрган ҳуқуқ мутасаддилари унинг сукут сақлашига йўл қўйишмасди. Айни чоқда жим туриш гоҳида эса ризолик аломати тарзида талқин қилинардики, бу борада ўзлигини сақлаш, адолату ҳақиқатни ҳимоя қилиш амримаҳолдир. Шунга қарамасдан, барибир қоралагандай бўлиб гапириш Чўлпонни ҳеч қандай айбсиз жиноятчи қилишга кўмаклашидир, деб ўйлайман. Ҳар ҳолда ўта мушкул шароитда ҳам инсоннинг, у каттами ё кичикми, оддий фуқаромі ёки даҳоми, бундан қатъий назар, шахсий масъулиятига мувофиқ фаолият кўрсатиши ҳам фарз, ҳам қарздирки, Тоҳир Малик негадир буни инобатга олмаганга ўхшайди. Агар у: ҳа, Мирзакалон Исмоилий тазйиқу тақиқлар оқибатида устозини қоралашга мажбур бўлган, деганида биз адибни ашаддий жиноятчию хиёнаткорга чиқарармидик?

Аксинча, бундай ҳукм унга нисбатан адолатсизлик, инсофсизлик бўлур эди. Ахир, Мирзакалон Исмоилий ҳам худонинг бандаси, у ҳам А. Қаҳҳор ё О. Шарафиддинов сингари коммунизм ғояларига ишонган, Чўлпонни миллатчи бўлган, шунинг учун айбдордир, деб адашгандир, алдангандир; алданиш эса жиноят ёхуд хиёнат эмас-ку, ахир! Тўғри, айни чоқда фазилат ҳам эмас. Аммо Чўлпону Фитрат, Қодирийларни онгли равишда йўқотишга бевосита қатнашганлар, фаоллик кўрсатганлар билан Мирзакалон Исмоилийни ёнма-ён қўйиш нотўғридир, деб мулоҳаза юритсак, шунда балки ҳақиқатга яқинлашардик, демоқчиман.

Назаримда, Тоҳир Малик айтмоқчики, ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам зиёлиларимиз, ижодкорларимиз уйғоқ бўлишганми, бас, уларга таъна қилиш, танбеҳ беришнинг кераги йўқ. Шунинг учун у Собит Мадалиевга қуйидагича мурожаат этади: «... Сиз ўлчовни катта олгансиз, кўрпага қараб оёқ узатмагансиз... масалага Оврупо кўзи билан қараб, Оврупо қаричи билан ўлчагансиз, бизни Оврупо зиёлилари каби фидойи, оқил бўлишга даъват этгансиз... ўзбек зиёлилари ҳам шу даражада бўлсин, деб орзу қилганингиз табиий. Бу орзу кўпчилигимизда бор. Аммо орзу бошқа, ҳаёт бошқа-да».

ШУБҲАСИЗКИ, ҲАЁТ БИЛАН ОРЗУ жиддий фарқланади, бироқ ўз кўрпамизга ўзимиз ўралиб ётаверсак, қандай қилиб ўсиб-унамиз, тараққиётнинг юксак босқичларига кўтариламиз? Табиийки, кўтарила олмаймиз ва буни тушунган Тоҳир Малик қуйидагиларни таъкидлайди: «Фақат айтиш мумкин бўлган гапни ёзиб, мумкинмасидан тийилган, аввал Сталинни мақтаб, сўнг унга лаънат тошларини отган, кейин Хрушчевни... Рашидовни мақтаб тирикчилик қилган одамни мунофиқ дейишга ҳаққимиз борми? Бор. Шукрки, адабиётимиз фақат шундайлардан иборат эмас».

Ҳа, шундайлардан иборат эмас, аммо улар, афсуски, кўпчиликни ташкил этади ва уйғоқларнинг интилиш-изланишлари, курашларига тўсқинлик қилиб, яна ўша қолоқлигу қашшоқликда қолиб кетишимизга йўл очади. Ахир айрим бедор ижодкорларимизнинг бирқанча тирик, жонли асарлари, улар ўртага ташлаган жанговар мулоҳазалар бамисоли қумга сингандай изсиз йўқолиб кетаётганини, яъни аксари ёзувчилар, танқидчилар, ўқувчилар ҳам сукут сақлаб, гўё ухлаб қолгандай ҳолат юзага келганини бошқача изоҳлаш мумкинмас-ку! Тўғри, уларни қўзғатиш мақсадида, адабиёт ўладими, деган савол ўртага ташланди-ю, йўқ, ўлмайди, деган жавоб олингандан кейин яна ўша осойишталик ҳукм сураяпти. Истеъдодли қаламкашларимиз ҳикоячиликда янгиланиш бошлаяпти, уйғонишга тараддуд кўрилаяпти, деса, уларга қарама-қарши ўлароқ йўқ, ҳеч қандай силжиш бўлмаяпти, деган фикр ўртага ташланди-ю, бу борадаги баҳс ҳам негадир авж олдирилмади. Баъзи романлар, китоблар, юбилей ёшига етган ижодкорлар ҳақида аҳён-аҳёнда мақолалар ёзилаётганига шукр қилгингиз келади-ю, бироқ негадир тағин ўша офаринбозлик, дабдабабозлик ҳукмронлик қилган даврдагидек адабиётимиз беқиёс гуллаб яшнаётгани, мислсиз ижодий ютуқларга эришилаётгани тўғрисидаги мулоҳазаларга дуч келганингиздан энсангиз қотади. Устига устак сўз санъатига, бадиий ижодга, асарларга қизиқиш кундан кунга сусаймоқда...

Хўш, нима бўлаяпти ўзи? Тоҳир Малик тилга олган, ҳамда тилга олмаган ўнлаб, юзлаб, минглаб бедорлар яна ухлаб қолишдими? Бордию, шундай бўлса, қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш қандай бошланиб, қандай давом эттирилаяпти? Плюрализм — фикрлар, ғоялар, дунёқарашлардаги рангбаранглик, зидлик, қарама-қаршилик ўз-ўзидан туғилдими?

Ишончим комилки, бедорлар ухлаб қолгани йўқ, уларнинг сони ҳам ортиб бораяпти, бироқ негадир ҳозирги рўй бераётган воқеаларнинг ичида туриб ёки чекка-чеккаларга чиқиб олиб, фидокорона фаолият кўрсатишмаяпти, ўзларининг нималарга қодир эканлигини намоён қилишмаяпти, кўрайлик-чи, энди нима бўларкин, деб ниманидир кутишаяпти.

Йўқ, ҳеч қандай ўзгариш бўлмаяпти, дейиш ҳам ноҳақлик бўлур эди. Гап изланиш, интилишлар чинакам уйғонишга хос бўлмаётгани, беқиёс салмоқли натижаларга, туб ўзгаришларга олиб келмаётгани тўғрисида бораётирки, буни яхши тушуниш учун яна ўша Тоҳир Маликка мурожаат этаман: «Мамадали Маҳмудовнинг «Ўлмас қоялар» асари тақдирини эслайлик. Ундаги **«миллатчилик руҳи»ни масковлик Иванов ёки Петров эмас, ўзимиз кавлаб, ўзимиз ғалва кўтармадикми?** «Юлдузли тунлар»ни ҳам **«ўзимиз ўтмишга снгинмиш»**, деб баҳоламадикми? Ғалати одамлармиз-да. **Янги асарнинг бадиий жиҳатларини таҳлил қилиш ўрнига** бурнимиз устига нозик кўзойнакларни қўндириб олиб, **сиёсий хатолар қидирардик».**

Кўраяпсизми, ҳамма бало ўзимизга келиб тақалаяпти. Борди-ю, ўзимиздаги уйғоқликни фаолиятга айлантириб, муҳитдаги «об-ҳавони» яхшилик томонга ўзгартириш учун курашмасак, ўзимиз покланиш орқали ўзгаларга адолат туйғусини юқтиришга интилмасак компартия яккаҳокимлиги жону танимизга сингирган иллатлардан қутулишимиз мумкин эмас.

Мана, Мамадали Маҳмудовнинг бир пайтлар қораланган «Ўлмас қоялар» романи «Бу тоғлар — улуғ тоғлар» номи билан (менимча, асарнинг янги номи эскисига қараганда қандайдир бадиий таъсирчанлигини йўқотган), 1991 йили босилиб чиқди. Яна ўша ёзувчининг 1992 йили «Кўк бўри» деган қиссалар, ҳикоялар тўплами нашр этилди. Тўпламда ўша пайтларда «лаънатланган» «Богдон қашқири» (русчага ўгирилиб, «Дружба народов» журналига ҳавола қилинганда «ғоявий бузуқ, зарарли» асар деб баҳоланган) қиссаси, кичик ҳикоялари ўрин олганки, уларнинг «Ўлмас қоялар» билан бирга ўқувчиларга етиб бориши ўзига хос жиддий воқеадирки, негадир бунга ҳам лоқайд қаралмоқда.

Йўқ, фақат «Ўлмас қоялар»мас, балки 60—70-йилларда А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» сатирик комедияси, «Ҳуснбузар» мақоласи, А. Ориповнинг «Тилла балиқча», «Куз манзараси» шеърлари, 80-йилларнинг бошларида Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Шароф Бошбековнинг «Тушов узган тулпорлар», Шукруллонинг «Аср баҳси», Рауф Парфининг «Сабр дарахти», М. Солиҳнинг «Олис табассум сояси», Ш. Раҳмоннинг «Уйғоқ тоғлар», Х. Давроннинг «Болалик овози», У. Азимовнинг «Дарс» сингари шеърий тўпламлари ҳар хил тарздаги тазйиқу тақиқларга дуч келдики, улардаги эпик, драматик, лирик қаҳрамонлардан айримларининг хатти-ҳаракатлари, ўйлари, қарашларида ҳукмрон коммунистик мафкуранинг баъзи жиҳатларини танқид қилиш руҳи билан суғорилган, айрим жиҳатларини инкор этиш кайфияти бор эди, холос.

ТАКРОР АЙТАМАНКИ, фақат шундай кайфият бор эди, холос. Айни чоқда мана шу кайфиятга кўпинча тоталитар тузум сиёсатидан норозилик, унинг кирдикорларини очиб ташлаш, раҳбарлар фаолиятидаги ноҳақлик, адолатсизлик, манфурлик каби иллатларга қарши кураш туйғулари сингдирилардики, бу С. Мадалиевнинг ижодкорларимиз социалистик жамиятга фақат мослашиб фаолият кўрсатдилар, шунинг учун асло дакки емадилар, деган фикрининг бирёқламалигидан далолат беради. Айни чоқда Тоҳир Малик айтгандай, зиёлиларимиз, ёзувчиларимиз азалдан бедор, деб ўзимизни ўзимиз овутишимиз, ўзимиздан ўзимиз миннатдор бўлиб, биз қолоқ эмасмиз, дейишга ҳам асос йўқ. Аммо бедорлик қанчалик муҳим аҳамият касб этмасин, агар у салмоқли интилиш-изланишлар, эътиқодларга асосланган курашлар орқали ҳаётнинг, шу жумладан, бадиий ижод, маънавиятнинг ўсиш-ўзгаришига таъсир кўрсатмаса, юксак қадр-қимматга эга бўла олмайди.

Муаммолар Мулоҳазалар

ИЛМИЙ-МАДАНИЙ САВИЯ... КЕРАК!

ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 30 октябр сонида академик Аҳмадали Асқарнинг «Илмий маданий савия... керакми?» сарлавҳали мухбир билан суҳбати эълон қилинди. Унда кейинги вақтларда, мухбир кинояси билан айтганда, «ноғорачи ҳам, ошпаз ҳам ноширликка берилиб кетиб» илмий савияси паст, пала-партиш тайёрланаётган тарихий китобларга олим ўз муносабатини билдирган.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган нашриётлар, эпчил ноширлар кўпайиб кетди. Улар тарихимизнинг тахланиб ётган турли манбалар қатламини тусмоллаб ахтаришга киришдилар. Илмий жиҳатдан ишончлими, йўқми, эътибор қилишмай, қўлга тушган нарса китоб, рисолалар ҳолида чиқарилмоқда. Оқибатда гавжум жойларда ғаройиб бир китоб бозорчалари пайдо бўлдики, илмий ёки диний мавзудаги асарлар қачонлардир оқсоқол К. Маркс айтган товарга айланди ва улар «келишилган нарх» билан сотилмоқда.

Бу ниманинг оқибати? Биз нингча, бунинг учта сабаби бор. Биринчидан, мамлакатда қайта қуриш деб аталган сиёсий бурилиш пайдо қилиниб, ниҳоят, 1917 йил октябр давлат тўнтаришию тараққиётдаги социализм кўчасининг моҳияти, бу кўчани ёритиб турган марксизм-ленинизм «ғоялари»нинг бизга дахлдор маъносию советлар ҳокимиятининг алдамчи сиёсати —булар барчаси фош этилди. Социализм деб аталган даврнинг туғилиб, ўсиб «ривожланган социализм»гача босиб ўтган 70 йиллик умрига бағишланган ва минглаб мутахассисларга илмий даражалар олиб берган китоб тахламлари қисқагина вақт ичида оддий қоғозга айланди. Ўша китоб тахламларидаги сохта ғоя асосида тарбия олаётган мактаблардаги болаларимиз, олий ўқув юртларидаги йигит-қизларимиз кўнглида маънавий қашшоқлик, қандайдир бўшлиқ пайдо бўлди.

Иккинчидан, аслини олганда барча тарғибот-ташвиқот воситалари ва маорифимиз тизими орқали халқимиз олган ғоявий тарбия ҳаётда деярли икки авлод ўтиб ҳам мўлжалдаги, кутилган самарани бермаган эди. Яширишнинг ҳожати йўқ — тил бошқаю дил бошқа эди. Шунинг учун ҳам юқорида айтилган маънавий бўшлиқ тездагина пайдо бўлди. Натижада меҳнаткаш халқимиз, ёш авлод ўзининг ҳақиқий тарихини қўмсай бошлади. Ислом динимизга йўғрилган авлодлар ҳаётига, миллий-маънавий қадриятларимизга, урф-одатларимизга нисбатан кўнглида мудраб ётган эътиқод қайтадан ниш берди, куртаклади.

Ўзингиз ўйланг, чанқаган одам кўпинча бесабр бўлади: унга суюқ айрон ҳам, оддий сув ҳам барибир — чанқоқни тез бостирса бўлди. Фақат сабрлиларгина яхшилаб дамланган кўк чойни ичадилар. Турли нашриётлар, хусусий корхоналар чоп этаётган тарихий китоблар, пала-партиш ишлаётган ноширлар ҳақида маълумотлар беришни сўраб рўзномаларга келаётган мактублар муаллифларини ҳар нарсани «чанқоқ бости» қилиб ичмайдиган, уларнинг фарқига борадиган сабр-тоқатли кишилар, деб биламан.

Ҳурматли академигимиз Аҳмадали Асқар, ҳозир ўшандай китобу манбаларни чоп этаётган барча нашриу, муаллифларни агар икки гуруҳга ажратсам, фикримга қўшилсалар керак. Чунончи, бир гуруҳи эндигина мустақил бўлган жафокаш халқимизни ўз тарихидан, миллий ўтмишимиздан хабардор қилиш ва зиё тарқатиш иштиёқида куюб-ёнаётган ҳақиқий эл фарзандлари бўлса, бошқа бир гуруҳи одамлар онгида юқорида айтган маънавий бўшлиқ пайдо бўлганидан фойдаланиб, пул ишлаш, бойлик орттириш иштиёқида, «чанқоқ бости»га турли китобчаларни пала-партиш чиқариб сотаётганлардир. Афсуски, бу ҳолат фақат бизнинг жумҳуриятимизда эмас, қўшни мустақил давлатларда ҳам авж олган.

Нима бўлганида ҳам, ҳозир мустақиллигимизнинг «баҳор пайти» — миллий тарихимиздан дастлабки тушунчалар, маънавий қадриятлар олиб келаётган дарё-сойларимиз ниҳоятда тўлиб оқмоқда: баҳорда сойларнинг тошқин сувлари кўпириб, лойқа оқади. Маълум фурсат ўтиши билан тинади ва қирғоқлар ўз ҳолига қайтади.

Аммо академик Аҳмадали Асқарни безовта қилган нарса вилоятдаги оддий бир тарихчи сифатида мени ҳам ташвишга солди: яъни бу «баҳор тошқинига» — турли манба ва тарих китобларини, диний дастурларни чоп этиш ишларига обрўли олимларимиз қатнашмасалар, омма орасида вақтинчалик шуҳрат топиш иштиёқидан ўзларини тийсалар яхши бўлар эди. Ахир, улар манбашунослик, ноширлик ишларининг илмий усулларидан хабардор кишилар-ку! Кишини безовта қиладиган яна бир ҳолат шуки, айрим олимларимиз ўзи мутахассис бўлган илмий тадқиқот даври-доирасидан чиқиб кетиб, тарихимизнинг ҳамма соҳаларига қўл урмоқдалар. Бунинг оқибатида халқимиз тарихининг айрим тафсилотлари бузиб талқин этилмоқда, ҳужжатлар эса баъзан сохталаштирилмоқда.

Йирик манбашунос олим Бўрибой Аҳмедов бир суҳбатда Амир Темур ва темурийлар даври тарихидан, «мутахассис, ...шунослар» кўпайиб кетганига таассуф билдириб, «чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин», деган халқ мақолига ишора қилган эди. Газетадаги суҳбатда ҳам шу масалага муштарийлар диққати жалб этилган. Жумладан, Аҳмадали Асқар айтганидек, «асосан шўро даври тарихи билан шуғулланиб келган тарихчиларнинг мақолаларида жуда кўп чалкашликларга... дуч келамиз».

Шу муносабат билан мен бошқа бир мулоҳазани ҳам ўртага ташламоқчиман. Биз жойлардаги тарихчиларнинг наздида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фан соҳалари бўйича барча илмий-тадқиқот институтлари ўша махсус фанларнинг бош штаби ҳисобланади. Жумладан, Тарих институтини ҳам республикамизда тарих илмининг бош штаби, деб биламиз. Бас шундай экан, бу мўътабар фанимизнинг аҳволи, ривожи, истиқболи ҳақидаги жиддий фикр-мулоҳазалар мана шу институтдан чиқиши керак.

ШУ ЖИҲАТДАН СУҲБАТДА мухбирнинг директорга қарата: «Сиз бошқараётган Тарих институти... кун-ора чиқиб турган китоблар ҳақида жиддийроқ фикр билдирмаяпти-ку!» деб берган саволига мен ҳам қўшиламан. Дарҳақиқат, бу жараённинг бошланганига 4—5 йил бўлди. Аммо Академиямизда хизмат қилаётган мумтоз тарихчи олимларимизнинг кўпчилиги матбуотларда кўринмайди, улар фанимизга доир мунозарали масалаларни кўтариб чиқмаётирлар. Фақат профессор, хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳамид Зияев ва тарих фанлари доктори Ҳайдарбек Бобобеков, шунингдек, профессор Иброҳим Алимов бундан мустаснодирлар, холос. Директор маълумотига қараганда институтда йигирмадан ортиқ фан доктори бор экан, нега уларнинг энг кўпчилиги тарих фанимизда бошланган сифат ўзгаришларига муносабат билдиришмаяпти?

Ахир, кейинги йиллар 70 йиллик яқин тарихимизнинг барча соҳалари — «босмачилик», НЭП даври, ер-сув ислоҳоти, қулоқлар масаласи, жадидчилик ҳаракати, маданият арбобларининг қатағон қилиниши ва бошқа масалалар бўйича матбуотда озмунча мунозаралар бўлдими? Академик Эркин Юсупов бундан уч йил илгари «Ўзбекистон овози» рўзномасида «Тарих ҳақиқати ва давр талаби» мақоласида «баъзи олимларда бирор мустақил фикр айтишга ботинолмаслик ҳамон йўқолиб кетмаган», деган фикрни айтган эди. Устозларим мени кечирсинлару, афтидан, ўшандай олимлар тарихчилар орасида анча бор шекилли. Бас, ўша командир тарихчиларимиз «оч қорним, тинч қулоғим» қабилида иш кўришаётган экан, илмий мунозараларда айрим ёзувчилар, журналистлар фаолият кўрсатишлари турган гап ва шундай бўлаётир. Бундай ҳолда, табиий, академик Аҳмадали Асқар тўғри шикоят қилганидек, айрим чалкашликларга, «ноилмий фикр-мулоҳазаларга» йўл қўйилаётган бўлиши мумкин.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб яна бир масалани ўртага ташламоқчиман. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги аграр сиёсатига, «шахсан миллий, мазмунан социалистик» маданият тараққиётига, умуман, халқимиз тарихининг барча жабҳаларига бағишланган нуфузли муаллифларимиз асарлари ва тадқиқот натижаларини обрўли ва ўринли танқид назаридан ўтказиш керакка ўхшайди. Негаки, чоп қилиниб биз каби олий ўқув юртидаги тарихчиларга дастур бўлиб келган барча асарларда илмий муаммолар КПСС ва Совет ҳокимиятининг мутлақо зафар тантанаси руҳида, ҳеч қандай камчилигу хатога йўл қўйилмаган, деб ҳал этишга қаратилган. Қайси тарихий монографияни, китобини варақласангиз, ичидан «ура» овози эшитилади. Инқилобдан аввалги даврдаги йирик мавзулар тадқиқоти ҳам бундан мустасно эмас. Уларни чоп этишдан кутилган мақсад кўпинча битта, яъни нима қилиб бўлса ҳам юқори даражали илмий унвон олиш эди. Шунинг учун барча тарихий китобларимиз, аксари ҳолларда, аллақачон ҳимоя қилинган, диссертациялардан иборат: тегишли архив ҳужжатлари тафсилотини мияда олдиндан ўйлаб қўйилган «илмий шаклга» мослаштиришган ва Маркс, Энгельс, Ленин асарларидан келтирилган парчалар билан «чучитиб» сўнг муҳокамага қўйилган. Муҳокама механизми ҳам аниқ: Тарих институтидаги Совет даври тарихчилари ўз мутахассисликлари бўйича муҳокама қилинаётган диссертация ёки бўлғуси китобда ўзлари «кашф этган» илмий хулосалар қандай акс эттирилганига эътибор берадилар. Шунинг учун ҳам, Совет даври тарихига бағишланган барча китобу диссертацияларда (уларнинг тўқсон фоизи рус тилида: «Этот опыт имеет большое значение для развивающихся стран Азии, Африки и Латинской Америки», деган навбатчи жумла кўчиб юради. Хатоликлар ҳақида эса лом-мим дейилмайди. Шундай бўлгач, ўша узоқ юртлардаги халқлар учун ҳозир аҳамиятли нарса бизнинг тажрибамизми ёки йўл қўйган хатоларимизми, деган кинояли савол келиб чиқади. Бу масалада илмий раҳбарларимиз жиддий ўйлаб кўришлари керак, менимча.

Яхшики, янги давр талаби билан тарих институти раҳбариятида ҳам жиддий ўзгаришлар бошланди. Академик Аҳмадали Асқаровни йирик олим, жамоат арбоби ва ажойиб ташкилотчи эканини биламиз. Шу билан бирга у янгиликни ҳис қилувчи, ёш мутахассисларга ғамхўр кишидир. Унинг мухбирга берган ахборотига қараганда институтдаги илмий кучлар ҳозир асосан уч йўналиш (Ўзбекистон тарихининг кўп жилдлигини яратиш, тарихимиздаги «оқ доғлар»ни ва нотўғри ўрганилган даврларни қайта ўрганиш ва янги дарсликлар) устида иш олиб бораётган экан, бу муаммоларга қай тарзда ёндашилаётгани, муайян масалаларни ёритиш қандай аҳволдалиги ҳақида матбуотда очиқ ахборотлар бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўлармиди... Хусусан, янги дарсликлар ва программалар яратиш ишининг аҳволи ҳақида, биз олий ўқув юрти тарихчилари, кўпроқ билгимиз келади. Шунинг учун институтнинг бу хайрли иши тўғрисида батафсилроқ маълумот зарур. Негаки, ҳозир Ўзбекистон тарихини ўқитиш ишига кечаги сиёсатшунос тарихчилар ҳам жалб қилинган. Уларга янги қўлланма ва дастурлар жуда ҳам зарур.

Иккинчи томондан, институт фаолиятининг ушбу (янги дарслик яратиш) бандини рўёбга чиқариш ишига олий ўқув юртларидаги илмий кучларни ҳам жалб этилса, менимча, ёмон бўлмас эди.

УМУМАН, ХАЛҚИМИЗ тарихини янгидан одилона ёзиш илмий ҳалоллик ва масъулиятни талаб қилади. Илмий ҳалоллик эса ватанга, юртига, ўз халқига муҳаббатдан пайдо бўлади. Бу қутлуғ ишда бирор-бир обрўли шахс фикрининг устамонлигига, бирон сиёсий оқимга тарихий ҳужжатнинг бўйсундирилишидан илгари рўй берган бемаъни ҳолатларга асло йўл қўймаслик керак.

Ҳожи Сайфиддин ЖАЛИЛ
Бобур номидаги Андижон дорилфунуни ўқитувчиси

Эътибор ОХУНОВА

Истиқлолга атаганларим

КУЗ...

Боғларингда олма, анор, нок ғарқдир,
Юрагимга мадор боли неъматлар.
Ахир, Ўзбекистон бу — қуёш тахти,
Тупроғи зар, тилло, жавоҳиротлар.
Бувиларнинг тиззасида чопондир,
Келинларнинг каштасида палаклар.
Инсон ўз юртида шоҳи — жаҳондир,
Айланиб гардуни дун бу фалаклар.
Энди ўзбек ўзбекликдан фахр айлар,
Қўйга тўлар қақраб ётган қўралар.
Томчи — томчиларни бир кун наҳр
айлар,
Дону-дунга тўлиб-тошар тўрвалар.
Урвоғлари нонга айланар унинг,
Сўқмоқлари манзилларга туташар,
Буни сезар кўкламга зор бу кўнглим,
Кун келарки, ул ҳам севинч улашар.
Ҳозир малҳам кутиб ётар яралар,
Оғриқларнинг эшитилар ингроғи.
Йўғи кўпдир, бори қачон яралар,
Йиртиқ-ямоқ кўпдир, кам янгироғи.
Ғамгин дўстим, ғамларингни бўлишай,
Нажот, имдод сўрар Ватан, бирга юр!
Мустақиллик юртида тонг ёришар,
Карвон келар, нори бўлиб сафда тур.

●

Энди кўнгил султондир мулки, элида,
Энди шоҳи жаҳонга муносиб...
Сўзлашар ҳам диллашарлар ўз
тилида,
Тортмас ўзга бировларнинг жафосин.
Энди дунё меҳмон ўзбек элида,
Энди қўрқмай нону патир ушатар.
Мустақиллик камар унинг белида,
Дунё бизни дунёларга ўхшатар.
Остонамиз тилла эмас, майлига,
Кимҳобмасдир майли эгну чопонлар.
Лекин дунё сиғар тор бир чайлага,
Яхши қолган юртда, кетиб ёмонлар.
Овозимиз янгроқ эмас эҳтимол,
Лекин тақдиримиз ўзга ёзилган.
Жаҳон билар бизнинг бу истиқлолни,
Зуваламиз жуда улкан узилган.

●

Боғлар ошиб келаётир бир садо,
Тургин, она, қадди-бўйинг ростлагин,
Чертилмакка бошлади танбур, сато,
Кийиб олгин шарқона либосларинг.
Букун тўйдир... Тонгнинг ҳарир этаги,
Боғ оралаб кумуш танга сочади,
Букун ростдир бувиларнинг эртаги,
Букун сим-сим эшигини очади.
Букун сени кўрмакка келар дунё,
Тоғлар келар пойингга бош қўйгали.
Йўқ-йўқ, сенга таъзимга келар дунё,
Яхши сўз айтгали, сени суйгали.
Қумри келар, ўз тилида сўз, байти,
Тўти келар, кўнглингни хушлагани.
Баҳор келар гул ила қайтиб-қайтиб,
Боғинг аро мангуга қишлагали.

●

Букун сенинг ҳовлирўянг офтобли,
Қадамингга поёндозлар тўшалар.
Онажоним, орзуларинг рўёбли,
Суюк жоним, не истасанг ушалар,

Букун, сенинг қарашларинг ёлқинли,
Давраларда гурунг, гапу гаштаклар.
Букун, онам, дарёларинг тўлқинли,
Фарзандларинг тўй-томоша бошлабдир.

Мағриб келсин, остонангда хуш
тургин,
Машриқ келсин, мумтозим, гул
кўтариб,
Онажоним, букун ширин туш кўргин,
Ороминг ол, оролланган ўктамим.

Ҳарир рўмол ташлаб қўяй бошингга,
Кўзмунчоқлар тақай, кўзи хуморим.
Офтоб рангли либос мосдир ёшингга,
Кўз тегмасин муҳтарамим, Туроним.

●

Букун барвақт уйғонибдир Фарғона,
Саҳарданоқ ҳофизларнинг кайфи хуш.
Шоир айтар юрт мадҳида фасона,
Қизлар сўзлар бир-бирига ширин туш:

Тулпор миниб келар эмиш шунқори,
Отнинг туёғидан чақин чатнармиш.

Чакманида учқур тоғлар олқори,

Тиниқ чашмаларда юзин чаярмиш.

Об-тобида бувиларнинг тандири,

Ёпилади баркаш-баркаш ширмойлар.

Чоллар кафтга носқовоқни қўндириб,

Давра айланади тўқсон беш чойлар.

Букун сенга ярашади кушойиш,

Қишанларинг ғорат бўлган айёмдир.

Истиқлолинг этсанг бўлар намойиш,

Озод замин, эркин осмон пайғомдир.

Зебо РАҲИМОВА

ЮРАГИМГА КИРГИН, ТОНГОТАР...

●

Яланғоч боғларда яланғоч еллар
яланғоч қўшиқни куйлаб ўтади.
Мўлтираб қарайди заъфарон сувлар,
ариқлар ҳушидан кетади.

Хазонни тўшига тортади боғлар,
дуварак олмалар қийғоч қарайди.
Бўтакўз синдириб берган тароқда
узун сочларини кузак тарайди.

Хомуш тортиб кетар ишкомлар,
кечки узумларни чумчуқ талайди.
Қоқ пешин мактабдан бўшаган қизча
тушликсиз, далада жўяк санайди.

Қўрага қамалган моллар жонидан
очлик ўтиб кетар охири.
Бўм-бўш охурини кўрсатиш учун
аёлни даладан олар чақириб.

Ўт юлиб келгани қўрқади аёл,
терган пахтасини кўрмайди ҳидлаб.
«Баҳорда яйловдан тоза ўт ейсан»—
тасалли беради говмишни силаб.

Қуёш зерикади баридан, қуруқ
хашак чайнаб мудрайди говмиш.
Дала йўлдан кетиб боради аёл,
кузни эзиб қўяди ташвиш.

МУНОЖОТ

Суюклим, сиғмайсиз қароқларимга,
оғрийди аксингиз чўккан кўзларим.
Мен сизни топдимми, тополмадимми,
гоҳ шуни тунларга айтиб бўзладим.

Қуёш гардишига қўлларим тегди,
энг шодмон кунларда ёлғиз, оғриндим.
Бири кам дунёнинг мажруҳ кўксида
тўлғонган кунларда сизни соғиндим.

Кўнглимни куй қилиб дунёга отдим,
фалакнинг. тоқига етди сўзларим.
Умримни қадамлаб сизни ахтардим,
ногаҳон адашиб кетди изларим.

Ёр десам кўзимга дунёлар балқди,
эл бўлиб кўринди дилда ғурбатим.
Сизни кўрмай туриб юрагим қалқди,
айтинг, сизникими бу муҳаббатим...

Бу умрим қон бўлди, гуноҳ атаманг,
ёр, кўнглим сизни деб очилгунича.
Кўзимни тўлдириб яшарман энди
самандар юрагим сочилгунича...

●

Руҳим, қаерларда санғиб юрибсан,
кунларнинг таъмини сезмайди
дилим
умрим, кипригимда титраб турибсан,
қани мен,
сен мени кўрдингми, этим?

Кўзим қароғида тош қотган ҳаёт —
капалак қаноти сийпаган сукут,
бу дунё бошидан оёққача ёт,
руҳим, қаерларда юрибсан унут.

Кўнглим синса, синсин,
кунлар синмасин.
Бу дунё фақат бир изоҳга зордир —
Руҳ — нима?
нимадир бир чимдим тупроқ,
залвари заминнинг ўзича бордир...

●

Файзи қочар кундан-кун тоғу,
Хаёллари сўлғин боғларнинг.
Бир фасллик чиройинг учун
нега кўзларимни боғладинг?

Бир ҳасрат тишлайди бийрон тилимни,
куз шафқат билмайди заррача.
Бир оёғи билан кўнглимни
эзар салобатли Тахтиқорача.

Қисматини кутар сарғайган фасл,
боғларда эгасиз шамоллар бўзлар.
Бу ерга ҳар куни келар муттасил
оч кўзларим, жуда оч кўзлар...

●

Руҳсизман.
Қийналар кўксимдаги жон.
Бўшлиқлар бўғзимга тиқилиб ётар.
Нима гап, кел, менга тушунтириб бер,
юрагимга киргин, тонготар.

Сокин ғуссаларсиз кетаётган кун,
мен сени ҳеч қачон соғинмасман ҳам.
Аммо ташлаб кетар кўнглимни дилхун
сокин қувонч каби муқаддас бир ғам.

Қўлларим бўшашар, кўзларим тинган,
топмайман кунлардан илинж ва имкон.
Шаббода, сенга-да ишончим синган,
руҳсизман,
қийналар кўксимдаги жон...

АДАЖОНИМ

Адажонимни деярли ҳар куни туш кўраман. Турли ҳолат, турли вазиятда кўз ўнгимда намоён бўладилар. Қайсидир сафар тушимда «блокнотларим анча-я, қизим, кўриб улгурармиканси» деб хавотирландилар. Шу баҳона яна Адажонимнинг иш столларини кўздан кечирдим. Кичкинагина қоғоз парчасидан тортиб таклифномалар, мактуб, табрикнома, турли катталикдаги ён дафтарлар, календарь варақлари, қўлёзмалар... Шулар орасидан русча битилган таниш мавзудаги бир матнга кўзим тушди. Уни ўқиб туриб етмиш саккизинчи йил эрта баҳорда Кисловодскдаги «Ўзбекистон» санаторийсида Адажоним ва Опажоним билан дам олишда бўлганимиз, у ерда уюштирилган ажойиб учрашув хаёлимдан ўтди. Санаторий мудирасининг қизиқ бир одати бор экан. Оромгоҳга бирор шоир ёки адиб дам олишга келса, дарров учрашув ўтказаркан. Шу фикрини мудира дастлаб айтганда, Адажоним кулиб «Бу ерга дам олиш учун келганмаи, қўя қолинг», дея қайтардилар. Бироқ мудира сўзида туриб олди. Учрашув кунини белгилади. Адажоним ноилож рози бўлдилар. Рози бўлдилару, аммо тинчларини йўқотдилар. «Буни қара, қизим, ҳар сафар қаерга бормай ёнимда у — бу нарса бўларди, биласан. Аксига фақат дам олишни ўйлаб бу гал ҳеч бир қораламаларни ҳам олмагандим. Нима қилсамийкин», дея қулоқ урдилар. Опажоним иккимиз ҳайрон эдик.

«Ўзбекистон»да бўлганлар биласи: ўша юқори қаватнинг бошидаги ўзбекона жиҳозланган ойнаванд чойхонага кўпчилик йиғила бошлади. Уларнинг орасида турли соҳа соҳиблари бор эди. Учрашувга йиғилаётганларни кузатарканман, Адажонимга қарабқараб қўяман, қўлларида ҳеч қандай қоғоз йўқ. Мени негадир ваҳм босарди. Сабаби, ётоқхонадан чиқиб келаётганимизда Адажонимнинг «Манзура, буёғи қанақа бўларкин» деган гаплари қулоғимга кирганди. Тўғри, одатда бундай учрашувларда шоир шеърини ўқиб, ҳамманы лол этади, ёзувчи ўзи, асарлари, унинг яратилиш тарихи ҳақида сўз юритиши мумкин. Бироқ Адажоним ўзлари ҳақида гапиришни сира ёқтирмасдилар, нима қиларкинлар. Буёғи қандоқ бўларкин, ўйлардим. Адажонимнинг ҳамиша кулиб турувчи чеҳралари эса ўта вазмин, ҳатто мени ҳам хотиржамликка ундаётгандек туюларди назаримда. Учрашув бошланди. Биз билан ўша пайтда бирга дам олаётган самарқандлик олим, филология фанлари доктори, профессор Нуриддин Шукуров ва ажойиб таниқдчи, профессор Матёқуб Қўшжонов ёзувчи ҳақида, унинг асарлари, «Ҳазрати Инсон» романи хусусида гапиришди. Шундан кейин сўз Адажонимга берилди. Улар аста ўрнидиларидан турдилар, ўтирганларга разм солдилар, бошларини хиёл эгиб, худди гапни нимадан бошлашни билмаётгандек бироз турдилар-да, жуда босиқ, вазмин оҳангда «Человек умер... Инсон оламдан ўтди...» дедилару, жим бўлиб қолдилар.. Чойхонани сукунат қоплади. Ҳамма бир зум Адажонимга тикилиб қолди. Бу сукунат уларга аллақандай руҳ бағишладими, билмайман, фикрларини рус тилида шундай равон, тушунарли ифода эта бошладиларки... Худди монолог ўқилаётгандек эди. Ўтирганларга аста разм соламан: бири пиқ-пиқ йиғлар, бири кўз ёшларини эплолмай ҳали рўмолчаси, ҳали бармоқлари билан юзларини артар, яна бирининг бутун вужуди қулоққа айланганди. Адажоним ўзидан ўзи қуйилиб келаётган гапларини қандай оҳиста бошлаган бўлсалар, шу тариқа босиқлик билан тугатдилар...

...Жимлик давом этарди — буёғи нима экан, эшитайлик дегандек. Сўнг, худди уйқудан уйғонгандек бирдан қарсак тутиб кетди. «Яхши бир фильм кўргандек бўлдик-ей», деса бироз, яна аллаким «Китобнинг энг таъсирли бобини ўқигандек бўлаётувдим, тугатиб чакки қилдингизда, домла» дея ҳазил қилди.

Учрашувдан кейин Нуриддин Шукуров билан Матёқуб Қўшжоновлар табриклаб туриб, «бопладингиз-эй, ҳамманинг ёдида қоладиган бўлди. Қачон қоғозга тушириб, қачон ёдлашга улгурдингиз», дея ўртага олишди, Адажонимни. «Ўзимам ҳайронман», дедилару, кулиб қўя қолдилар.

Тошкентга—уйга қайтгач, анчадан кейин ўша гапларни Адажонимнинг иш столларида, қоғозга туширганларини кўрдим. Ўзи шунақа одатлари бор эди. Бир нарса ёзиш учун ёдда уни хаёлларида пишитиб олар, ҳатто фикрлари то нуқта, вергулигача етилмагунча ёзишга шошилмасдилар. Ёзганларида эса ўша хаёлдаги фикр шундоқ қоғозга тушардики, уни яна қайта тузатишга ҳожат қолмасди. Ҳозир қўлимдаги матн ана ўша эди. Мен уни Сизларга ҳавола қилмоқчи бўлдим. Бу матбуотда илк бор берилиши...

ЁДНОМА

Раҳмат ФАЙЗИЙ

ИНСОН ОЛАМДАН ЎТДИ...

ИНСОН ОЛАМДАН ЎТДИ. БИРДАН ЧАҚМОҚ ТУШИБ чирсиллаб синган баҳайбат чинордай қуладию кўз юмди. Кўча йўлкасига янги асфальт ётқизилаётган эди, шундоқ остонага яқин жойда кичкинагина бир чуқурча қолган экан, шуни белкурак билан текислади. Чўккалаб ўтирдию шу заҳотиёқ жон берди. Асло ишонгинг келмайди. У текислаган янги асфальт иссиқ, ҳали совуганича ҳам йўқ.

Ўлим ҳақ, ваҳти-соати етдими тамом, керакмас жойда, керакмас сонияда содир бўлади. Лекин совуқ хабарнинг бунақаси, бунақанги кутилмагани учади, аниқроғи шамолдан тезроқ, чақмоқдан тезроқ тарқайди, шу заҳотиёқ ҳамма ерга ва барчага етиб боради...

...Уни кўмишга ҳозирлик кўришяпти... ака-ука, опа-сингиллари, қавми-қариндошлару, уруғ-аймоқлари, қўни-қўшнилару яқин ҳамкасабалар, дўсти-биродарларию тобуткашлар йиғила бошлашди. Ҳовли одамларга тўлиб боряпти. Аёллар овозлари борича айтиб-айтиб йиғлашяпти, ҳеч ким уларни йиғидан тўхтатолмайди, уларни тинчитишни ўйламайди ҳам. Эркаклар, айниқса, болалар орасида хўрсиниб-хўрсиниб оғир уф-ф тортишлар, ҳиқиллаб йиғлашлар, дард-аламдан ўпкаси тўлиб нафас ололмай қолганда нужудидан чиқаётган ҳиқ-ҳиқ товушлар ичида дўриллаган даҳалроқ йиғи товушлари баралла эшитилиб турипти.

Сўнгги тайёргарлик кўрилмоқда. Эшитганлар кетма-кет келяпти. Йиғилганлар катта кенг ҳовлига сиғмай кўчага чиқиб кетяпти. Девор бўйлаб кўчанинг икки томонидаги йўлкаларда қўл қовуштириб чуқур сукут сақлаб туришибди. Одамлар тўпланиши давом этади, энди улар кўчани ҳам тўлдиришяпти. Келаётганларнинг кети кўринмайди. Ҳовлидан чиқаётган аёлларнинг юракларни тилка-пора қиладиган мунгли йиғиси тобора зўрайиб, ҳовлига сиғмай, кўчага тарқамоқда, бутун маҳаллани эгалламоқда...

Қариндошлар уйнинг деразасидан тобутни олишди. Қизларнинг айтиб-айтиб йиғлашларига ҳеч ким дош беролмайди. Жасад ердан узилиб, тобут елкаларга олинганда, ҳовлида оғир, юракни эзадиган уввос кўтарилди. Бу, шу ҳовли, киндик қони тўкилган даргоҳ билан сўнгги видолашув садоси эди. Ҳовлини, хоналарни тўлдириб турган бир тўда хотин-халаж тобутни кузатиб кўчага чиқишди. Урф-одатга кўра, улар марҳум билан сўнгги бор шу ерда видолашдилар, мана шу жойда, мана, ҳозир...

Ақл бовар қилмайдиган томони шундаки... Аёллар йиғлаш эмас, сочларидан тортиб, юлиб, товушларининг борича бақириб, чинқириб, ўкириб-ўкириб, ҳўнграб-ҳўнграб йиғлашади. Шундай йиғлашадики, уларнинг йиғиси еру кўкни ларзага келтиради. Бўлаётганни на кўриш ва на эшитиш — бутун бир даҳшат олами — унга инсон боласи чидаш беролмайди. Тошбағирлар ҳам чидолмайди, кўз ёшларини тиёлмайди. Ва ниҳоят, шу топда тўладан келган бақувват, қора кийган хотин «бўлди, бўлди қилинглар, бас энди, йиғлаганнинг фойдаси йўқ, йиғи билан қайтаролмайсизлар. На илож худонинг иродаси бу, ундан кўра жойи жаннати бўлсин, гўри нурга тўлсин, деб дуо қилинглар», дея сув сепиб, хотинларни уйга, ҳовлига қайтаради.

СУРАТДА: Раҳмат ФАЙЗИЙ С. МАҲКАМОВ олган сурат

Эркаклар тобутни елкаларига олиб марҳумни охирги йўлига кузатадилар. Бу йўл кишилар билан лиқ тўлган кенг кўчадан ўтади. Тобут елкадан-елкага ўтиб боради. Кўчадан кетаётган йўловчи тобут томон бурилади, келиб уни елкасига олади, бир неча қадам босади, тобутни бошқа одам елкасига узатаркан, ўзича дуо ўқиб, оҳиста юриб бир чеккага ўтади. Кетаётган арава тўхтайди. Аравакаш отдан тушиб, тобут томон одимлайди, елкасини тобутга қўйиб беради... Машина тўхтайди. Ҳайдовчи кетаётган тўда орасидан тобутга қараб шошилади... Тобут ёнида кетаётган соқолига оқ оралаган каттароқ ёшлилар, оқсоқол, қариялар дам-бадам — йўловчиларга берингглар, йўловчиларга, олд томондан келинглар елкага олиш қулай бўлади, бўйингизга қараб олинг, тобут лапангламасин — деганлари эшитилиб туради. Кўча одамлар билан тўла. Ҳеч ким бефарқ бўлолмайди, йўловчилар ҳам, кетаётган мошина ҳам тўхтаб ҳайдовчисию, ичидаги одамлар ҳар бири туртиниб бўлса ҳам тезроқ одамлар орасидан ўтиб тобутга интилади, елкасини тутади... Бир неча қадам бўлса-да кўтариб боради, инсоний бурчини адо этганидан кўнгли таскин топиб, марҳумнинг ҳурматини жойига қўяди. Охирги қиёмат-қарзни қайтаришади. Ўзбекларнинг миллий одати шунақа!

Ҳа, одам жасадини одамлар елкасида кўтариб кетишяпти. Йўқ! Унақа эмас, кўтариб кетишяпти дейишимиз тўғри келмайди, кўтариб кетишяптимас, у кишилар устида денгиздагидек сузиб боради, ҳа, мурда гўё одамлар денгизида сузиб боради. У шундай сузадики, тириклар унинг ортидан етолмайдилар. Йиғилганлар кўчага сиғмай кетишди, сиқилишиб қолишди, тобут эса одимлаб елкама-елка ўтиб, сузиб бормоқда.

Олдинда, тобут кўтариб кетаётганлар олдида бошида дўппи, эгнида йўл-йўл беқасам тўн кийиб, бели белбоғ билан боғланган икки қатор катта-кичик ёшли мотамсаро эркақлар, балоғатга етиб қолган йигитчалар ва ўғил болалар боришяпти. Уларнинг қўлида тол дарахтидан янги кесилган ҳасса, улар кўпчилик — қирқ нафарга яқин. Кимдир хўрсиниб, қай бирлари чиқиллаб оғир йиғлаб боришяпти, ич-ичидан чиқаётган юракларни эзиб юборадиган «жоним отам, меҳрибоним отам, дорогой отец, дорогой батя»дан марсия занжири пайдо бўлгандек садо чиқади.

Бу йиғи юрак алам-дарди нидоси ҳар бир кишининг қалб торларига тегиб, ўпкасини тўлдириб юборади. Катта кўча шу даражада одамлар билан тўлдики, транспорт ҳаракати бутунлай тўхтаб қолди. Тобут кетидан бораётганлар сафи борган сари чўзилиб боради. Болаларнинг йиғиси-чи, олдинда кетаётган, белини белбоғ билан боғлаган ва атиги бир сўз — турли миллат тилларида айтиляпти «ота» — «отам» деб ҳўнграб йиғлашлари янада баландроқ чиқар, бу сўз тобут кўтарганларнинг барчасига, ундан узоқ-узоқларга эшитиларди.

ЎЛГАН КИМ ЎЗИ? КИМНИ ЕЛКАДА КЎТАРИБ КЕТИШЯПТИ! Йўқ, энди уни елкада кўтариб кетишаётгани йўқ, энди У ҳавода, кетаётган кишиларнинг бошлари узра фазода учиб бормоқда, каттагина баҳайбат оқ қушдай одамлар боши устидан учиб кетяпти У...

Ким экан ўзи У? Ўлганидан кейин ҳам кексаю, ёш шунчалик ҳурмат билдираётган... Ҳаётлигида лоақал бир марта бўлсин уни елкасида кўтарганмикан кимдир... У — тошкентлик темирчи, бир баҳори кам саксон йил яшаган оддий бир темирчи. Олдинда икки қатор бўлиб йиғлаб кетаётганлар эса унинг фарзандлари — турли миллат болалари ўз она тилларида айтилаётган ва шунинг учун турлича эшитилаётган уларнинг сўзлари бир маъноли — «жоним отам, меҳрибоним отам» нидосидир.

Агар шу бўлаётганларни ўз кўзи билан кўриб, ўз қулоғи билан эшитганда эди, У ўзи, мамнуниятлик билан мулойим кулиб: «Худога шукур, орзуларим рўёбга чиқди...» деган бўларди. Ҳа, ҳа, орзу қилардилар, шунисини ният қилардилар. Болаларнинг ҳаммаси кўмиш маросимига етиб келиши ва ўшанда кўз ёшларини тўкишини ҳоҳлардилар. «Ҳозир йиғламанглар, ўлганимдан кейин мени кўмаётганларида гўрим устида ёш тўксанглар, розиман», дердилар доимо болаларидан бирортаси йиғлагудек бўлса. Мана, энди... ўша гапларига кўра йиғлашяпти улар. Ўзлари айтган кунда йиғлашяпти...

Ҳа, бир умр шуни орзу қиларди, болалари орқасида қолишини истарди, У. Мана, амалга ошди, ниятига етди, болалари орқасида қолди. Ўз тарбиясидагиларнинг ҳаётда бир текис ва ишонч билан шаҳдам қадам босишларини, босган қадам товушларини эшитишни истарди, У. Бу нияти болалари ёшлигидаёқ пайдо бўлувди. Келинг, яхшиси, ўзларидан эшитайлик, аниқроғи уруш йиллари Москвада Союзлар Уйининг Колонналар залида антифашистлар митинги минбарида туриб айтган эдилар:

— Умрим темирчи-тақачилик билан ўтди. Касбимдан икки дунё розиман. Шу даврда неча минг тақа ясаган бўлсам, тил ёзиқ, шунча отни тақалагандирман. Илло, тақалаган отларимнинг биронтаси қоқилиб, йиқилганини эшитмадим. Қоқилгандиру, имоним комилки, йиқилмаган. Ёшим бир ерга бориб қолганида юртим бошига кулфат тушди. Лаънати фашистлар чиқарган уруш каттаргамас бегуноҳ норасидаларга ҳам чангалини солди. Қараб туролмадик. Баҳоли қудрат шулардан бир нечтасини бағримизга олдик. Эндиликда қурбим етиб, ана шу тойчоқларга ўзим тақа бўла олсам, шулар тоймай, қоқилмай, йиқилмай юриб кетса, гурс-гурс босган қадамларининг овози қулоқларимга кириб турса, дунёдан беармон ўтардим. Ниятим шу!

Унинг бу орзулари аллақачон рўёбга чиққанди. Аллақачонлар болаларининг қадам босишини кўриш, қадам товушларини эшитиш насиб этганди унга.

Кўмиш маросимию кўмиш маросимида қатнашаётганлар... Ў-ҳў, уларнинг саноғи йўқ. тобут ортидан кетаётганларнинг охири кўринмайди. Улар Шоаҳмад Шомаҳмудов кўчасидан, ҳа, ҳа, ҳаётлигидаёқ номи берилган, эл ҳурматига сазовор бўлган оддий бир темирчи номи билан аталган кўчадан унинг тобутини кўтариб боришяпти.

Бу — ўша Одам. Бу — ўша Инсон. Мен ҳам Уларни Отам дердим ва бу билан фахрланардим. «Ҳазрати Инсон» романимнинг бош қаҳрамони Маҳкам ака образининг прототипи эди. У орамиздан кетганига мана шунча йил бўлди, лекин У кишидан жуда аҳил кўпмиллатли катта оила қолди. Ўзлари қурган уй, худди ўша кўчада Халқлар дўстлиги тимсолидай турибди. Халқлар Дўстлиги майдонида бу оилага бағишланган ёдгорлик яратилди. Бу оила — уруш йиллари Ўзбекистонга келтирилган икки юз мингдан ортиқ етим-есирлардан ўз оиласига асраб олган оилаларнинг биттасидир, холос.

Ҳар сафар бирор бир ерга борадиган бўлсам, доимо Шоаҳмад отамларнинг олдиларига кириб ўтардим ва улар оқ йўл тилаб, фотиҳа берардилар.

— Менинг қариндошларимга саломимни етказинг, — дердилар.

— Қариндошлар? Қанақа қариндошлар? — сўрардим мен.

— Қанақа деганингиз нимаси. Менинг қариндошларим, қадрдонларим-да. Қани, ўзингиз бир эслаб кўрингчи, белорус болани бағримга олдимми? Олдим, Украин боласини-чи? Олдимми, олдим. Уларни катта қилдимми? Катта қилдим! Қариндошларимми, қариндошларим!

Ҳар гал сафарда бўлганимда менинг қаҳрамоним — қиёматли Отамнинг бу табаррук ўгитларини у Ҳазрати Инсонга бўлган чуқур миннатдорчилик белгиси сифатида доимо бажариб келяпман ва бундан кейин ҳам бажараман, мана ҳозир ҳам бажонидил сидқидилдан насиҳатларини бажариб, саломларини етказяпман, сиз қадрдонларга, азизлар. Таъзиму саломларини қабул қилинглар марҳамат қилиб.

МАЪЗУР ТУТИНГ, АЗИЗ МУШТАРИЙ, ШУ УРИНДА ЯНА БИР НАРСАНИ эслашни жоиз деб билдим. Адажоним умрларини бағишлаган мавзуларини «Авлодлар» [«Ҳазрати Инсон»] романининг иккинчи китобида давом эттирганлари шубҳасиз. Ўзларига ўта талабчан, ҳар бир нарсани икир-чикиригача ўрганмасдан, билмасдан қаламга олмайдиган Адажоним ҳар сафар сўрагувчиларга «Иккинчи китоб устида ишлаяпман» дердилар. Ваҳоланки, у тайёр экан. Адажоним ўзлари таъкидлаганларидек, Шоаҳмад ака Шомаҳмудовни пардари бузрукворларидек эъзозлардилар. У кишининг ўлими Адажонимга катта йўқотиш бўлгани ёдимда. Шунинг хаёлида юрган вақтларида хизмат юзасидан Шароф Рашидов қабулида бўлганлар.

Кези келганда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Ёзувчи Раҳмат Файзий билан ёзувчи ва давлат арбоби Шароф Рашидов ўртасидаги муносабат ўта самимий Дўстлик, ога-иниилик, ижодий ҳамкорликдан иборат эди. Адажоним бу ажойиб инсон ҳақида бизларга кўп гапирардилар. Дўстона учрашувлардан кейин акасининг маслаҳатини олган укадек руҳлари тетик юрардилар. Шу дўстлик, ога-инииликкa Адажоним собит қолдилар. Ш. Рашидов ўлими ҳақидаги шум хабар тарқалганда аввал радиода, кейин «Тошкент оқшоми» газетасида «Тоғ қулади» дея марсия айтганлари ҳали-ҳали ёдимда.

Мавзудан бироз четга чиқдим, чоғи. Қабулда бўлганларида Шоаҳмад аканинг оламдан ўтганлиги ҳақида гапиришдилар. «Бир нарсани ўйладим Шароф ака, бу одамни ўша ўзи яшаган Кўкча даҳасидаги кўзга кўринарли, алоҳида ерга дафн қилишганда... Ўша ерда яшовчилар учун, фарзандларимиз учун яхши бир зиёратгоҳ, инсон меҳрига, халқлар дўстлигига қўшилган ёдгорлик бўлгувчи эди...» дебдилар. Буни эшитиб Ш. Рашидов район, шаҳар раҳбарларининг хаёлига нега шу фикр келмаганидан жаҳлари чиқибди, афсусланибдилар, кейин бироз ўйланиб турибдилар-да, юзлари ёришиб, «Йўлини топдим, дўстим, бундай инсонларга ҳайкал ўрнатамиз» деб юоорибдилар. Бу монументнинг яратилиш тарихи ҳақида мутасаддилари ўзлари гапириб беришса Тошкент тарихига катта ҳисса қўшган бўлишарди.

Саксон иккинчи йилнинг йигирма олтинчи майида Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VII халқаро кинофестивали ўтаётган кунларда СССР Халқлар дўстлиги майдони ўртасида «Инсон меҳрига ҳайкал» очилди. Уни шу монументни яратиш ташаббускори Шароф Рашидовнинг ўзлари очганлар. Бу уруш йилларида етим болаларни бағрига олиб, бошини силаган оилалар, инсонлар жасоратига қўйилган ҳайкал эди. Шу монумент шаҳримизнинг яна бир номи улуғланишига сабаб бўлган десак, янглишмасмиз. Тошкент — дўстлик шаҳри, дейилиши бежиз эмас. Хадраданми, Цирк, Эски Жўваданми, Беруний, Шомаҳмудов кўчаларданми, Ўзбекистон шоҳ кўчасиданми, Бешёғоч майдони, Миллий боғ тарафданми, Чорсу, Самарқанд дарбозаданми қарасангиз унга кўзингиз тушади. Ўн йилдан бери шаҳримиз кўрки, дўстлик, иноқлик, аҳиллик, болажонлик, меҳр-оқибат тимсоли бўлиб турибди. Мен эса ҳар гал шу ҳайкал зиёратига борганимда раҳматли Адажоним билан Шароф Рашидов ўрталаридаги аллақандай бир яқинлик, фикрдошлик, маслакгўйликни ҳис этгандай бўламан. Бу ҳайкал назаримда, ога-иниларнинг етимпарвар инсонлар — Баҳри ая Акрамова ва Шоаҳмад ака Шомаҳмудовларга ўхшаш етимпарвар онналарга таъзими бажосидек кўринибкетади кўзимга.

Умида ФАЙЗИЕВА

Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги олдидан



Лондондаги Британия Музейида 7702 рақами билан сақланаётган Улуғбек «Зиж»-ининг форс тилидаги қўлёзмасидан бир саҳифа. (Э. Б. Нобел китобининг 12-саҳифасидан олинди.)

ЖАҲОН АСТРОНОМИЯ ФАНИНИНГ тараққиётига беҳисоб ҳисса қўшган буюк аллома, гениал математик Муҳаммад Тарағай Кўрагоний — Мирзо Улуғбек туғилган кунининг 600 йиллигини (1394—1994) кенг нишонлаш учун бутун дунё олимлари тайёргарлик олиб бормоқдалар. Мирзо Улуғбек қолдирган илмий мерос дунё миқёсида батафсил ўрганилган ва ҳануз ўрганилмоқда.

Улуғбекнинг номи ва илмий ишлари ўн еттинчи асрдаёқ бутун Осиё мамлакатларидан ўтиб, Европа мамлакатларига тарқалган эди. XVII асрга келиб Европанинг Туркистон маданияти ва фанига қизиқиши янада кучайди. Муҳаммад Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек асарлари таржима қилиниб, атрофлича ўрганилди ва Европа илмига татбиқ этила бошланди.

Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» рисоласи Европа илм аҳлини ҳайратда қолдирди ҳамда қайта-қайта лотин, юнон, инглиз, француз, италян, немис ва бошқа Европа тилларига таржима қилиниб, чоп этилди. Улуғбек ижодига оид тадқиқотлар майдонга келди.

Тарихдан маълумки, XV асрнинг 70-йилларида (1470) Улуғбекнинг машҳур шогирди Али Қушчи Туркистондан чиқиб кетади ва Туркияда истиқомат қила бошлайди. Али Қушчи ўзи билан бирга устозининг асарларини, нодир қўлёзмаларини ҳам олиб кетганди. Али Қушчи Улуғбекнинг қаламига мансуб «Зижи Кўрагоний»нинг Европа мамлакатларида тарқалишига ўз улушини қўшди.

Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» номи билан машҳур бўлган, бир мингдан ортиқ юлдуз тадқиқ этилган асари Англиянинг Оксфорд шаҳрида астрономия олими Жон Гривс томонидан биринчи бор ўрганилди. Инглиз олими 1648 йили Улуғбек асаридаги 98 юлдуз ҳақидаги фикрларини алоҳида нашр этган. Шу 1648 йилнинг ўзида Жон Гривс яна «Зиж»даги ҳамда Насриддин Тусий асаридаги географик жадвалларни ҳам таржима қилиб, босмадан чиқаради.

Жон Гривс 1648 йили инглиз олими Ж. Бейнбрижнинг (1582—1643) астрономияга оид «Каникулариа» номли рисоласига Улуғбекнинг «Зиж»идан олинган 98 юлдуз тавсифини илова қилган ҳолда нашр эттиргани ҳам маълум.

1650 йили Ж. Гривс «Зиж»нинг хронологияга оид қисмини форс тилидаги нусхаси ва лотинча таржимаси билан чоп этган. Мазкур нашрнинг бир бетида форс тилидаги нусха, иккинчи бетида унинг лотинча таржимаси келтирилган.

Умрининг асосий қисмини Шарқ ҳайъат илмини ўрганишга бағишлаган Жон Гривс вафотидан сал аввал (1602 йили туғилиб, 1652 йили оламдан ўтган), 1652 йили Насриддин Тусий ва Улуғбек рисолаларидаги географик жадвалларнинг лотинча иккинчи нашрини чиқаришга улгуради.

Қисқа вақт ичида Улуғбек рисоласининг Англияда қайта-қайта нашр этилиши Европа мамлакатларида унга бўлган талаб ниҳоят даражада катта бўлганлигини исботлайди. Бу ҳол Улуғбекнинг Англиядаги Оксфорд расадхонаси олимларига билвосита таъсирини кўрсатувчи бир далилдир.

Агар ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида илмий асарларни араб тилида ёзиш одат тусига кирган бўлса, Европа мамлакатларида XVII—XVIII асрларда илмий асарлар кўпинча лотин тилида яратилар эди. Шу сабабли бу даврларда чоп этилган Улуғбек асарлари ҳам дастлаб лотинчага таржима қилинган.

Улуғбекшунос олим Э. Б. Нобелнинг ёзишига кўра ҳамда 1737 йили нашр этилган «Жаноб Жон Гривснинг ҳар хил асарлари» (Лондон) китобида кўрсатилишига қараганда, Жон Гривс вафотидан аввал «Зиж»нинг бешта қўлёзмаси асосида унинг мукаммал нашрини босмага тайёрлаган ва архиепископ Ушер қўлига топширган. Бироқ бу нашр номаълум сабабларга кўра ўқувчилар қўлига етиб бормаган. Шундай қилиб, Улуғбек «Зиж»ининг мукаммал таржимасини амалга ошириш Жон Гривсга насиб этмай қолди. Бу ишни бошқа бир инглиз олими Томас Ҳайд (1636—1703) бажаришга муваффақ бўлди.

Томас Ҳайд 1665 йили Улуғбек асарини лотин тилига таржима қилиб, бир минг ўн саккиз юлдуз жадваллари билан чиқарди. Мазкур жадваллар форс ва лотин тилларида берилган.

Қизиғи шундаки, Ғарб мутахассисларининг аниқлашларига қараганда, Томас Ҳайд «Зиж» нашрини мустақил равишда, ҳамюрти Жон Гривсдан, унинг ишларидан бехабар амалга оширган.

1767 ва 1843 йиллари Томас Ҳайднинг бу нашри қайта чоп этилган.

Полшалик таниқли астроном олим Йоханнес Ҳевелиус (ўрис илмида бу олим Ян Гевелий деб юритилади) Улуғбек ижодининг Европада кенг тарқалишига катта ҳисса қўшган.

Йоханнес Ҳевелиус (1611—1687) қандай олим эканлигини унинг ҳаётига оид биргина воқеадан билиш мумкин. 1666 йили Парижда ўша давр Европа қитъаси учун энг катта ҳисобланган обсерватория қурилиб, Й. Ҳевелиус унга директорлик қилиш учун таклиф этилган. Лекин полшалик олим бу таклифни рад қилади, ўз она юртини Парижга алмашмайди. Бунинг ўрнига у туғилган шаҳри Гданскда обсерватория қуриб, ўша обсерваторияда ўзининг асосий асари «Астрономия даракчиси»ни («Продромус астрономиае») яратади. Й. Ҳевелиус Европа олимлари ичида биринчи бўлиб мана шу «Астрономия даракчиси» рисоласига Улуғбекнинг «Зиж»ини киритиб, нашрга тайёрлайди. Полшалик олим тайёрлаган бу асар унинг вафотидан уч йил сўнг 1690 йили хотини Элжбета томонидан чоп эттирилади. Й. Ҳевелиус ўзининг бу асарида Улуғбек «Зиж»идаги юлдузлар жадвалларини Птолемей, Т. Браҳе, Г. Риччиоли, Вилгелм IV ва ўзининг ишларига қиёслаб берган.

Й. Ҳевелиус ишининг яна бир ўзига хос томони, ноёб жиҳати шундан иборатки, бу нашрга Улуғбекнинг европалик номаълум рассомлар чизган икки хаёлий расми илова қилинган. XVII асрда яратилган бу икки гравюранинг бирида Улуғбек олти машҳур астроном ўртасида тасвирланган. Бу расмда Улуғбек юнонистонлик Птолемей, даниялик Тихо Браҳе, италиялик Риччиоли ўртасида тасвирланган. Иккинчи расмда эса, Улуғбек астрономия тарихида машҳур бўлган ўн олим қаторида турибди; полшалик олим Й. Ҳевелиус эса ўз илмий асарини дунёга донғи кетган, ўзига устоз деб билган мана шу ўн олим ҳукмига олиб келгани акс эттирилган.

Й. Ҳевелиус китобидаги бу расмларнинг Улуғбекка ўхшаш-ўхшамаслигидан қатъи назар, бу расмларнинг ўрта асрларда Европада яратилиши ўзбек алломасига берилган ҳақиқий баҳо эди.

Буюк Алишер Навоий Улуғбекнинг улуғлигини улуғлаб шундай ёзганди:

Билиб ул навъ илми осмони
Кн андин ёзди «Зижи Кўрагоний».
Қиёматга дегинча аҳли айём,
Ёзарлар онинг аҳкомидин аҳком.

Улуғбек асарларининг кейинги асрларда ҳам кенг тарқалиши, кўплаб бошқа тилларга таржима қилиниши Алишер Навоий башоратининг нақадар тўғри эканлигини исботлайди.

1807 йили Д. Александриу «Зиж»ни грек тилига таржима қилиб, нашр этди. Бу асар яна ота-ўғил Седийо (бу исмнинг ёзилиши— Седиллот, ўқилиши — Седийо) томонидан форс ва француз тилларида Парижда 1839 йили кириш қисми, 1847 йили биринчи томи (мати), 1853 йили эса, иккинчи томи — таржимаси эълон қилинди.

Сўнгги асрларда чет мамлакатларда Улуғбекнинг илмий мероси хусусида Г. Шарп (Оксфорд, 1767), М. Бейли (Париж, 1787), Франсис Бейли (Лондон, 1843), М. де Лаплас (Париж, 1865) ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотлари майдонга келди.

Барча хорижий тадқиқотчилар Улуғбек расадхонасида амалга оширилган илмий тадқиқотларга, «Зижи Кўргоний»га жуда юксак баҳо беришган, Улуғбек ҳисобларининг нақадар аниқлигидан ҳайратланишган. Астроном Ф. Бокует ўзининг француз тилида чиққан «Астрономия тарихи» китобида (Париж, 1925, 230-бет) «Юлдузларнинг фундаментал каталогини Гиппархдан сўнг фақат Улуғбек тузишга эришди. Унинг каталоги кўпроқ қимматга эгадир, чунки у Самарқанд расадхонасидан туриб аниқланган юлдузлардан ташкил топган. Бу каталог ўн олти аср давомида яратилган иккинчи салмоқли каталогдир. XV асргача фақат икки астроном — Гиппарх ва Улуғбек юлдузлар каталогининг аҳамиятини тушуниб етганлар», деб ёзганди.

Бошқа бир француз олими Г. Бигурдан «Астрономия» китобида Улуғбек асарига қуйидагича баҳо берган: «Бу иш чиндан ҳам оригиналдир. Шу вақтгача бажарилган ишларнинг кўп қисми, ҳеч бўлмаганда юлдузлар координати Птолемей ишларидан олинган бўлар эди» (Париж, 1911, 313-бет). Таниқли астроном М. де Лаплас Улуғбекни «Энг улуғ кузатувчи», деб атаб, ёзганди: «Унинг ўзи Самарқандда юлдузларнинг янги каталогини тузди ва астрономик таблицалар яратдики, булар яратилган ишларнинг энг яхшиси эди» (Париж, 1865, 69-бет).

«Зиж»нинг Америка нашри

1917 ЙИЛИ БОЛШАВОЙЛАР Улуғбек ватанида қизил террорни тадбиқ этаётганларида, Америкада улуғ ўзбек олимининг «Зижи Кўрагоний» асари инглиз тилига таржима қилиниб, тўла ҳолда изоҳлар билан кенг илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этилаётган эди.

1917 йили машҳур олим Эдвард Болл Нобелнинг «Улуғбекнинг юлдузлар каталоги» китоби Вашингтондаги Карнеги илмий-тадқиқот институти томонидан Гибсон Браузерз нашриётида нашр қилинди. Э. Б. Нобел Буюк Британия Қирол астрономия жамиятининг собиқ президенти бўлиб, Америка улуғбекшунослик фанига асос солган олим ҳисобланади.

Э. Б. Нобелнинг мазкур китоби унинг асосини ташкил этувчи Улуғбекнинг юлдузлар жадвалидан ташқари яна сўзбоши, тарихий изоҳлар, қўлёзмалар рўйхати ҳамда «Зиж»да қўлланилган атамалар сўзлигидан иборат.

Бу қўлёзмаларни синчиклаб тадқиқ этган Нобел жаҳон музей ва кутубхоналарида сақланаётган «Зиж»нинг 25 қўлёзмасини қиёсий ўрганиб чиққан. Э. Б. Нобел ўрганган «Зиж» қўлёзмаларининг олтитаси Британия Музейида, учтаси Париж Миллий Кутубхонасида, еттитаси Бодлеан кутубхонасида, иккитаси Сейнт Жонз Коллеж кутубхонасида, биттадан Буюк Британия Қирол астрономия жамияти ва Кровфорд китобликларида ҳамда бештаси «Ҳинд идораси» («Индиа Оффис») номи билан машҳур ташкилот кутубхонасида сақланмоқда. Мазкур қўлёзмаларнинг 22таси форс тилида, учтаси эса араб тилида яратилган.

Бу қўлёзмаларни синчиклаб тадқиқ этган Э. Б. Нобел «Зиж» хусусидаги мавжуд бир қанча тортишувли масалаларга жавоб топган.

Улуғбек «Зиж»ни қайси тилда ёзган? Бу масалага Э. Б. Нобелгача Улуғбек рисоласини ўрганган олимлар турлича жавоб берганлар.

Амир Темурга бағишлаб жаҳон олимлари томонидан ёзилган жуда кўп ишларда ўша даврда иш юритиш туркийда олиб борилганлиги, Амир Темурнинг ўзлари ҳам фармонларини туркийда берганликлари баён қилинган. Шу сабабли улуғбекшунос олимлар Амир Темурнинг набираси ҳам асарини ўз она тилида ёзган бўлиши мантиқан тўғри деб ҳисоблайдилар. Бироқ шу кунларгача «Зиж»нинг туркий қўлёзмаси топилмаганлиги айрим олимларнинг бошқа тахминларни олға суришларига сабаб бўлмоқда.

Э. Б. Нобелнинг қатъий таъкидига кўра, «Улуғбек туркийгўй эди» (шу китоб, 5-бет).

Машҳур тадқиқотчи Эрбело «Асар араб тилида ёзилиб, Маҳмуд бин Муҳаммад (тахаллуси Мирам) томонидан 904 ҳижрий — 1498 мелодий йили форс тилига таржима қилиниб, Султон Бойозит Иккига (1447—1512) бағишланган бўлган» деган хулоса чиқарган (Э. Б. Нобелнинг мазкур китоби, 5-бет). Яна Эрбело бу асарни Али Қушчи ҳам форс тилига таржима қилганлигини таъкидлаб ўтади.

Бу муаммо хусусида француз олимлари — ота-ўғил Седийолар ҳам тадқиқотлар олиб бориб, бошқа бир тахминни олға суришган: Улуғбек ўз асарини аввал форсийда ёзган, сўнг у арабчага таржима қилинган.

Седийолар «Зиж»нинг Париждаги «Миллий Кутубхона»да («Библиотек Насионал») сақланаётган араб тилидаги қадимги тўрт қўлёзмасини ўрганиб, шу хулосага келишган.

Парижданги «Миллий Кутубхона»да сақланаётган ҳар тўрт қўлёзма араб тилида, лекин юлдузлар жадвали (каталоги) форсийда. Шундан хулоса чиқарган олимлар «Жадвалдаги юлдузлар атамаларининг таржимаси қийин бўлганлиги сабабли улар араб тилидаги нусхаларда таржима қилинмасдан аслича сақланган» деган фикрни билдиришган.

Бодлеан кутубхонасида Кларк 18 ва Марш 578 рақамлари билан сақланаётган «Зиж» қўлёзмалари араб тилида. Кларк 18 рақамли қўлёзма Улуғбек асарининг энг қадимги қўлёзмаларидан бири бўлиб, қўлёзмада қайд этилишича, у Иаҳйо бин ал-Замаий томонидан мелодий 1450 йили ҳаёт бўлган Шамсиддин бин Абулфатҳ ас-Сўфий кўрсатмаси билан форс тилидан араб тилига таржима қилинган.

Улуғбекнинг бу асари дастлаб қандай номланган деган саволга Э. Б. Нобел ўз китобида қуйидагича жавоб беради: бу асар турли қўлёзмаларда турлича номланган, жумладан, «Зижи Улуғбек», «Зижи Султон Кўрагоний», «Зижи жадиди Султоний», «Зижи жадиди Кўрагоний». Э. Б. Нобелнинг ўзи бу асарни «Зижи Улуғбек» деб номлашга мойил эканлигини билдиради.

Э. Б. Нобел бошқа тадқиқотчилар каби, Улуғбек «Зиж»ида бир минг ўн саккиз юлдуз жадвали берилганлигини таъкидласа ҳам, айрим қўлёзмаларда юлдузлар сони 1022-та кўрсатилганлигини эслатиб ўтади.

Э. Б. Нобелнинг фикрича, Птолемейдан то XV асрнинг ўртасигача ҳеч бир олим шахсан ўзи кузатувларига асосланиб, юлдузлар жадвалини тузмаган эди. Улуғбек 17 йил давомида юлдузлар кузатувини олиб борган ва 1437 йили Самарқанд расадхонасида олиб борган кузатувлари натижаси бўлган юлдузлар жадвалини тузиб, илм аҳли ҳукмига тақдим қилган.

Мирзо Улуғбек бин Шоҳрух бин Темур Кўрагон астрономларнинг энг машҳури эди, деб ёзади Э. Б. Нобел. У ўз кузатувларини Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Жамшид билан олиб борди. Бироқ Қозизода Румий иш тугалланишига яқин, Ғиёсиддин Жамшид эса ишнинг бошланғич даврида дунёдан ўтганлар. Улуғбек ўз кузатувларини шогирди, «севимли ўғлим» деб атаган Али Қушчи билан бирга якунлаган. Бу муаллифнинг кўрсатишича, яна бир астроном ҳам Улуғбек атрофида бўлган. Унинг исм-шарифи Муиниддин деб кўрсатилган. Бу олим ҳақида бундан бошқа маълумот берилмаган.

Э. Б. Нобел Улуғбек «Зиж»идаги тўрт бўлимдан иборат кириш қисмини илмий изоҳлар билан синчиклаб тадқиқ этган ҳамда 1018 юлдуз изоҳланган жадвалларни барча атамаларигача, инглиз тилидаги муқобилларини топиб, таржима қилган. Э. Б. Нобел китобининг охирида «Зиж»да қўлланилган атамалар сўзлиги илова қилинган. Бу ишни дастлаб улуғбекшунос олим Питерс бажарган эди. Мана шу Питерс тузган сўзлик илова сифатида Э. Б. Нобел китобидан жой олган.

Аср бошида нашр этилган Э. Б. Нобелнинг «Улуғбекнинг юлдузлар каталоги» китоби Америка Қўшма Штатларида Улуғбек меросини ўрганиш учун асос бўлди.

Э. Б. Нобел китоби эълон қилингандан сўнг Улуғбек «Зиж»ига АҚШда қизиқиш кучайди, америкалик олимларнинг бу асарга ва Самарқанд астрономия мактаби тарихига оид кўплаб тадқиқотлари майдонга келди.

АҚШнинг Ҳавай (Гавай) штатига жойлашган Қўшма Астрономия Марказининг ходими профессор Кевин Криссиунас бу соҳада энг кўп иш қилаётган олимлардан биридир.

Профессор К. Криссиунас ўзининг «Дунё астрономия марказлари» катта тадқиқотида (Кэмбриж университети нашриёти, Кэмбриж, 1988) ҳамда «Улуғбек мероси» номли илмий ишида («Ўрта Осиё Тадқиқотлари Жамияти Бюллетени», Ҳарвард университети, 1992, 5-жилд, 1-сон) Улуғбек расадхонаси ва «Зиж» хусусида фикрларини баён қилган.

К. Криссиунас «Улуғбек мероси» ишида хусусан шуларни ёзади: «Жуда кам олимлар Улуғбекни султон сифатида биладилар. Улуғбек асрлар бўйи расадхонага асос солувчи, олимлар ҳимоячиси ва буюк астроном сифатида ёдда сақланади. У энг буюк астроном эди. У биринчи бўлиб доимо ишлайдиган расадхона асбоб-ускуналарини яратди. У тузган 1018 юлдузлар жадвали Клаудиус Птолемей давридан (мелодий 170 йил) то Тихо Браҳе давригача (мелодий 1600 йил) яратилган ягона муҳим жадвал эди. Унинг илмдаги ғоялари ҳайратомуз даражада замонавийдир... Энг қизиқ томони шундаки, Улуғбек расадхонасидаги секстантнинг радиуси 40 метр эди; бу эса Калифорниянинг Паломар тоғига ўрнатилган рефлектор қуббаси баландлигига тенг келади... 1420—1430 йиллари Самарқанд дунё астрономия илмининг пойтахти эди. Шунинг учун ҳам у бебаҳодир».

Улуғбекшунос Ойдин Сойилий

УЛУҒБЕК МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ бўйича Туркия олимлари анчагина диққатга сазовор ишлар қилганлар.

Али Қушчи 1470 йилдан Туркияда яшаб, шу мамлакатда «Зиж»ни кенг илм аҳли ҳукмига ҳавола қилганлигининг ўзи бир тарих. (У 1474 йили, Улуғбекдан 25 йил кейин шу ерда вафот этган.) Сўнгги йилларда турк олимлари Улуғбек ва унинг муҳитини тадқиқ қилиб, бир қанча фундаментал илмий асарлар яратдилар. Булар ичида Анқара университети Тил ва тарих-жуғрофия факултетининг илм тарихи кафедраси профессори Ойдин Сойилийнинг ишлари айниқса диққатга сазовордир.

Профессар Ойдин Сойилий Турк Тарих Қуруми (жамияти) томонидан нашр этилган «Ислом дунёсида расадхона» номли катта асарида (инглиз тилида, Анқара, 1960) Самарқанд расадхонаси тарихи, Улуғбек меросини алоҳида ўрганган.

Ойдин Сойилийнинг хулосаларига кўра, XV аср Ислом дунёсининг шимоли-шарқий қисмида, айниқса Туркистонда санъат, илм-фан гуллаган бир давр эди. Илмнинг ривожи Амир Темур ва унинг ворислари томонидан тараққий эттирилган эди. Улар илм аҳлини рағбатлантирар ва кўплаб мадрасалар қурдирар эдилар. Темур ҳукмронлиги даврида Самарқанд Ислом дунёсининг энг муҳим маданий марказига айлантирилди. Бу эса Ислом дунёси санъатининг Ренессанси (Уйғониш) даври эди. Темурнинг набираси Муҳаммад Тарағай Улуғбек даврида Самарқандда илмий фаолият фан энг юқори поғонага кўтарилганди (ўша китоб, 260-бет).

Турк олимининг ёзишича, «Улуғбекнинг математика ва астрономияга қизиқиши кучли бўлган. Улуғбек аниқ фанларнинг миллий чегараси бўлмайди, аниқ фанлар хилма-хил тилларда сўзлашувчи ва турфа динларга ишонувчи инсонлар учун ягонадир, деган ақидага амал қиларди» (261-бет).

О. Сойилий Улуғбекнинг феъл-атвори хусусида қизиқ мисолларни келтиради. Улуғбек ҳатто ўз табиатига мос тушмаган кишиларга ҳам юмшоқ, инсоний муносабатда бўлган. Унинг ёзишича, Самарқанд расадхонасини қуришда Улуғбек билан бирга иш бошлаган ва кўп ўтмай оламдан ўтган Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший ҳушфеъл бўлмаган, табиати оғир бўлган. Улуғбек Ал-Кошийнинг илмини ҳурмат қилгани сабабли унга доим яхши муносабатда бўлган (261-бет).

«Илмий масалаларда, — деб ёзади О. Сойилий, — Улуғбек ҳеч вақт келишувчан бўлмаган. Фақат бировга ёқиш мақсадида Улуғбек илмий баҳсларда ўз фикридан қайтмаган ҳамда бировга ёқиш мақсадида ўз фикрларидан қайтувчиларни ёқтирмаган» (263-бет).

Ойдин Сойилий бу китобни ёзишда жуда кўп тилларда босилиб чиққан асарларни, шу жумладан, ўрис тилидаги В. Бартолд асарларини ҳам синчиклаб ўрганган. Натижада Улуғбек тўғрисида баён қилинган айрим хато фикрларни далиллар билан рад этган. О. Сойилийнинг кўрсатишига қараганда, В. Бартолд Улуғбекни кўпроқ илм ҳомийси сифатида тасвирлаб, унинг улуғ олим эканлигини иккинчи ўринга қўяди. Бу эса ҳақиқатга тўғри келмайди.

О. Сойилий Улуғбекнинг биринчи навбатда буюк олим эканлигини исботлаб, ўз фикрларини қувватлаш учун 1420—1421 йиллари Самарқанд расадхонасининг қурилишини бошлашда қатнашган Ал-Кошийнинг ўз отасига ёзган хатини келтиради:

«Ислом оламининг султони, етти иқлим ҳукмдори (яъни Улуғбек — **Х. И.**) олим инсондир... Тангри гувоҳ, мен бу гапларни илтифот юзасидан битаётганим йўқдир. Жаноби олийлари (яъни Улуғбек — **Х. И.**) ҳисоб фанининг барча соҳалари бўйича чуқур илмга эгалар. Бу соҳада у кишининг илмлари шу даражага етдики, бир куни от чоптираётиб, 818 (ҳижрий) йили ражаб ойининг ўн-ўн беШинчи кунларига тўғри келувчи душанба қуёш йилининг қайси вақтига тўғри келишини билмоқчи бўлдилар. От чоптираётиб, аҳлан (ёдда) ўша куннинг узунлигини минутигача ҳисоблаб чиқдилар» (О. Сойилий китоби, 262-бет).

Улуғбек расадхонада уюштириладиган барча норасмий илмий йиғилишлар, мусоҳаба-ларда ҳам қатнашган ва унинг салобати илмий баҳсларни, тортишувларни сусайтирмаган. Бундан ташқари, Ойдин Сойилийнинг эслатишича кўра, Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида катта илмий анжуманлар уюштирилиб турилган. Улуғбекнинг ўзи ҳам бундай анжуманларда илмий маърузалар қилган, баҳсларда қатнашган ва дарс ҳам берган.

FARSÇA METİN

(PERSIAN TEXT)

صورت کتابتی که مرحوم غیاث الدین کاشی

از سمرقند بخدمت والد مرحوم نوشته

اشتیاق والتیاع بشرف دستبوس خداوندی تا حدیست که معنی «لو کان البحر مدادا لکلمات ربی لنفد البحر قبل ان تنفد کلمات ربی» واردست. حق سبحانه وتعالی لطیفه که متضمن ادراك آن سعادت باشد کرامت کناد، بمنه وجوده.

این عبودیت سابع ذی قعدة الحرام شرف اصدار یافت. والحمدلله[1] علی جزیل آلائه.

بعد ما[15]، نصیحتی که فرموده بودند مبنی برانکه چون بشغل رصد مبارك مشغول است بفن دیگر مشغول نشود، بتخصیص عروض وامثال آن، چه بقدر اشتغال ثباق[15] از اول قاصر آید ونیز مردم حل مقدار معرفت آن بر مقدار معرفت آنچه مجددا بآن | مشغول شده کنند، 310 a / 310 b
این نصیحت در عین[16] صوابست، ور حسب فرموده مطیع ومنقاد است.

اما حل کردن مردم را جوانی هست. پیشتر[16] مطول مصحوب تاجران قم ارسال رفته بود وثانیا[16] در قلم می‌آورد تا شاید از هر دو یکی بشرف مطالعه همایون رسد.

1 والحمد الله

15a بعدها — 15b مبانی (ثبق) — 16a نصیحت عین
16b پیشتر — 16c بود، ثانیا

Ғиёсиддин ал-Кошийнинг хати. Биринчи саҳифа. (О. Сойилий китобидан олинди.)

Самарқанд мадрасаси расадхона яратилишида муҳим аҳамиятга молик бўлган.

Турк олими Ойдин Сойилий яна «Зиж»нинг ёзиб тугалланган йили, расадхонада қўлланилган асбоб ва жиҳозлар ҳақида ҳам батафсил фикр юритади.

О. Сойилийнинг иккинчи китоби «Улуғбек ва унинг Самарқанддаги илмий фаолияти ҳақида Ғиёсиддин ал-Кошийнинг мактуби» ҳам Турк Тарих Қуруми томонидан нашр этилган (турк ва инглиз тилларида, Анқара, 1960).

О. Сойилий бу китобида Самарқанд расадхонаси қурилишининг бошланиш даврида қатнашган (1420—1421) Ғиёсиддин ал-Кошийнинг отасига ёзган хатининг асл матнини, унинг инглизча ва туркча таржималарини беради ҳамда хатни таҳлил қилади.

Ал-Кошийнинг мазкур хати XУ асрнинг иккинчи ўн йиллигидаги Самарқанд илмий муҳитини тушунишга ёрдам беради.

Ғиёсиддин ал-Кошийнинг отасига ёзган хати асли форс тилида бўлиб, уни О. Сойилий Теҳрондаги Сипоҳсолор масжиди кутубхонасидан топган.

Ал-Кошийнинг бу хати тўғрисида яна профессор Э. С. Кеннеди (қаранг: «Ориенталиа» журнали, 29-жилд, 1960, 191—213-бетлар), М. М. Таботабоий (фақат форсча матнини эълон қилган: «Омузиш ва Парвариш» журнали, 1319 ҳижрий йили, 3-сон, 1—16, 57—62-бетлар) ва Муъатамид ад-Давла («Занбил» журнали, О. Сойилий китоби, 33-бет) ҳам ўз фикрларини билдирганлар.

Ал-Коший хатининг биз учун жуда муҳим аҳамияти шундан иборатки, унда Улуғбек фаолияти ўз аксини топган. Ал-Коший Улуғбекнинг яқин сафдоши бўлганлиги учун ҳам бу хатдаги фикрлар тарихимизни тўғри ёритиш учун аҳамиятлидир.

ЙИГИРМАНЧИ АСРГА КЕЛИБ, улуғ астроном образини тарихий ва бадиий асарларда тасвирлаш кенг тус олаяпти. Улуғбек ҳақида шеър, ҳикоя, достон, қисса, роман, драматик асарлар майдонга келмоқда. Чет мамлакатларда Улуғбек ҳақида бадиий асар яратишга ҳаракат қилганларнинг бири инглиз олимаси, тарихчиси Ҳилда хоним Ҳукхем.

Бир неча йил давомида Улуғбек ҳақида роман ёзишга тайёргарлик олиб борган Ҳ. Ҳукхем аввал бир неча ишлар эълон қилди. Шулардан бири «Самарқандлик астроном» асаридир. Унда Ҳ. Ҳукхем ёзади: «Бундан беш аср муқаддам самарқандлик султон пойтахти атрофига қурилган расадхонасида ўзга сайёраларни ўрганаётган, юлдузлар жойлашишини ҳисоблаётганди. Улуғбекнинг юлдузлар жадвалидан уч аср кейингина янги Гринвич обсерваториясида биринчи инглиз сарой астрономи Жон Фламстед ундан фойдалана олди... Улуғбек расадхонаси Ғарб дунёсида ҳам обсерватория пайдо бўлишида кўприк вазифасини ўтади» («Ҳистори тудей» журнали, Лондон, 1970, 3-сон, 209-бет).

Ҳ. Ҳукхем бу ишини шундай хулосалайди: «Бухорода қурдирган мадрасасига «Талабул илми фаризатун ало кулли муслимин ва муслимотин» — «Илм олиш ҳар бир мусулмон йигит ва қизнинг бурчидир» деб ёзилган. Бу Уйғониш даври — Ренессанс маданияти, маърифати тараққиётининг белгисидир».

Америка ёзувчиси Леонард Бэконнинг (тахаллуси — Аутоликус) Нею Йоркдаги «Алфред ва Кнофф» нашриётида чоп этилган «Улуғбек» шеърий драмаси асли «эпик достон» деб номланган. Бироқ бу асарда Улуғбекдан бошқа образлар тўқима бўлиб, асосий воқеалар ёзувчи тасаввурининг мевасидир.

Турли асрларда, турли мамлакатларда турфа тилларга таржима қилиниб, чоп этилган, кенг тадқиқ ва тадбиқ этилган буюк ўзбек ҳайъат олимининг мероси билан танишар эканмиз, гўё бутун дунё олиму фозиллари ушбу байтни баланд пардаларда, баланд овозда баралла айтаётгандек туюлади:

Осмон илми туғилган илк бор
Кўрагоний жадвалларида.

Нею Йорк — Блумингтон
1992 йил, май — октябр

ULUG BEG

AN EPIC POEM, COMIC IN INTENTION, IN VII CANTOS

Being the History of the Origin, Progress, and Explosion of a Superstition.

by AUTOLYCUS

A Snapper-up of Unconsidered Trifles

Leonard Bacon

"When a saint
Was taken up by angels in their pride,
Saying, 'Behold the harvest that we reap
From popular government and equality,'
I clearly saw that neither these nor aught
Of wild belief engraffed on their names
By false philosophy had caused the wave,
But a terrific reservoir of guilt
And ignorance filled up from age to age.
Wordsworth, The Prelude.

La bêtise de un homme est un vaste empireux qu'il a mis, un ne sait pourquoi, autre ses frontières et lui.
Madame de Staël, De L'Allemagne.

Nay, I have vows, sir, I thank Biron.
Shakespeare, Love's Labor Lost.

Olivia: *Are you a comedian?*
Viola: *No, my profound heart: And yet by the very fangs of malice I swear, I am not that I play.*
Shakespeare, Twelfth Night.

Great was the company of those that published it.
Psalm LXVIII.

NEW YORK ALFRED·A·KNOPF MCMXXV

Леонард Бэкон — Аутоликус қаламига мансуб «Улуғбек» шеърий драмаси.

ОСМОН ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ

ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРДА УЛУҒБЕК МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИҲИДАН

Ўзбеклар ва дунё

ULUGH BEG'S

CATALOGUE OF STARS

Revised from all Persian Manuscripts Existing in Great Britain, with a Vocabulary of Persian and Arabic Words

BY

EDWARD BALL KNOBEL

Treasurer and Past President of the Royal Astronomical Society

THE CARNEGIE INSTITUTION OF WASHINGTON
WASHINGTON, 1917

Эдвард Болл Нобелнинг «Улуғбекнинг юлдузлар жадвали» китобининг биринчи саҳифаси.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИНИНГ МУҚОБИЛ ВАРИАНТЛАРИ

Бугун эълон қилинаётган Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг бу уч варианти халқ депутатлари ва кенг жамоатчиликнинг эътиборига тақдим этилмоқда. Олий Кенгаш сессияси арафасида депутатлар ва жамоатчилик томонидан билдириладиган таклифлар, Олий Кенгашда бўлажак фикр-мулоҳазалар мустақил Ўзбекистонимизга муносиб Давлат мадҳиясини яратиш ишига ёрдам бериши шубҳасиздир. Келтирилган вариантларга нисбатан муносабатингизни ёзма равишда Олий Кенгашнинг Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият қўмитасига юборишингизни ёки 39-86-08, 39-87-22 телефонлари орқали билдиришингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият қўмитаси ва Ўзбекистон Давлат мадҳиясини тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳи.

1

Бахтиёр АЛИЕВ мусиқаси



Абдулла ОРИПОВ сўзи



Минг йиллар қаъридан келар карвонинг,
Ҳақ йўлга бошлайди одил иймонинг.
Жаҳонда ягона Ўзбекистонсан,
Маърифат, истеъдод бўлгай сарбонинг.

Оқар дарёларинг ҳайқириб оқсин,
Қуёшдек порлаган бахт кулиб боқсин.
Дўстга дўст, бағри кенг яшнаган диёр,
Сенга ҳам то абад тангри бўлсин ёр!

Ватанга посбондир фарзандлар ҳушёр,
Истиқлол сен учун мангу барқарор.
Инон ўз кучингга, Ўзбекистоним,
Қудратли аждодлар руҳи сенга ёр!

Оқар дарёларинг ҳайқириб оқсин,
Қуёшдек порлаган бахт кулиб боқсин.
Дўстга дўст, бағри кенг яшнаган диёр,
Сенга ҳам то абад тангри бўлсин ёр!

2

Рустам АБДУЛЛАЕВ мусиқаси



Мирпўлат МИРЗО сўзи



3

Мутал БУРҲОНОВ мусиқаси



Абдулла ОРИПОВ сўзи



Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

НАҚОРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

НАҚОРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!



Уйғонар чўққилар устида офтоб,
Ям-яшил водийга сочиб олтин нур.
Ўзбеклар юрти бу — навқирон, озод,
Заминда музаффар ўлкасан, мағрур!

НАҚОРАТ:

Қўлларни қўлларга
Озод Ватан учун берайлик!
Эллардан элларга
Ҳур диёр шуҳратин тарайлик!

Сўнмас руҳимизда матонат асло,
Туркистон наслимиз, меросдир бардош,
Азалдан қалбларда ўчмаган зиё,
Барҳаёт сиймолар сенга бўлди бош.

НАҚОРАТ:

Бизни тангри қўллар, дунёлар чорлар,
Тарк этмас истиқлол энди умрбод.
Қалбларда ҳаётга муҳаббат порлар,
Муқаддас тупроқни этурмиз обод.

НАҚОРАТ:

ШОИР СОҒИНИБ ЯШАЙДИ

Комил Авазнинг бундан анча йиллар олдин «Шашмақом» шеърлар тўплами ва бир қанча ҳикоялари нашр қилинганда кўпчилик адабиёт оламига яна бир истеъдодли ижодкор кириб келаётганлигидан қувонган эди. Хоразмнинг шўх куйлари, Хеванинг қадим тарихи, Хоразмийлар, Беруний-лар, Огаҳийларнинг теран фикрлари ўнинг гўзал мисраларида бўй кўрсата бошлаганди. Лекин кўп ўтмай унинг шеърлари ҳам, насрий асарлари ҳам матбуот саҳифаларида кўринмай қолди. Билган у деди, билмаган бу. Аслида унинг сабаби бошқа эди...

Комил Аваз адабиётга дипломли шоир бўлиб кириб келгани йўқ. У бошқа соҳа бўйича таълим олган. Тошкент тўқимачилик институтини битирган, Хоразмдаги пахта заводларида ишчиликдан муҳандисликка бўлган лавозимларда ишлаган. Армия сафида хизмат қилиб қайтгач, лойиҳалаш инженери, пахта заводларининг директори, Хоразм пахта тайёрлаш трестининг бош муҳандиси, директори ўринбосари бўлиб меҳнат қилди. Ва ана ўша йиллари қилган хизматлари эвазига халқимиз бошига туҳмат бўлиб ёғилган, «пахта иши» деб аталган репрессиянинг азобларини ўз бошидан кечирди.

Даҳшатлар гирдобидан қайтган ижодкор қалбида ўша хотиралар акс садо берди. У бирин-кетин «Жаҳаннам», «Марварид таққан аёл», «Жобби жужакнинг ҳийласи» каби драматик асарларини яратди. Бу асарлар Хоразм вилоят Огаҳий номидаги музикали драма театрида саҳналаштирилди. Эндиликда унинг ўзи ҳам ана шу театрда директор бўлиб хизмат қилмоқда.

Унинг журналист Неъмат Солаев билан ҳамкорликда яратган «Хоразм ёшлиги» очерклар китоби ҳам нашр этилди. Яқинда эса «Хоразм» нашр-таҳририят бўлимида Комил Авазнинг «Соғинч» деб аталган ғазаллар тўплами босмадан чиқарилди. Шоир бу ғазаллари тўпламини бежиз шундай номламаган. У дўстликни, меҳр-муҳаббатни, қадр-қимматни ва бизни қунда, кунаро тобора тарк этаётган қадриятларни қўмсаб тилга олади. Уларни соғиниб яшайди. Уларнинг халқимиз қалбига тезроқ қайтишини истайди.

Биз кўп сонли муштарийлар номидан шоирни эллик ёшлик тўйи билан қутлар эканмиз, уни ҳамиша муборак кунлар, ажиб туйғулар соғинчи тарк этмасин, унинг бу соғинчлари ғазалларга айланаверсин, дея тилак билдирамиз.

Комил АВАЗ

УШАТИЛДИ НОН

Янги йил оқшоми безаб дастурхон,
Ўғил-қизларим баҳш этдилар чирой.
Кимдир шод эслади:
«Нон қўймабмиз, нон»
Ёпирай, қолмабди нон қўйишга жой.

Ялт этиб миямни шамширдай кесди,
Узоқ бир воқеа янги йил боғлиқ...
Ўртада дастурхон — ямоғли, эски,
Ҳамма-чун атиги бир кўмач ёғлиқ.

Ёш эдим, эсимда уйга яқинроқ
Даладан чўпладим мен ғўзапоя.
Бир гурлаб ёнсайди кул босган ўчоқ,
Ожиз онажоним суюнса шояд.

Қўлларим кўкарган, кўзларимда ёш,
Ўтинга тўлмайди кичик қучоғим.
Кулранг булутлардан кўринмас қуёш,
Аёздан жазиллар юзу қулоғим.

Яқинда тугаган уруш дудидан,
Тиниқиб кетмаган бош узра осмон,
Итлар ҳуркар эди йиртиқ гуппидан —
Устимиз афтода, емишга йўқ нон.

Қай бирин ёзайин юпун кунларни,
Янги йил оқшоми бўлмасди байрам.
Чироқнинг ёғи йўқ, совуқ тунларни
Кўрпага ўрардик кун ботиш билан.

Ўчоқ атрофида поя тутатиб,
Катталар йилларни олишар эсга.
Бирдан оғам айтди, кўп афсус этиб:
«Янги йил оқшомин кутмаймиз нега?».

Қулоғим остидан кетмас ҳозир ҳам,
Энамнинг дегани: «Несин кутамиз,
Қорнингни тўйғизсанг, шу ўзи байрам...»
Оғам дер: «Яхшилик нинг этамиз!».

Алқисса, қуйилди фонусгаям мой,
Ювилиб, артилди ойнадаги чанг.
Байрам боғисига унча тушунмай
Фақат биз болалар эдик ҳангу манг.

Қандайдир тараддуд бор-у, йўқ кулги,
Яхшилик кутдик биз янги йил боғлиқ.
Ўртада дастурхон — ямоғли, эски,
Ҳамма-чун атиги бир кўмач ёғлиқ...

Кенжатой қизимнинг хўп сўровидан
Сергакландим, ўйга кетибман бир он.
Дастурхон устида Дилноз тутар нон,
Қаерга қўйишни билмайди ҳамон.

Ўртада ноз-неъмат тўла дастурхон,
Ушатиб қўйилди серсут кулча нон.

ҲОЖИХОН БИЛАН

Кўзёшлар бўлиб дарё, кетдими Ҳожихон билан?
Гирёнга тўлиб дарё, кетдими Ҳожихон билан?

Соҳиби сирли созлар кўзин юмди бу оламдан,
Мулки сувора, аё кетдими Ҳожихон билан?

Сўл усул, «Талқини рост», ҳам баётлар беқиёс,
Тушдай бетакрор гўё, кетдими Ҳожихон билан?

Ҳайқириқли бежилов суворалардан айрилиқ,
Наҳотки бўлса рўё, кетдими Ҳожихон билан?

«Нигора поймолингни» эшитмоқ боисида
Чақирурмиз кимни, ё кетдими Ҳожихон билан?

Тўй-базмлар тўлдириб, гумбурловчи оҳанглар —
Дурмуши тилсим дунё, кетдими Ҳожихон билан?

Ҳа, дегин Комил Аваз, токи авлодлар учун,
Десалар, ўчмас зиё кетдими Ҳожихон билан?

СИЗНИ СЕВАМАН

Мен сизни севаман, жондан севаман,
Сиз менинг қалбимнинг биллур тонг чоғи,
Мен сизни севаман, жондан севаман,
Лутфингиздан қонмас дилим чанқоғи.

Қора сочларингиз ипакдай майин,
Жон олар қиймириб боқишларингиз,
Не офат чулғамиш, куймоғим тайин,
Бир кун кул қиларов ёқишларингиз.

Сизга ярашмайди тундлиқ сира ҳам,
Жилмайинг, ёйилсин юзингизга нур,
Менинг бахтим учун сизни яратган
Олло таолога минг қатла шукур.

Минг қатла шукурким, ой бор, қуёш бор
Оламда сиз борсиз, тилсим бир дунё,
Мен сизни севаман, бошқа не даркор
Шу олий ташвишим камми ўзи ё?

ҒАЗАЛНИНГ УМРИ

Сўнгра Эркин ақа Ҳазинийнинг «Фарғона тонг отқунча» ғазалига боғлаган мухаммасини ўқиб берди.

Ҳазинийнинг кенжа ўғли Сотволдихон эшон саҳнага чиқиб:

Сиз ани одам деманг, кўнглида ҳиммат бўлмаса,
Балки имони хатарлик, анда ғайрат бўлмаса, —

деб куйлаганда театрни тўлдириб ўтирган мухлислар қалби ларзага тушди. Не бахтки, улкан шоир ишининг давомчилари унинг хонадонида ҳам бор экан!

Юбилей кечасида адиб Йўлдош Сулаймон, Мовароуннаҳр диний идорасининг муфтийси Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Ҳазинийнинг жияни Валихон эшон, шоир Тўра Мирзо, «Наврўз» хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари Зокиржон Расулов, Фарғона давлат университетининг студенти Мухтасар Ҳожиматова ҳам Ҳазиний ижодининг адабиётимиз тарихида тутган ўрни ҳақида гапирдилар, устодга бағишлаб ёзган шеърларини ўқидилар.

Тантанали кечада машҳур хонанда Таваккал Қодиров, Олимжон қизиқ, жумҳурият радиосининг мақомчилар ансамбли, Фарғонадан келган бир гуруҳ созандаю хонандалар ўз санъатларини намойиш қилдилар.

Зиёвуддин Ҳазиний таваллуди 125 йиллигининг жумҳуриятимиз бўйлаб кенг нишонланишида фарғоналик ижодкорлар, вилоят ҳокимлиги катта ғайрат кўрсатдилар. Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосари Муҳаммадали Маҳмудов тантанали анжуманда сўзлар экан, бу савобли тадбирнинг ўтказилишида саъй-ҳаракат қилган барча жонкуярларга миннатдорлик билдирди. Яна, Фарғонада ўтган кўпдан-кўп етук шоирлар, олимлар, санъаткорларни халқимизга танитишда ҳамкорликка чақирди. Маданиятга, маърифатга бундай хайрихоҳлик, ғамхўрлик ибрат олса арзигуликдир. Умид қиламизки, жумҳуриятимизнинг барча раҳбарлари маърифатли миллий давлат барпо этилишида фаол қатнашадилар.

Маҳмуд САЪДИЙ

Болшевикларнинг эндиликда ҳаммага маълум ғайриинсоний сиёсати оқибатида ўзбек адабиётида эътиқодсизлик, шахссизлик асосий тамойиллардан бири сифатида қарор топди. Бу иллатнинг асоратлари нақадар катта экани Зиёвуддин Ҳазиний сингари оташзабон, иймонли-эътиқодли шоирларимиз ижоди билан танишганда янада ёрқинроқ аён бўлиб қолмоқда. Куни кеча — 1 декабр оқшомида Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театрида Ҳазиний таваллудининг 125 йиллигига бағишлаб ўтказилган катта тантанали кечада бунга яна бир бор иқрор бўлдик.

Бизнинг авлодимизга Зиёвуддин Ҳазиний номини (ижодини эмас!) кенг танитган ёзувчи Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романи бўлди. Биз, мактаб ўқувчилари эҳтирос билан битилган бу асарни ўқиб, роман номи Ҳазиний деган шоирнинг ғазалидан олинганини билдик. «Фарғона тонг отқунча» ғазалини радиодан тинглаганимизда эса, шоирнинг ўлмас сўзлари халқимизга у ҳамон тун қўйнида, мустамлакачилар зулми остида яшаётганини билдириб турди. Шу тарзда Зиёвуддин Ҳазиний доимо биз билан бирга яшади, шоирнинг умри унинг ғазали мисраларида давом этди. Инсоннинг, ижодкор инсонинг қалби, руҳи ўлмаслигининг бир исботи бўлди бу ғазал!

Ҳазинийнинг муборак тўйи кечасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, жонкуяр инсон Иброҳим Раҳим бош-қош бўлди. ЎзФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг директори, филология фанлари доктори Тўра Мирзаев улкан шоир ҳақида мухтасар сўз айтди. Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол атоқли сўз устасининг ижоди тўғрисидаги мулоҳазаларини баён қилди.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов Ҳазиний шеъриятининг моҳияти борасида фикр юритиб, бир тарихий далилни эсга олди: Миср фиръавнларини дафн этишаётганда мақбараларига бир коса буғдой ҳам қўйиб қўйиш одат тусига кирган экан. Бу одат қадимги мисрликларнинг инсон ўлганидан кейин иккинчи умрини яшайди деган эътиқодидан келиб чиққан, албатта. Не ажабки, ана шу қабрдаги буғдойни 5 минг йил ўтгач, экишганда, у униб чиқибди!

Э. Воҳидов ҳақиқий шеърни азиз неъмат — буғдой донига қиёс қилди. Кўнгил гавҳари — шеърнинг ҳам умри буғдой дони сингари ҳаётчан, уни ҳар қандай нонкўр нодонларнинг, ғанимларнинг зуғуми, зўравонлиги йўқотиб юборолмайди.

ЯНГИ ТОМОША

«ИМТИҲОН»

Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар ўзбек давлат драма театри жамоаси ёш қаламкаш Ҳабибулла Каримовнинг «Имтиҳон» деб номланган эртак-пьесасини ёш томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Фарзандларимизнинг турлича шаклланаётган дунёқарашлари ҳақидаги мазкур асарни театр режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Иброҳим Нурмонов саҳналаштирди. Томошадаги воқеалар руҳига мос саҳна қурилишлари ва безакларни иқтидорли мусаввир Зокиржон Қобулов ишлаган. Асосий ролларни санъат даргоҳининг маҳоратли артистларидан Асрор Жумаев, Дилором Эгамова, Ҳосият Ҳотамова, Гулнора Ризаева, Қундуз Ўсарова, Шамсиддин Эргашев ва бошқалар талқин этишаётир.

Абдуазиз ҲОШИМОВ

1993 ЙИЛДА МАШҲУР ХАЛҚ ҲОФИЗИ АКБАР ҲАЙДАРОВ ТУҒИЛГАНИГА 100 ЙИЛ ТЎЛАДИ

ТАРИХГА АЙЛАНГАН АРМОН



СУРАТДА: халқ ҳофизи Акбар ҲАЙДАРОВ.

1916 йил. Ўша йиллар Туркистон халқлари бошига не-не кулфатар олиб келмади.

... Акбар Ҳайдаров мўйловлари сабза урмаёқ Ёзёвондан оқпошшога «мадад» бергани жўнатилган эди. Мардикорликка борган, пешоналарига бир қисмат ёзилган ўзбек, қирғиз, тожик йигитларининг юракларида бир дард — золим подшо Николайга бўлган нафрат уларни бирлаштирди ва аҳилликка ундади. Мана шу ерда ҳам қўшиқ мададкор бўлди унга. Акбар Ҳайдаров оғир меҳнатдан кейин зах ва қоронғу ётоқда, қандалаларга таланиб ётган дўстлари орасида кундуз чеккан азобларининг аламини кўнгилдан чиқариш учун, отаси ҳаётлигида қулоғига чалинган қўшиқларни хиргойи қилди. Қўшиқдан дўстлар кўнглига умид учқунлари тушди. Акбар Ҳайдаров қўшиқ — паноҳ, юпанч эканлигини англаб етгач, халқ яллаларини куйлашга астойдил киришди. Ёш хонанда мардикорлар орасида барчанинг ғамини ўз қўшиқлари билан енгиллатди. Унинг машҳур «Мардикорлар нидоси» қўшиғи биринчи бор Одессада янгради:

Поезингни жилдирган
Ўтхонаси билан дўнгалаги..

Акбар Ҳайдаров ижросидаги мана шу қўшиқ бугунги кунда ҳам Ўзбекистон радиосининг фонотекасида энг нодир ёзувлар қаторида турибди.

Исёнкор қалблардан денгиз тўлқинидек тошиб чиққан бу қўшиқ Туркистондан ҳайдаб борилган меҳнат колонналаридаги жафокашларнинг зулм салтанатига ларза солган нидоси эди. Халқ қисматини, умидини, жасоратини куйлаган бу қўшиқ жанговор ва оҳанграбо кучга айланиб, бутун Туркистонга тарқалиб улгурганди. Сибир ўрмонларидаги мардикорлар ҳам жўр бўлишиб куйлашарди.

Кўпгина азобларни бошидан кечирган Акбар Ҳайдаров Октябр инқилобидан сўнг қишлоғига қайтди...

Бугун халқ ҳофизи Акбар қори Ҳайдаров билан дилдан суҳбатлашишнинг иложи йўқ. Фақатгина тарихий ҳужжатларгина Акбар Ҳайдаровнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қила олади. (Ҳофизнинг набираси, бобоси изидан бориб санъат сирларини чуқур эгаллаган, ҳозирда ўрта мактабда мусиқадан ёшларга сабоқ бераётган Шуҳрат Ҳайдаров санъаткор ҳаётига оид ҳужжатлар билан ишлашимизда катта ёрдам берди).

Акбар Ҳайдаровнинг ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳоли:

«Мен Ёзёвонда, камбағал деҳқон оиласида дунёга келдим. Отамни икки-уч таноб ери бўлиб, бўш вақтларида бошқаларнинг ерида ҳам ишларди. Ёшлигимда отам вафот этиб, оилада беш киши қолдик. Акаларим ёлланма ишчи бўлиб кун кўришди. 1913 йилгача онам ва акаларимнинг қарамоғида яшадим. 1913 йилда Хушол ака деган кишига ёлланиб ишладим. 1916 йилдан Мадкабой қулоқ қўлида хизмат қилдим. 1918 йилгача мардикор бўлганман. 1920 йилда Жўра қори акам билан Тошкентга келдик, «Саноъйи нафиса» уюшмасига 1921 йилда аъзо бўлдик. 30-йилларнинг бошидан Ўзбекистон радиосидаги фаолиятим бошланди.»

Ўзбек Совет Энциклопедиясидан (Тошкент—1980) шундай сатрларни ўқиш мумкин: «Ҳайдаров Акбар (1893, 1.5, Марғилон—1964, 13.2, Тошкент) — ўзбек ашулачиси, созанда (танбурчи), халқ ҳофизи (1939), Ашула айтиш йўлларини отаси Ҳайдар ҳофиздан, танбур чалишни Р. Ражабийдан ўрганган, 1922 йилдан Тошкентда, 1927 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон радиокомитетида ашулачи ва созанда. Москвада ўтказилган ўзбек санъати декадаси қатнашчиси (1937). Катта Фарғона канали, Фарҳод ГЭСи, Каттақўрғон сув омбори қурилишларида маданий хизмат қилган. Репертуаридан катта ашула («Бир келиб кетсин», «Адашганман») ялла («Фарғонача Шаҳноз»), Фарғона—Тошкент мақом йўллари («Баёт», «Ушшоқ») катта ўрин олган. У кенг диапазонли баланд ва ёқимли овозга, равон ижро услубига эга бўлган. 1940—1943 йилларда В. А. Успенский Акбар Ҳайдаровдан «Мактуб», «Шафоат», «Изларман», «Канал», «Ёвойи Ушшоқ», «Эй, санам» каби катта ашулаларни ёзиб олган».

Халқ меҳрини қозонган ҳофиз Акбар Ҳайдаров жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист, танбурчи созанда Риски Ражабий, халқ артисти, бастакор Дадаали Соатқулов, Абдураҳмон пари, Ҳамроқул қори, Маҳкамбой, Эрка қори, Юсубжон қизиқ, Пўлатжон қизиқ, Комил қизиқ ва Турғун Каримов каби танилган санъаткорлар билан ҳамнафас бўлган, бирга сайлларда хизмат қилишган.

Уларнинг қўшиқларининг садолари халқ қалбидан ўчган эмас. Номлари ҳамиша эъзозда. Аммо негадир тадқиқотчи олимларимиз, санъатшуносларимиз Акбар Ҳайдаров каби халқ ҳофизларининг ҳаёт йўли, ижодий фаолиятларини тарғиб қилишда анча сусткашликка йўл қўйишмоқда.

Ахир, 1993 йили халқ ҳофизи Акбар Ҳайдаров таваллудига 100 йил тўлади. Матбуотда эса бармоқ билан санарли мақолалар рўйхати бор. «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1962 йил 14 ноябрь сонида Ёнғин Мирзонинг «Ҳофизнинг порлоқ тақдири» мақоласи ва «Совет Ўзбекистони санъати» журналининг 1984 йил октябр ойида Зулфия Обидованинг «Поезингни жилдирган» асаридан бўлак бошқа матбуотда у киши ҳақида бирон сатр учратмадим. Ҳатто артистлар орасида ҳам Акбар Ҳайдаровни биладиганлар кам.

Ҳофизнинг «Билакузугим», «Рўмолим», «Яллама ёр», «Ўзганча» қўшиқларини 60-йилларда барча хиргойи қилган. Камбағал деҳқон оиласида туғилган йигитнинг улкан ҳофиз бўлиб етишишига унинг ўз халқини севиши, миллатқ учун курашиши, унинг ҳурматини баланд кўтариши сабаб бўлди. Бундай санъаткор жуда кам бўлади. Аср бошидаги Николай подшога қарата:

Бизни эзган Николай
пошшо
Ер юзидан йўқ бўлсин, —

дея баралла куйлаган ҳофиз Акбар Ҳайдаров шак-шубҳа йўқ, истиқлолни, жумҳуриятимиз мустақиллигини орзу қилган. Унинг орзуси Октябрь инқилобидан кейин ҳам амалга ошмаган. Ҳофизнинг орзулари армонга айланган.

Мана, Акбар қори орзу қилган кунлар келди. Истиқлолга эришдик. Жумҳуриятимиз мустақил бўлди. Ўзбекистонни жаҳон халқлари тан олаётир. Бунда Акбар Ҳайдаровнинг унутилмас хизматлари бор.

Мирзараҳим МАМАЖОН

ОЗОДЛИК УЧҚУНИ ЭДИ

Ҳозирги замон уйғур маданияти, жумладан, адабиётининг юзага келишида, ривожланишида ўзига хос ўрин тутган мунаввар сиймолар бор. Шулардан бири шоир Билол Азизийдир.

Билол Азизий Уйғуристоннинг Хўтан шаҳри яқинида ўзбек оиласида 1920 йили дунёга келди. Эски ва янги мактабларда уйғур болалари билан бирга ўқиди, тарбияланди. Шодликни ҳам, ғам-ҳасратларни ҳам бирга кўрди, вояга етди. Хитой истибдодига қарши олиб борилган жангу жадаллар, инқилобий кўтарилишларда сардорлар қаторида бўлди.

Ватан истиқлолини қўлга киритиш курашларида ёшларнинг ҳал қилувчи қудратини чуқур англаган Билол Азизий Лутфулла каби курашчилар билан бир сафда бўлди. Эгизак шоир, эгизак жангчи, эгизак ботир, эгизак

туғдор кураш майдонида доимо елкама-елка бўлдилар.

1942 йили Б. Азизий Урумчида «Соқчи кадрлар етиштириш» мактабини битириб, Оқсув вилояти соқчи идорасига раҳбарлардан бири бўлиб келди. Орадан кўп ўтмай Лутфулла ҳам Урумчидаги бош газетхонадан Оқсув газетхонасига хизматга юборилди. Урумчида иккала дўст бир бўлиб, «Шарқий Туркистон ёшлари учқуни»ни тузди. Сўнгра 1944 йили Илида кўтарилган озодлик инқилобига ёрдам беришга, Гоминдан истибдодини парчалаш жангига тайёргарликни бошлаб юбордилар. Бироқ, ташкилотга суқилиб кирган бир хоиннинг чақуви туфайли 1945 йили гоминданчилар ташкилотининг Лутфулла, Билол, Мунириддинхўжа каби раҳбарлари билан 36 аъзосини қўлга оладилар ҳамда ўша йили 19 сентябрда ваҳшийларча қатл этдилар.

Ҳа, Билол Азизий имони бутун курашчи, фидойи инсон эди. Бу фазилатлар унинг ҳаётида ҳам, ижодиётида ҳам ўз аксини топган. Қуйида шоирнинг шеърларидан намуналар ўқийсиз.

Рўзи ҚОДИРИЙ

Билол АЗИЗИЙ

ГУЛИМГА

Гулим, шодон ўйнаймиз,
Ватан озод бўлганда,
Қувнаб, яшнаб, яйраймиз,
Ватан обод бўлганда.
Биз кўзлаган оппоқ тонг
Отар, нурин кўрармиз,
Ваҳший, машъум босқинлар
Тубдан барбод бўлганда.
Дарду алам, қайғулар
Дилин қоплаб туролмас,
Мақсадларга етамиз
Бардош, сабот бўлганда.
Ватанга жон қуйдирган,
Ватанпарвар бўламиз,
Ватан менга Ширину,
Сенга Фарҳод бўлганда.
Муҳаббатдан завқланиб,
Олға шаҳдам босайлик,
Қилич, найза кор қилмас,
Кўкрак пўлат бўлганда.
Инги, ҳасрат, надомат,
Умримизни кемирар,
Эртаю кеч оху зор,
Доду фарёд бўлганда,
Гулим, бўлгил фидокор,
Жасурона кураш қил;
Орзу-армон ушалур
Чин эътиқод бўлганда.

КУРАШ

Азалдан жозибадор,
Эй, сўлим она макон!
Топталсангу хўрлансанг,
Қандай чидайди виждон!
Она юртим, сен учун
Курашмоқ бурчимиздир,
Сени хўрлаган душманни,
Йўқотмоқ қарзимиздир.
Ҳурлик кураш тўлқини
Супурмишдир ғанимни.
Дилда зафар ёлқини
Жасур айламас кимни!
Қайғу босмиш босқинни, —
Ютмоқдадир жаҳаннам.
Кураш чақмоғида куймиш
Ёвузлар ҳам, сотқин ҳам.
Кураш борар, тўхтамас,
Доғни ювамиз тамом!
Озод, порлоқ нур ёғур,
Келар зафарли айём,
Бошланур шонли байрам!

ҒАЗАЛ

Ахлоқинг пок ҳислар сочсин,
Кўнгил чексиз майдон бўлсин!
Илминг порлоқ эшик очсин,
Гумроҳликлар гумдон бўлсин!
Маърифатдан машъал ёндир,
Ўртансин ваҳшат, зулматлар!
Нодонликни гўрга ағдар,
Таг-тахтидан яксон бўлсин!
Садоқатли, виждонли бўл,
Тил хиёнат бағрин мудом!
Диёнат-ла яшла, кураш,
Ватан тенгсиз бўстон бўлсин!
Кишиларни ҳурмат-ла сеч,
Улар сени қилур эъзоз,
Такаббурга ҳардам зарба,
Қайғу йўллаш нишон бўлсин!
Мурувватинг, меҳринг бирлан
Яшнат вафо гулзорини,
Ватанга хуш бўйларинг соч,
Ҳиди анқир макон бўлсин!
Матонату сабот ила
Ҳаёт боғин гулгун айла,
Бу боғаро чин ҳақиқат —
Ўзи мангу боғбон бўлсин!
Сен азалдан улуғ инсон,
Буюклигинг ривожлантир,
Юртни куйла, дўстларни сев,
Бу иш сенга чўнг шон бўлсин!
Азизий, қаламинг тиғ эт,
Санчиб қақшат душман жонин!
Жами рақиб қон йиғласин,
Умри сўлсин, хазон бўлсин!

ОПЕРАНИНГ ИККИНЧИ ҲАЁТИ

Атоқли бастакор, ўзбек опера санъатининг асосчиси, Халқ артисти, Ҳамза номидаги республика давлат мукофоти совриндори Мухтор Ашрафийнинг маданий ҳаётимиздаги ўрни салмоқлидир. М. Ашрафий «Бўрон» номли биринчи ўзбек операсини яратган бастакор, симфоник оркестр ва опера-балет спектаклларига раҳбарлик қилган биринчи дирижёр.

Шу йилнинг 21 ноябрида Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида М. Ашрафийнинг «Дилором» операси премьераси бўлиб ўтди. Шундан бир кун олдин М. Ашрафийнинг 80 йиллигига бағишлаб кеча уюштирилди. А. Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони асосида яратилган (либретто муаллифлари К. Яшин ва М. Муҳамедов) бу опера илк бор 1958 йили қўйилиб, 1959 йилда Москвада ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида кўрсатилган, ўшанда томошабинлар олқишига сазовор бўлган эди. 32 йилдан сўнг бугун қайта қўйилган «Дилором» операси аввалгисидан унчалик фарқ қилмайди, дейишди. Бу биринчи спектаклнинг қайта тикланиши экан.

Рости, операга илк дафъа киришим эди. Кирдим-у, кўз ўнгимда ўзга бир дунё намоён бўлди. Операнинг ўз мухлислари бор экан. Саҳна худди табиийдек. Рассомнинг маҳорати сезилиб турибди.

«Дилором» операсини бу сафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев ва истеъдодли режиссёр Андрей Слоним саҳналаштирганлар. Режиссёр ассистенти Ўзбекистон халқ артисти Қўрқмас Муҳиддинов, мусиқа раҳбари ва дирижёрлари — Ўзбекистон халқ артисти, профессор Абдуғани Абдуқаюмов ва Ҳамидулла Шамсуддинов. Бу ижодкорларнинг беқиёс хизматлари хонандалар ижроларида, ҳаракатларида мужассамланган. Ҳар парда ёпилганча зални олқишлар тўлдириб турди.

Зоҳид ҲАҚНАЗАР, Ўзбекистон халқ артисти, профессор:

— М. Ашрафий асарларини қайта тириллириш, миллий-мусиқий асарларни саҳнага чиқариш қувончли воқеадир. Премьеранинг ютуқларини ҳали кўпчилик гапиради. Дирижёрнинг хизматларини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Мен баъзи шахсий эътирозларимни билдириб қўя қолай.

Етакчи солистлар — Моний ролидаги Мансур Хуррамов ва Дилоромни ўйнаган Муяссар Раззоқова сўзларининг маъносига кўпроқ аҳамият берсалар, яхши бўларди. Оркестр жўрлиги гоҳида овозларни босиб кетяпти. Юмшоқроқ чалиш керак. Роллар устида янада пухтароқ ишлаш зарур.

Эркул ВАҚУР, Ўзбекистондаги Туркия элчихонасининг иккинчи котиби: — Миллий характердаги бундай асарни кўрганимдан бахтлиман. Бизда ҳам миллий руҳ акс этган асарларимиз кўп. Сизнинг маданият билан бизнинг маданиятнинг ўхшаш томонлари шундоқ сезилиб туради. «Дилором» спектаклида ўзбек халқининг қисмаи бўлса ҳам тарихини кўрдим. Қадимий анъаналар акс этган, тарихдан сўзлагувчи асарлар яратишда ўзбек санъаткорларига муваффақиятлар тилаб қоламан.

Салим АШУР, «Саодат» журналининг бўлим мудири: — Менга кўпроқ орқадаги декорация (кўриниш) ёқди. Ҳар бир парданинг ўз кўриниши бор. Ранглар ҳам, ёруғлик бериш ҳам қаҳрамонларнинг руҳиятига мосланган. Назаримда, рол ижро этаётган солистлар ўзларини бутунлай бахшида қилмаётгандай, гўё нимадир етишмайди. Булар вақт ўтиши билан тузатиладиган ҳолатлар, деб ўйлайман.

Булар айрим шахсий фикрлар. Машҳур операнинг янги саҳна ҳаёти ҳақида мусиқашунослар, санъатимиз билимдонлари кўп ва хўп гапиришади, деган умиддамиз.

Азамат САФАР

БИЛДИРИШ

Шу йил 11 декабр соат 15.00 да ТошДД Маданият саройида Ёзувчилар уюшмаси адабий алоқалар ва бадиий таржима кенгаши раиси, таниқли олим ва адиб, филология фанлари доктори, профессор Ғайбулла ас-Салом таваллудининг 60 йиллигига бағишланган ижодий гурунг ўтказилади.

Илмий-ижодий машваратга марҳамат.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Киночилар уйида шу йил 11 декабр кеч соат 18.00 да «Турон чечаги» ансамблининг бадиий раҳбари Бахтиёр Холхўжаев ижодига бағишланган «Бахтиёр» номли мусиқали телефильм тақдимоти ўтказилади.

Барча қизиққан кишиларни таклиф этамиз.

«Турон чечаги» ансамбли

Ўзбекфильм студияси

«МАЖОЗ СУЛУКИ»

Шу йил ёзда «Мажоз сулуки» деб номланувчи янги илмий-маърифий уюшма Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтди. Мухбиримиз шу сулукнинг аъзоси, филология фанлари доктори, Тошкент Давлат маданият институти жаҳон адабиёти кафедраси мудири М. ИМОМНАЗАРОВ билан суҳбатлашди:

МУХБИР: — Муҳаммаджон ака, сўнгги пайтда кўплаб жамоат бирлашмалари, ижодий ва илмий-маданий уюшмалар тузилмоқда. Суҳбатимизни «Мажоз сулуки»нинг анчайин сирлироқ туюлувчи номини изоҳлашдан бошласак.

М. ИМОМНАЗАРОВ: — Маълумки, ислом дунёси маънавиятида яссавия, кубравия, мавлавия, чиштия, нақшбандия каби турли тасаввуф сулуклари машҳур бўлган. Ҳозирги кун зиёлилари бўлган биз бу қадриятлардан анча узоқлашиб кетганмиз ва дабдурустдан уларнинг мағзига етиб боришимиз ҳамда ўзимизга сингитишимиз осон кўчмайди. Қолаверса, Абу Бакр Розий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино сингари файласуф ҳакимларимиз йўли ҳам ўзи бир олам. Алишер Навоий ўз адабий ва илмий ижодида ушбу икки йўл — ҳақиқатни англаб етишнинг мантиқий ва ирфоний йўлларини уйғунлаштиришга эришди. Низомий, Деҳлавий анъаналарига суяниб, «Мажоз тариқи» деб аталмиш ўзига хос тафаккур йўналишини шакллантирдики, унда илмийлик ва чуқур эътиқод, орифлик ва ошиқлик яхлит бир тарзда мужассам бўлди. Навоий ўзининг бир қатор асарларида «мажоз» тушунчасига алоҳида урғу беради. «Хазойинул-маоний»нинг тўртинчи жилдида алоҳида қитъада ўзининг бу ҳақдаги ўзак фикрини шундай ифодалайди:

Зоҳидо, бу ишқдин манъ этмагил ошиқниким,
Гар сен идрок айласанг, айни ҳақиқатдир мажоз.

Бу сатрлардаги «айн» сўзи араб тилида «кўз» маъносини бериши назарда тутилса, улуғ мутафаккир шоир «Мажоз ҳақиқатнинг кўзидир» (яъни ҳақиқат мажоз орқали намоён бўлади) демоқчилар.

Ҳақиқат — бу борлиқнинг моҳияти ва сарчашмаси деб тасаввур қилинса, «мажоз» унинг зуҳури, намоён бўлиши, мазҳаридир. Моҳиятни англаб етиш учун унинг ҳар сония ўзгариб турувчи мазҳарига — «мажоз»га диққат қилмоқ лозим. «Мажоз»ни севмоқ, унга меҳр қўймоқ зарур, фақат бу меҳр, бу ишқ самимий ва пок бўлмоғи, асло ғараз аралашмаган бўлиши талаб этилади.

Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, биз эътиқодни бой бермаган ҳолда инсон маънавиятининг дунёвий масалаларига асос-эътиборни қаратувчи илмий-маърифий уюшмамизга «Мажоз сулуки» номини бериб, бу билан Алишер Навоий анъаналарини бугунги кунга тадбиқ этишга ўз аҳдимизни ифодаламоқчи бўлдик.

М.: — Сизларни бу уюшмани тузишга қандай эҳтиёжлар даъват этди?

М. И.: — XX-аср бошларида таниқли рус шарқшуноси С. Ф. Ольденбург инсоннинг руҳий ва маънавий қудрати тўлиғича фақат Шарқда намоён бўлганини тан олиб «Европанинг бу соҳадаги уринишлари Шарқ камолоти олдида» ёш боланинг «чуғур-чуғури» даражасидадир, деган эди. Тақдирнинг фирибини қарангки, шу эътирофдан кейинги ўтган 70 йил давомида биз ўзимизнинг камолот даражамизни буткул унутиб, Ғарбнинг Русия орқали кириб келган «чуғур-чуғурига» тақлид қила бошладик. Чингиз Айтматов айтган «ёппа манқуртлаштириш» сиёсати онгли тарзда амалга оширилди ва натижа кўнгилдагидан ҳам «зиёда» бўлди: аксарият илғор зиёлиларимизнинг болалари бугун ўз она тилида гапиришни билишмайди. Ўтмиш меросимиз ўрганилмади эмас, ўрганилди. Аммо қандай ўрганилди? Абдулла Қаҳҳор ачитиб айтганидек, «тоғорага ўлчаб» ўрганилди: «сиғса ҳам 5 танга, сиғмаса ҳам 5 танга».

Европа маданияти буюк маданият. Унинг ўз йўли, ўз қадриятлари бор. Улар узоқ турмуш тажрибаси натижасида шаклланган Европа халқининг диний эътиқоди, тарихий такомили, яшаш тарзи билан чамбарчас боғлиқ. Социализм, коммунизм ғоялари ҳам Европа ижтимоий тафаккурининг маҳсули. XX аср бошига келиб улкан империяга айланган Русия кўп нарсани Ғарбий Европадан ўзлаштирди, жумладан, сўнгги пролетар инқилоби ғояларини ҳам.

Бу маълум гаплар. Аммо Ўрта Осиё халқлари тақдири ва маданияти, дини ва турмуш тарзи минг йиллар давомида Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси халқлари билан туташ эди. Қолаверса, Ҳиндистон ва Узоқ Шарқ (Хитой) маданий минтақалари билан ҳамкорлик муносабатлари ҳам Европадан кўра яқинроқ бўлган. XIX аср охирларига келиб бизнинг мустамлакага айландигу Европа маданияти ўрислар орқали бизга таъсир кўрсата бошлади. Бу борада маърифатчи-жадидларимизнинг ҳам хизмати катта, уларнинг баъзилари Туркия орқали, баъзилари эса Русия орқали илм-техника ривож топаётган Европадан ибрат олишга тарғиб қила бошладилар. Бу ёмон тамойил эмас эди. Аммо Октябрь инқилобидан кейин, айниқса, 30-йилларга келиб, ихтиёрий интилиш ўрнини зўрлаб тиқиштириш эгаллади. Дунёни англаб етиш, инсон маънавияти ва ижтимоиётига оид Европа назарий қарашлари бирёқлама мутлоқлаштирилган «марксизм-ленинизм» таълимоти, тутуруксиз «социалистик реализм методи» каби қолипларга жойлаб жўнлаштирилган ва кемтиклашган ҳолда бизга кириб кела бошлади ва минтақада минг йиллар мобайнида ҳосил бўлган қадриятлар турли истибдод усуллари билан хотирадан ўчирилди. Тўғри, техника ва аниқ фанлар соҳасида қўлга киритилган ютуқлардан кўз юмиш инсофсизлик бўлар эди. Аммо маънавиятсиз техника ривожи ўз қаърида қандай катта фалокатларни яширганлиги бугунги табиий муҳитнинг ўта ифлосланиши, атом, водород қуроллари ва бошқа ялпи қирғин қуролларининг инсоният устидан ўрнатган кўркув асорати мисолида равшан намоён бўлиб турибди. Яқин ва Ўрта Шарқда, агар ўз вақтида олди олинмаганда, анча илгарироқ ушбу хатарли ҳолат юз бериши мумкин эди. Ахир диний ва дунёвий «плюрализм» ҳам («Ҳақиқатни англаб етишнинг турли йўллари»), диалектика ҳам, «тарихни материалистик тушуниш» ҳам, адабиётда «ижодий метод» тушунчаси ҳам аввал (бир неча асрлар аввал) Яқин ва Ўрта Шарқ маданиятида юзага келган-ку! Фақат боболаримиз донороқ бўлишган, тараққиётни хатарли изга бурилиб кетишдан ўз вақтида сақлашга уринишган. «Жинни кўзадан чиқариб юбормай» бошқариб боришган.

Демак, бугунги куннинг долзарб масалаларидан халқ маънавияти билан боғлиқ икки масала бизнинг диққат марказимиздан узоқлашмаслиги керак: биринчиси — маънавий камолотни техник-ихтирочилик жараёнидан ортда қолмаслигини таъминлаш, иккинчиси — мустақил маънавиятимизни янги босқичда қайта тиклаш ва ўз табиий ўзанида олға силжитиш. Бу икки масала ўзаро узвий боғлиқдир, чунки техникани ҳар қандай манбадан ўзлаштириш мумкин, маънавий камолот эса тарихий-маконий изчилликни талаб қилади, усиз инсон руҳи уйғун шаклланмайди.

Бизнинг ўз фалсафий, мантиқий, иқтисодий, ижтимоий, бадиий, ахлоқий қарашларимиз мавжуд ва бугунги кунда ўшаларни ўрганиб, ривожлантирибгина мустақил маънавиятимизни шакллантириш мумкин. Бу соҳада, айтиб ўтганимиздек, калитни бизга кўп йўналишларда Алишер Навоий мероси бера олади. Унинг адабиёт назариясига нисбатан ишлаб чиққан махсус қарашлари шу соҳа чегарасида қолиб кетмай, балки фалсафа ва ижтимоиёт соҳаларигача ўз таъсирини ёя олган.

Ислом эътиқоди бизнинг маънавиятимиз ўзаги, аммо муқаддас калом нозил бўлгунча ва ундан сўнгги даврларда яратилган буюк маънавият обидалари мағзида ғайб илҳоми йўқми? Ҳофиз ғазалиётига нисбатан урф бўлган «лисони ғайб» («ғайб тили») сифати ислом минтақа маданиятининг ўзга буюк сиймолари шаънига ҳам озми-кўпми даражада мос келиши мумкин деб тахмин қилсак, қаттиқ янглишган бўламизми? Албатта, шоир шеърни Аллоҳ оятига тақос этсак, шаккоклик бўлар. Аммо шоир ва олим илҳомида ҳам нимадир борлигини инкор этиб бўлмайди-ку! Ғаззолий шаънига, Мавлавий шаънига айтилган таърифлар жуда ҳам оддий муболағалар эмасдир.

Шулардан келиб чиққанда, биз ўз сиёсий ва ижтимоий тарихимизнигина эмас, балки маънавий камолот тарихимизни ҳам пухта ва асосли ўрганмоғимиз керак. Шу асосдагина инсон маънавияти ва ижтимоиётга оид фанларимизнинг мустақил назарий ўзагини шакллантира олишимиз мумкин.

Агар буюк бобокалонимиз пандига жиддий қулоқ тутадиган бўлсак, у улуғ сиймодан ибрат оладиган бўлсак, бизнинг маънавиятимиз илдизлари тор миллий заминга эмас, неча минг йиллик минтақа маданиятига таянишини эътироф этмоғимиз лозим. Илло миллат сўзи ҳам бу минтақада «мусулмон миллати» маъносида ишлатилган. Минтақа маданиятимиз асосан (кейинги 1,5 минг йил ичида) уч тилга — арабий, форсий, туркий умумминтақа тилларига суянган, боболаримиз ҳам бу уч тилдан эркин фойдаланишган ва Ибн Туфайл Форобийни, Ҳофиз Амир Хусравни «турк» деб ажратиб қўйган эмаслар, Навоий барча забардаст форсийзабон шоирларни устоз санаган. Зиёлиларимиз учтиллиликни 1937—1938 йиллардан кейин йўқотдилар...

М.: — «Мажоз сулуки» ва унинг соликлари ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларни қай йўсинда рўёбга чиқармоқчилар?

М. И.: — Мақсадимиз митинглар ўтказиш ёки намойишлар ташкил қилиш эмас. Сиёсат майдонида жавлон уриш ҳам бизнинг уюшма сифатидаги вазифамизга кирмайди. Биз ўлка ва минтақа қадриятларини ўрганиш асосида инсон маънавияти ва ижтимоиёт соҳаларида мустақил назарий замин яратиш масаласига эътиборни қаратмоқчимиз, бу йўналишда ҳам илмий изланишлар, ҳам таълим ва маърифатчиликка оид амалий тадбирларни йўлга қўймоқчимиз. Маънавият соҳасига давлат ва жамоатчилик эътиборини тортмоқ, бу соҳанинг ҳақиқий фидойиларини — зиёлиларнинг ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан жамиятда ўз муносиб даражаларига эга бўлишларига эришмоқ бизнинг эзгу ниятимиздир. Яна бир самимий орзуимиз — минтақа халқлари тинч-тотувлигига, маънавий бирлигига эришиш, қолаверса, бутун инсониятнинг маънавий камолоти ва ўзаро биродарлашувига кўмаклашиш, ўтмиш боболаримиз тушуниб етган «Ҳақиқат ягона, аммо унга олиб борувчи йўллар хилма-хилдир» деган ҳикматга риоя этиш. Алишер Навоийнинг «мажоз йўли» бизга бу уринишларимизда дастуриламалдир.

Бизнинг сафимизда фалсафа ва ҳуқуқ, тил ва адабиёт, тарих ва элшунослик мутахассислари, ижодкорлар, матбуот ходимлари бор. Уларнинг кўпчилиги бир неча хорижий тилларни эгаллаган, чет элларда хизматда бўлган, дунё маданияти билан таниш. Улар турли илм ва таълим масканларида инсон маънавиятига оид фанлар юзасидан тадқиқот олиб боришади, устодлик қилишади. Турли нашрларда масъул вазифа бажаришади. Биз ўз имкониятларимизга таяниб, аввало «Мажоз сулуки»нинг илмий-ахборот, таълим-тавсия марказини тузмоқчимиз. Унда минтақа маданий-маънавий мероси юзасидан шу кунгача бажарилган ишларни ҳозирги илмий-ахборот воситалари талаби даражасида таснифлаш ва мувофиқлаштириш, янги тадқиқотлар ўтказиш, турли босқичда махсус таҳсил гуруҳлари ташкил этиш, илмий ва дастурий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда бошқа ишларни йўлга қўймоқчимиз. Албатта, бу соҳада бугунги кунда мавжуд барча давлат ва хусусий йўналишдаги муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қиламиз.

Шу билан бир қаторда халқаро алоқаларни ривожлантириш, айниқса минтақа олимларининг ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларини уйғунлаштиришга ҳисса қўшишни ҳам эзгу орзу деб биламиз. Эришилган натижаларни матбуот ва турли нашрлар орқали оммалаштириб бориш, турли маъруза ва анжуманлар ташкил этиш ҳам келгуси режамизда бор. Хуллас, ниятларимиз катта. Бу соҳада молиявий, илмий, ташкилий кўмак кўрсатишга тайёр бўлган давлат тизилмалари, хусусий ва жамоат ташкилотлари, алоҳида шахслар бўлса, биз миннатдорлик билан умумий мақсад йўлида ҳамкорлик қилган бўлардик.

Ёзма маданиятимизнинг 2500 йиллиги

УНУТИЛГАН ҚАДИМГИ ЁЗУВЛАРИМИЗ

ХАЛҚ МАДАНИЯТИ УНИНГ ЁЗУВИ БИЛАН кўп жиҳатдан боғлиқ. Ёзув пайдо бўлган даврдан ёзма маданият тарихи бошланади. Бу эса бугунги авлодга унинг узоқ ўтмиши ҳақида изчил ва ишончли хабар етказувчи асосий манба пайдо бўлди, деган сўз. Айниқса, маънавий тараққиёт, халқ руҳи ва кайфияти, ўй-хаёллари, тафаккур такомилини англаб етишда ёзма ёдгорликлар аҳамияти беқиёсдир.

Халқимизнинг ўтмишдаги ёзувлари ҳақида гап борганда аввало араб ёзуви эсланади. Уни кенг миқёсда ўрганиш масаласи ҳозирги кунда долзарб бўлиб турипти ва бу — ўз-ўзидан тушунарли, чунки ўн тўрт асрлик маданиятимиз тарихи ушбу ёзув билан боғлиқдир. Аммо Туронзамин халқларининг ёзма маданияти юртимизга араблар келмасидан анча илгари бошланади. Бу қадим ўлка ҳудудида милодий эрадан 2—3 минг йиллар илгари ёзув пайдо бўла бошлагани ҳақида далиллар топилмоқда. Албатта, мавжуд атиқашунослик топилмалари аниқ хулосалар учун ҳали етарли эмас, аммо милодий эрадан олдинги биринчи мингйиллик ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудида маҳаллий ёзувлар кенг тусда қўллана бошланганлиги шубҳадан холидир. Хўш, булар қандай ёзувлар? Аввало, 70-йилларда ҳозирги Қозоғистоннинг Иссиқ деган жойидан топилган ва шу сабабли фанда «Иссиқ ёзуви» деб ном олган битикларни эслаб ўтиш лозим. Бундай ёдгорликлар жанубий Ўзбекистон ва Афғонистон ҳудудида ҳам учрайди. Уларнинг ёши 2500 йил атрофида, деб ҳисобланмоқда, аммо ҳали бу ёдгорликлар ишончли тарзда ўқиб аниқланган эмас. Ўрта Осиё халқлари милоддан аввалги II минг йиллик бошларида қадим Канъон юртида (юнонлар Финикия деб аташган) дунёга келган товушлар асосидаги алифбо билан таниш бўлиб, X—IX асрларда ундан ажралиб чиққан оромий ёзувини ўз эҳтиёжлари учун астасекин мослаштира бошлаганлар. Бу жараён милоддан аввалги VI—IV асрларга келиб анча тезлашган ва натижада Туронзаминнинг турли ўлкалари маҳаллий тилларига, уларнинг ҳар бир товуш системасига мустақил ҳолда мослашган, сифат жиҳатидан мутлақо янги ёзувлар — суғдий, хоразмий, парфёний, бохтарий ёзувлари шаклланган.

Зикр этилган ёзувларнинг ёдгорликлари хилма-хил. Масалан, суғд ёзуви ёдгорликлари мазмун мундарижасининг кенглиги билан алоҳида ажралиб туради. Булар орасида энг қадимийлари тангаларда, муҳрларда сақланган. Сопол буюмлар, ҳайкалчалар сиртига битилган суғд ёзувлари орасида ҳам ёши 2000 йилга бориб қолган намуналар бор. Қоғозга битилган суғдча матнларнинг энг қадимийси IV аср бошларига мансуб. 313—317 йиллар орасида ёзилган, фанда «Эски мактублар» деб ном олган суғд шахсий мактублари 1906 йили инглизларнинг А. Стейн бошлиқ экспедицияси томонидан Ўйғуристоннинг Дунхуан деган еридан топилган. Бу хатлар узоқ шарқий ўлкаларда яшаб, савдо билан шуғулланган суғдлар томонидан уларнинг ватани Суғдга ёзилган бўлиб, маънавиятимиз тарихи учун ниҳоятда қимматли манбалардир.

Суғд ёзма ёдгорликлари орасида ҳажм эътибори билан энг улкан ва хилма-хили 1932—1933 йилларда Муғтоғи қасри харобаларидан (Панжикентнинг шарқида, Қум дарёсининг Зарафшонга қуйилган ерида) топилган суғд подшоларининг архивидир. Унда 80 га яқин ҳужжат бўлиб, чармга, қоғозга, ёғоч таёқларга ёзилган ва мазмун эътибори билан VII аср охири — VIII аср бошларига оид ҳуқуқий, хўжалик ҳисоботлари, тилхатлар, шахсий мактублар, дипломатик ёзишмалар, подшо буйруқномалари ва бошқалардан иборат. **Ҳужжатларнинг бири Чочга (Тошкентга) 713 йилда араб истилочиларига қарши ҳарбий иттифоқни мустаҳкамлаш вазифаси билан келган элчи Патуфари томонидан Панжикент ҳокими Деваштич номига ёзилган мактубдир.** Яна бир ҳужжатда подшо Деваштич ўзига қарашли тегирмонларни Мохйон исмли кишига ижарага бергани ва бунинг шартлари, ҳуқуқий асослари баён этилади. **Диққатга сазовор яна бир ҳужжат турк йигити Уттекин билан суғд қизи Дуғдғунча ўртасидаги никоҳ аҳдномасидир. Уларнинг никоҳи 710 йилнинг 25 мартида ҳужжат билан муҳрланган экан.** Бир текстда подшо итоатдан чиқиб қолган маҳаллий ҳокимни қойиб танбеҳ берса, иккинчисида унга ялинчоқ оҳангда мурожаат этади ва араб истилочиларига қарши бирликка чақиради ва ҳоказо. Буларнинг тарихий қимматини таъкидлаб ўтириш ортиқча бўлса керак. Суғд ёзма ёдгорликлари орасида будда динининг муқаддас китобларидан қилинган суғдча таржималар катта салмоққа эга.

Суғд ёзма ёдгорликлари топилган ҳудуд ниҳоятда кенг, унга ҳозирги Мўғулистон, Ўйғуристон, Тибетнинг айрим жойлари, Ҳинд дарёсининг юқори оқимида жойлашган тоғ довонлари, Қирғизистоннинг Талас дарёси водийси, Фарғона водийси, Чоч ва бошқа ерлар киради. Ёзувнинг бу қадар кенг тарқалгани суғдларнинг қадимги ва илк Ўрта асрларда халқаро савдо карвон алоқаларида ўта фаол иштироклари туфайли рўй берган. Ҳатто VI аср ўрталарида ташкил топган Буюк турк ҳоқонлигининг дастлабки даврида суғд тили ва ёзуви турк зодагонларининг расмий хотира битикларида қўлланган. Жумладан, 583 йилга оид Махантекин (Мухан ҳоқонининг укаси) қабрига қўйилган тошбитик ана шундай — суғд тилида, суғд ёзуви билан битилган. Бу ёдгорлик жанр эътибори билан қабр тошига ёзилган марсия достонлари Билга Қоон, Култегин, Тонюқуқ ва бошқалар ҳақидаги ёдномалар анъанасининг бошида турганлиги билан диққатга сазовор ва махсус ўрганишни талаб қилади.

Суғд ёзма ёдгорликларининг энг сўнгиси Талас дарёси водийсидаги қоя тошлар сиртига X-XI аср-нинг биринчи чорагида битилган ташрифномалардир. Бу матнлар, афтидан, муқаддас саналган қоятошларни зиёрат қилиш жараёнида турк зодагонлари томонидан буюриб ёздирилган.

	Текстлардаги ҳарфлар, ва н.э.	Согдийское письмо Бухары	Согдийская надпись из Мунчак-тепе	Согдийские документы IV в. н.э.	Согдийское письмо VII-IX в. н.э.
'					
B					
C					
H					
W					
Z					
X(Ḥ)					
J					
K					
D(L)					
M					
N					
S					
P					
Č(Ṣ)					
R					
Š					
T					
I					
h					

ХОРАЗМИЙ ЁЗУВИ ЁДГОРЛИКЛАРИ миқдор турлари бўйича унчалик кўп эмас. Улар 1936 йилдан бошлаб ишлаб келаётган Хоразм археология ва этнография экспедицияси томонидан Тупроққалъа, Қўй қирилган қалъа, Тўққалъа, Якка Порсон, Миздаҳқан, Ойбуйир қалъа ва бошқа ёдгорликлардан топилган. Мазмун эътибори билан каттагина гуруҳ ёдгорликлар солиқ тўлов ва мажбурият ҳашарлар эҳтиёжи учун тузилган хонадон рўйхатлари (уларнинг аъзоларини номма-ном ва социал аҳволини кўрсатган ҳолда), хўжалик ҳисоб ҳужжатлари, тангалардаги ёзувлар, қабрларда ўрнатилган ҳайкаллар, ўлганларнинг суяклари солиб қўйилган устихондон сиртидаги ёзувлар ва ҳоказо. Хоразмий ёзуви ёдгорликларининг кам сақланганлиги сабабини улуғ аллома Беруний шундай изоҳлаганлар: «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди».



Тарихда милоддан олдинги 250 йилдан милодий 224 йилгача — 476 йил яшаган Парфия давлати Ўрта Осиёнинг жанубий-ғарбий бўлагини ва Яқин Шарқнинг катта қисмини бирлаштирган эди. Унда парфёний ёзув давлат ёзуви сифатида амал қилган. Бу ёзув тангаларда милоддан олдинги I асрдан учрайди. Шаклан орамий ёзувининг давоми бўлса ҳам, белгиларининг фонетик маъносига кўра бу ёзув мустақилдир. Парфёний ёзув ёдгорликларининг энг катта мажмуаси М. Е. Массон раҳбарлигида ишлаган ЮТАКЭ (Жанубий Туркманистон археологик комплекс экспедицияси) томонидан қадимги Парфия пойтахти Михрдаткирт — кейинчалик Насо (Беруниийнинг «Осорул-боқия»сида шундай) аталган шаҳар харобасидан топилган.

Бу мажмуани сопол парчаларига ёзилган бутун бир «кутубхона» дейиш мумкин. 3000 донадан ортиқ сопалаклар сирти ёзув билан тўлдирилган. Ўқиб ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, улар қазиб очилган хоналар ва бўлмалар милоддан олдинги I милодий II асрларда катта май заҳиралари сақланган омбор экан. Ёзувлар эса май (вино) нинг олиб келиниши, сақланиши ва сарфи билан боғлиқ жорий ҳамда ҳисобот ҳужжатлари экан. Бу ёдгорликлар орқали фанга қадимги Парфия исми хослари, кўплаб тарихий, хўжалик, ижтимоий ҳаётга, ёзув маданиятига оид маълумотлар кириб келди. Бохтарий ёзуви қадим Бақтрия давлатида милоддан аввалги IV-III асрларда шаклланган, лекин кўп ўтмай грек истилочилари ва маҳаллий зодагонларнинг биргаликда ҳаракати билан тузилган Грек-Бохтар давлати шароитида юнонча 25 ҳарфли алифбе асосида янги ёзув яратилиб, қадим бохтар ёзуви амалиёти чекланиб қолган. Бу ёзув ёдгорликлари кам учрайди ва яхши ўрганилмаган.

Кейинроқ, милодий эра бошларидан шакллана бошлаган турк ёзуви ва «Қутадғу билик» сингари буюк маданият обидалари битилган «эски уйғур хати» алифбе тизимлари туркий тил учун ниҳоятда мослашган мукаммал ёзувлар бўлиб, улар ҳақида алоҳида ва батафсил сўз юритган маъқулдир. Бу ёзувлар XV-XVI асрларгача ҳам юртимизда кенг истеъмолда бўлганлиги ашёвий далиллардан маълум.

Туронзамин турли маданий анъаналар кесишган юрт эди. Шу сабабли ўлкада монавий, сурёний, эфталит, брахми, кхарошти каби ёзувлар ҳам истифода этилган. Моний ва будда таълимотларига оид асарлар ёзилган. Агар илгари қадим ёзув муаммолари билан, асосан, Европа ва рус олимлари шуғулланган бўлсалар, сўнгги 20—25 йиллар ичи ўзбек олимлари ҳам жиддий тадқиқотларга киришмоқдалар. Юқорида қайд этилган ёзувларнинг чизма шакллари тараққиёти, ижтимоий истифодаси, маданий-маънавий камолотга хизмати нуқтаи назаридан, бир сўз билан тарихий-филологик жиҳатдан бир бутун тадқиқ этувчи ишлар бажарилмоқда. Ушбу ишларни янада жонлантириш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институтида махсус бўлим ташкил этилган. Ушбу сатрлар муаллифи ҳамда филология фанлари докторлари Н. Раҳмонов, Қ. Содиқовнинг ёзувлар тарихи ва ёзуви ёдгорликлари ҳақидаги мақолалари ва ҳ.к. ишлар ҳозирги кунда ёзма ёдгорликлар ва ёзувларимизнинг ўрганилиши ва ҳозирги ҳаётимизда ишлатилиши ҳақидаги ишларимиз давомидир.

Суратларда: Муғ қасридан топилган суғд ҳужжатининг парчаси; суғд ёзуви асосида вужудга келган уйғур ёзувининг алифбоси. Бу ёзув шарқий Туркистондан топилган; суғд ва парфёний ёзувларининг турли даврга оид кўринишлари: биринчи устунда ҳарфларнинг фонетик маъноси; иккинчи устунда парфёний ёзув ҳарфлари; 3-6 устунларда суғдий алифбо ҳарфларининг турли ёдгорликларда учраган шакллари.

ЯНА БИР, ЭЗГУ УМИДИМИЗ баён этилган тарихий далиллардан келиб чиққан ҳолда яқин келажакда бутун Туронзамин миқёсида ўлка халқлари ёзув маданиятининг 2500 йиллиги кенг миқёсда байрам қилинса ва шу баҳонада тўпланиб қолган кўпгина муаммолар ечими биргаликда ўрганиб чиқилса.

Мирсодиқ ИСҲОҚОВ,
Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти қадим ёзма ёдгорликлар бўлими мудири, тарих фанлари доктори

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА» Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо ҚЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЕҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИУЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Муталлиб СОДИҚОВ
Босмахонага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.35
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64563. Буюртма № Г-461 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10